02
К96
02(575.1)

Узбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги
Абдулла Кодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти
КУТУБХОНАЧИЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

АБОНЕНТ

# КУТУБХОНАШУНОСЛИК ВА БИБЛИОГРАФИЯ МАСАЛАЛАРИ

(МАЪРУЗАЛАР МАТНИ)

2094385
Абдулла Қодирий номидаги
Тошкент ... ин-ти
ас...
42347
Фунда... ...отека
Таш... ...Кадыри
Инв. №

Тошкент - 2000.

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti
371513
Axborot Resurs Markazi

02 (575.1) Библиотековед

# КУТУБХОНАШУНОСЛИК ВА БИБЛИОГРАФИЯ МАСАЛАЛАРИ

(Маърузалар матни)

«Кутубхонашунослик ва библиография масаалалри» номли – туплам кутубхонашунослик, библиография ва кутубхона фонди ва каталоглари кафедраси профессор – укитувчилари томонидан тайёрланди. Мазкур тупламда «Кутубхонашунослик», «Китобшунослик ва китоб тарихи», «Библиография тарихи ва назарияси, уни ташкил килиш, хозирги кунда кутубхона каталоглари ва фондини ташкил килиш» каби масалаларга оид маъруза матнлари уз урнини топган. Маъруза матнлари талабаларга мазкур фанлар буйича билим олишига кумак беради, деган максадда яратилди.

Илмий мухаррир:
ШАМСИЕВ Ш.М. – педагогика фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:
ЙУЛДОШЕВ Э.Й. – педагогика фанлари номзоди, профессор
РАСУЛОВ К. – педагогика фанлари номзоди, доцент

Нашрга маъсул:
ШАМСИЕВ Ш.М. – педагогика фанлари номзоди, доцент

Маъруза матнлари кутуюхонашунослик факультети илмий кенгашида (Баённома № 11. 28 июнь 2000 йил) хамда институт укув услубий кенгашида (Баённома № 9. 6 июль 2000 йил) мухокама этилган ва нашрга тавсия этилган.

# М У Н Д А Р И Ж А :


1. МАМАТРАИМОВА Х. Библиографик фаолият ички тузилишининг элементлари.
2. ТУРОПОВ М.М. Урта асрларда Урта Осиёда библиографиянинг пайдо булиши.
3. ШАМСИЕВ Ш.М. Ретроспектив курсаткичлар тизими.
4. ШАМСИЕВА Н.А.-Узбек китоби тарихи.
5. МАТМУРОДОВА М.И. Китоб савдоси ахборотлар тизими.
6. РАСУЛОВ М.М. Кутубхоналарда ишлаб чикариш – техника адабиётларини таргиб килиш.
7. ДАВЛАТОВ С.Х. Илк урта асрда (V – XI) Шарк давлатлари кутубхоналари.
8. ЙУЛДОШЕВ Э.Й. Кутубхона фондини жойлаштириш.
9. РАХИМОВА М.А. Кутубхона фондини моделлаштириш.

Х. МАМАТРАИМОВА
Библиография кафедраси доценти,
педагогика фанларин номзоди

# БИБЛИОГРАФИК ФАОЛИЯТ ИЧКИ ТУЗИЛИШИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

( таркибий кисмлари )       4 соат

( «Библиография тарихи ва назарияси»фанидан)

**Режа:**

I. Библиографик фаолият ва унинг таркибий кисмлари хакида умумий тушунча:

а) Библиографик фаолиятнинг максадлари ва субъектлари.

б) Библиографик фаолиятнинг объекти.

в) Библиографик фаолиятнинг жараёнлари.

г) Библиографик фаолиятнинг воситалари.

д) Библиографик фаолиятнинг натижалари.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Коршунов О.П. Библиографоведение: Общий курс: Учебник /Под общ. ред. О.П.Коршунова. – Москва, 1990 – С. 73 – 104.
2. Беспалова Э.К. Библиографическая продукция как объект изучения //Сов. библиогр. – 1982. - № 2. - С. 3 – 12.

3. Вохрышева М.Г. Библиографическая деятельность: структура и эффективность. – Москва, 1989. – 200 с.
4. Моргенштерн И.Г. Библиограф в информационном обществе // Библиогр. – 1992. - № 5 – 6. – С. 3 – 10.
5. Полотовская И.Л., Шрайдер Ю.А. Будушее наступает сегодня: (Документ как библиографирования ) // Сов. библиогр.-1988. - № 1. – С. 28 – 34.

Б и б л и о г р ф и к ф а о л и я т – бу кутубхоналар, илмий – техника ахбороти органлари, нашриётлар ва хужжатлар алока йуллари тизимидаги бошка жамоат институтлари томонидан илмий – ёрдамчи, ишлаб чикариш, тарбиявий, таргиботчилик ва бошка максадларда библиографик ахборотга булган эхтиёжни хар томонлама кондиришга хизмат килувчи хужжатли ахборот фаолияти сохасидир.

Библиографик фаолият библиографик фаолиятнинг максади, субъекти, объекти ( предмети ), жараёнлари, воситалари ва натижалари каби асосий таркибий кисмларни уз ичига олади.

Библиографик фаолиятнинг м а к с а д и кутилаётган натижанинг хаёлий колипи сифатида субъектнинг онггида жойлашган ва шаклланадиган фаолиятни кузгатувчи сифатида келади. Шу сабабли библиографик фаолиятнинг максадлари унинг субъекти билан алокада ва биргаликда куриб чикилади.

Библиографик фаолиятнинг бош, марказий, тизимни хосил килувчи таркибий кисми унинг с у б ъ е к т л а р и д и р . Айнан субъект бутун тизимнинг харакатлантирувчи асосий кучидир. У максадни шакллантиради ва юзага келтиради, жараёнларни амалга оширади, воситаларни ишлаб чикади ва фойдаланади. Фаолиятнинг натижалари (библиографик махсулот) ни тузади.

### а) Библиографик фаолиятнинг субъектлари ва максадлари

Библиографик фаолиятнинг бош субъекти – библиографик ахборотни ишлаб чикиш, истеъмолчига етказиш ва библиографик ахборотдан фойдаланишни ташкил этиш билан шугулланувчи м у т а х а с с и с – б и б л и о г р а ф д и р .

Библиографик фаолиятнинг сифати ва самарадорлиги библиографнинг амалий тайёргарлиги ва назарий билим даражасига боглик. Шу сабабли хам

библиограф мутахассисларни тайёрлаш ва кайта тайёрлаш (малакасини ошириш ) тизими мухим роль уйнайди ва унга алохида эътибор берилади.

Библиограф касбий хотираси ривожланган, библиографик маълумотларни эслаб колишга урганган, чидамли, мантикий фикрлаш доираси ривожланган; тез карор кабул кила оладиган, манбалар доирасини яхши билган, уларнинг биридан иккинчисига тез ута оладиган булиши; умумилмий ва уз мутахассислиги буйича билимларни чукур эгаллаган, билимини амалда тадбик кила оладиган, библиографик кидириш олиб бора оладиган, манбалардан фойдалана оладиган, объектив оламни идрок этувчи онгли шахс булиши зарур.

Библиографик фаолиятнинг м а к с а д л а р и – библиографик жараёнларда субъект сифатида библиограф томонидан келтириб чикариладиган ички ва ташки шарт – шароитларга кура хилма – хилдир.

Умумий якуний максад – жамият аъзоларининг ахборот эхтиёжларини кондиришга таъсир этишдир. Бу максад библиограф томонидан мустакил максад сифатида ( кидириб топиш, хабар бериш, тавсия этиш ) хам тушунилиши мумкин. Бу максад ичида билиографик фаолиятнинг йуналиша ва турли сохалари билан боглик булган янада иникрок максадлар ажралиб чикади.

Хусусан олганда, библиографик фаолиятнинг хамма таркибий кисмлари ва уларнинг ички булинмалари хам максадлар сифатида англаниши мумкин.

Библиографик фаолиятнинг иккинчи с у б ъ е к т и – библиографик фаолият билан вактинча шугулланувчи олим, укитувчи, ёзувчи, мухбир – ахборот истеъмолчилардир. Улар библиографик ахборотни истеъмол килиш билан бирга узи иш фаолияти давомида библиографик ахборот манбасини (яъни ишларида фойдаланилган адабиётлар руйхатини ) тузадилар.

Библиографияга кенг маънода каралганда библиографияшунос, яъни библиография сохасида илмий иш билан шугулланувчи илмий ходим, библиография фанларининг укитувчилари хам библиографик фаолиятининг 3 - с у б ъ е к т л а р и була оладилар.

## б) Библиографик фаолиятининг объекти

Библиографик фаолиятнинг икки асосий таркибий кисмдан – хужжат ва ахборот истеъмолчисидан ташкил топувчи хужжатлар алока йуллари тизими объект сифатида келади.

« Хужжат – истеъмолчи » тизими ягонадир, шу билан бирга турли библиографик жараёнларда хужжатлар ва истеъмолчилар турлича вазифани бажарадилар.

Х у ж ж а т - социал ахборотни таркатувчиси сифатида библиографик кулланмалар тузиш ( библиографиялаш ) жараёнининг бевосита объектидир. Хужжатнинг таркиби турли – тумандир: китоблар ва кичик рисолалар, газеталар, журналлар, кино – фото материаллар, магнит тасмалари, тасвирий санъат асарлари, микротасвирлар ва хоказолар.

Объект – биздан ташкарида, бизнинг онггимизга боглик булмаган холда мавжуд булган борлик ёки мавзу.

Библиографик фаолиятда хужжатнинг кайси туридан катъий назар библиографик кайта ишлаш максадига кура хужжатлар уч асосий белгиси: мазмуни, шакли, максади ва китобхонлик доираси эътиборга олиниб ажратилади.

Мазмунига кура хужжатлар ажратилганда бирон - бир тайёр классификация жадвалдан фойдаланилади. Масалан, Кутубхона – библиография классификация жадвали, предмет жадвали.

Хужжатларни шаклига кура классификациялашда эса вактли булмаган ( китоблар ва кичик рисолалар, варакалар ), вактли ва давомли нашрлар ( журналлар, газеталар, бюллетенлар, варакалар ), аудиовизуал материаллар ( кинофотоматериаллар, микрофильмлар, диафильмлар, тасвирий санъат асарлари ) ва бошкалар булиши мумкин.

Нашр хиллари буйича эса 8 та асосий хили ажратилади: илмий адабиётлар, илмий – оммабоп нашрлар, ишлаб чикариш адабиётлари, укув адабиёти, справка нашрлари, сиёсий – оммабоп адабиёт, ахборотли нашрлар, бадиий адабиётлар.

А х б о р о т   и с т е ъ м о л ч и л а р и – библиографик фаолият сохасида библиографик хизматнинг яширин ва тугридан тугри ( бевосита ) объекти хисобланадилар ( яъни библиографик хизматда иштирок этмай библиографиядан фойдаланади, иккинчидан, иш фаолияти давомида узи библиографик ахборотни яъни библиографик руйхатни яратада – тузади ).

« Хужжат – истеъмолчи » тизимининг асосий таркибий кисмлари библиография нуктаи назаридан сифатли, лекин бир хилдаги мухим роль уйнайди. Улар уртасида доимо ахборот алокаси мавжуд ва бу ахборот алокаси библиографик фаолиятнинг хакикий объекти хисобланади.

Демак, « хужжат – истеъмолчи » тизими библиографиянинг бевосита ( тугридан тугри ) ва бавосита объектини ташкил килади.

в) Библиографик фаолиятнинг жараёнлари.

Библиографик фаолият иккита асосий ва бир – бирига узвий боглик булган жараёнлар – хужжатларни библиографиялаш ва библиографик ахборот истеъмолчиларига библиографик хизмат курсатишни уз ичига олади.

Библиографиялаш – хужжатларда кайд этилган библиографик ахборотни библиографик кулланма шаклида ишлаб чикиш ( тайёрлаш ) жараёнидир.

Библиографиялаш жараёни.

а) бирламчи хужжатлар массиви ёки окимини кидириш ёки хабар бериш максадида библиографик кайта ишлаб библиографик ахборот сифатида акс эттириш ва

б) аник талаб ва эхтиёжларга боглик холда библиографик ахборотни кайта ишлаш ва унга бахо бериш ишларини уз ичига олади.

Библиографиялашнинг иккинчи боскичи бир вактнинг узида библиографик хизмат курсатишга хам хосдир.

Библиографик хизмат курсатишнинг узига хос жараёни – бу библиографик ахборотни истеъмолчиларга бевосита етказишдир.

Библиографиялаш библиогрфик хизмат курсатишнинг зарур библиографик асосини яратиб беради.

Библиографиялаш, библиографик хизмат курсатишнинг асоси – библиографик кидиришдир. У библиографик ахборотнинг кидириш вазифаси билан боглик ва унинг амалга оширилишини технологик томонидир. Библиографик кидиришнинг узига хос хусусияти шундаки, унда хужжатнинг узи эмас, балки хужжат хакидаги маълумот кидирилади ва истеъмолчига шу маълумот, яъни библиографик ахборот етказилади.

Хужжатларни библиографиялаш бир томондан хужжатли объектларнинг хажми, шакли ва мазмунига; иккинчи томондан эса тузилаётган библиографик ахборотнинг аник максади ва китобхонлик доирасига боглик булади.

Хар кандай библиографик кулланмани тузиш турт асосий боскичда амалга оширилади:

- т а й ё р л о в ( мавзу танлаш ва уни урганиш, кулланманинг проспектини тузиш, адабиётларни аниклашни уз ичига олувчи );

- а н а л и т и к ( аникланган хужжатларни умумий тахлил килиш, библиографик тасвирларни тузиш, аннонтациялаш ёки рефератлаш, индекслаш ва предметлаш ишларини уз ичига олувчи );

- с и н т е т и к ( тахлил килинган хужжатлар ичидан танлаш ва уларни группалаш жараёнини уз ичига олувчи );

- я к у н л о в ч и ( кулланманинг справка – методик аппаратини тузатиш, унга мухаррирлик килиш ва уни расмийлаштириш ишлари бажариладиган) боскичлар.

Библиографик фаолиятнинг иккинчи жараёни – бу библиографик хизмат курсатишдир.

Библиографик хизмат курсатиш – библиографик ахборотни истеъмолчига етказиш жараёнидир. Библиографик хизмат курсатиш икки тартибда: справка – библиографик хизмат курсатиш, библиографик ахборот билан таъминлаш тартибида курсатилади.

Справка – библиография хизмати истеъмолчининг ахборотга булган сурогини кабул килиб олиш ва унинг саволига жавоб беришдан иборот. Справка – библиография хизматида албатта сурокнинг булиши зарур. Бу хизматда « истеъмолчининг суроги – библиографнинг жавоби» муносабати мавжуд булиб, биринчиси хизматнинг асоси, иккинчиси якуний натижаси хисобланади.

Бир марталик сурок – ахборотга тушган огзаки ёки ёзма шаклдаги, тез жавоб бериладиган сурокдир.

Сурокка жавоб хам ёзма ёки огзаки шаклдаги справка, рад жавоби ёки услубий консультация ( маслахат ) дан иборат булиши мумкин.

Справка ( маълумот ) – бир марталик сурокка берилган жавоб, яъни ахборотдир.

Рад жавоби - бу бир марталик сурокка жавоб бериш имконияти йуклигининг сабаби курсатилган жавобдир.

Услубий консультация (маслахат) - бу зарур ахборотни олиш йулларини курсатувчи ва маслахат берувчи бир марталик сурокка берилган жавобдир. Бунда ахборот талабчиси ахборотни кидириши учун бирор манбага йуналтирилиши, унга бошка кутубхонага мурожат этиш тавсияси берилиши мумкин.

Справка – библиография хизматида справка ва услубий маслахат бериш, хизмат курсатишнинг ижобий шакллари хисобланади. Уларнинг хар иккиси хам ундаги ахборотнинг хусусиятига кура библиографик ва фактографик булиши мумкин.

Библиографик справкалар уч асосий турда булади:

1) мавзули справкалар.
2) кутубхона – манзилли справкалар.
3) библиографик маълумотларни аникловчи справкалар.

Уларнинг хар бири библиографик кидириш натижасида топилган библиографик ахборотни уз ичига олади.

Мавзули справка китобхон томонидан суралган мавзу буйича хужжатлар руйхатидан иборат булади. Масалан, « Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши » мавсусида адабиётлар суралган булса, бу холда мавзу буйича йигилган, маълум бир тартибда жойлаштириб китобхонга берилган адабиётлар руйхати мавзули справка хисобланади.

Кутубхона – манзили справка - аник бир жамгармада ( кутубхона жамгармасида, архивда, илмий – техника ахбороти маркази булган муассасада, китоб дуконида ) истеъмолчи сураган хужжатнинг аник сакланиш жойи ёки мавжудлиги библиографик манбалар ( библиографик курсаткичлар, кутубхона каталоглари, картотекалари ва бошкалар ) ёрдамида аникланган справка, яъни истеъмолчи томонидан тушган сурокка берилган расмий библиографик маълумот – ахборотдир. Масалан, Умар Хайёмнинг «Наврузнома» асарини кутубхонада бор – йуклигини сураб китобхон мурожат килганда навбатчи библиограф у хужжатни кутубхонанинг алифбо каталоги ёрдамида кидириб, уни бор ёки йуклигини айтиб, китобхон сурогига жавоб беради.

Библиографик маълумотларни аникловчи справка истеъмолчининг сурогида нотугри курсатилган ёки тушириб колдирилган библиографик тасвир элементларини топиш ёки аниклаш билан богликдир. Масалан, китобхон « Турналар баланд учади » романини сураб мурожат килди ёки эхтимоллар назарияси хакида китоб суради. Биринчи холда у асар муаллифининг насл – насабини ёдидан чикарган. Бу холда библиограф хар кандай кутубхонада юритилиши лозим булган «Бадиий асарлар сарлавхалари картотекаси» ёрдамида асарнинг муаллифини аниклайди, сунгра бу

романнинг кутубхона фондида бор ёки йуклиги хакидаги маълумотни алифбо католог ёрдамида кидириб аникланади ва топилган жавоб – справка китобхонга берилади. Иккинчи холда эса библиограф кидирувни дастлаб системали каталокка тузилган «алифбо – предмет курсаткичи»дан бошлайди, унинг ёрдамида эхтимоллар назариясига оид кандай нашрлар кутубхона фондида борлигини аниклаб, системали каталогдан айнан шу масалага оид китобларни кидириб топади ва уларнинг руйхатини китобхонга беради. Бу холда хам икки хил справка – хам библиографик маълумотларини аникловчи справка, хам кутубхона манзилли, яъни айнан бир хужжатни кутубхона фондида бор – йуклигини аник айтиб берувчи справка бажарилади. Демак, бу икки справка - библиография хизмати куп холларда биргаликда бажарилади, бирини бажаришга иккинчиси ёрдам беради.

Ф а к т о р о г р а ф и к  с п р а в к а - фактлар, ракамли маълумотлар, саналар ва хоказолар хакидаги маълумотларни беради. Бундай фактографик суроклар китобхонлардан куплаб тушиб туради. Бундай сурокларни осон бажарилишини таъминлаш учун кутубхоналарда фактографик картотека юритилиши максадга мувофикдир, айникса, шу кутубхона жойлашган улка хаётининг хамма масалалари буйича факт ва ракамлар, вокеа – ходисаларнинг булиб утган жойи ва вакти хакидаги маълумотларни узида жамлаган бундай картотека фактографик сурокларни сузсиз бажарилишини таъминлайди. Масалан, Бухоро вилоят кутубхонасига келган китобхон Бухородаги « Минораи Калон » меъморчилик ёдгорлигининг качон куриб битказилганини суради. Агарда кутубхонада юкорида айтилган фактографик картотека булмаса, бу сурокни бажариш учун кутубхона ходимлари ёки библиографлар Бухоро тарихига оид китобларни куриб чикишлари зарур булади.

Бу куп вакт ва мехнат талаб килади, китобхон бундай узок вакт кута олмаслиги мумкин. Шундай холлар булмаслиги учун хар кандай кутубхонада, айникса, вилоят универсал илмий кутубхоналарида

фактографик картотеканинг юритилиши фактографик справкаларни бажаришга тулик ёрдам беради ва юритилиши максадга мувофик хисобланади.

Китобхон сурогига берилган ижобий жавобнинг бири бу у с л у б и й м а с л а х а т л а р. Услубий маслахат хам библиографик ва фактографик турларга булинади.

Б и б л и о г р а ф и к м а с л а х а т - бу маълум хужжатли ахборот манбалари ( библиографик кулланмалар, справка нашрлари, дарсликлар ва бошкалар ) дан фойдаланиш буйича маслахатдир.

Ф а к т о г р а ф и к м а с л а х а т - сурокни бажаришда ёрдам бера оладиган аник бир кишига, бошка кутубхона ёки муассасанинг манзилига курсатма беради. Масалан, Тошкент вилоят кутубхонасига китобхон меъёрий – техник хужжат сураб мурожат килди. Бу холда кутубхона библиографи меъёрий – техник хужжатлар Республика илмий – техника кутубхонасида тулик йигилиб борилишини айтиб, шу кутубхонага мурожат килишини маслахат беради.

Юкорида келтирилган справкаларнинг хаммаси хар кандай кутубхонада, яъни оммавий, илмий, универсал илмий ёки давлат универсал илмий, тармок, олий укув юртлари кутубхоналарида бажариладиган справкалардир, яъни справка библиография хизмати давомида бу справкаларнинг бирортаси ( китобхондан тушган сурокка караб ) бажарилиши мумкин.

Юкорида курсатилган жавобларнинг турлари кутубхоналарда китобхонларга справка –библиография хизмати курсатиш буйича ишнинг хисоб бирлиги хисобланади.

Справка библиография хизмати жараёнида библиографнинг жавоблари

| Справка | | | | Услубий маслахатлар | | Рад жавоб-лари |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Библиографик | | | Факто-график | Библио-график | Факто-график | |
| Мавзули | Кутубхона манзилли | Библиографик маълумотларни аникловчи | | | | |

## Справка - библиографияхизматининг тузилиши

**Библиографик ахборот билан таъминлаш** кутубхокна шароитида истеъмолчига унинг сурогисиз ёки доимий суроклари буйича библиографик ахборотни мунтазам етказиб туришдир.

Суроксиз библиографик ахборот билан таъминлашнинг асосий шакллари: а) кутубхонага янги келган адабиётлар бюллетени, б) кутубхонада ва ундан ташкарида утказиладиган (радио, телевидение оркали бериладиган, вактли матбуотда босиладиган) адабиётлар обзорлари, шунингдек, в) кутубхонада ташкил килинадиган «Ахборот кунлари», «Мутахассис кунлари», «Библиография кунлари» ва шу каби тадбирлардир.

Узок муддатли суроклар асосида библиографик ахборот билан таъминлашнинг мухим шаклларидан бири библиографик ахборотни унинг истеъмолчисига танлаб таркатиш тартибида етказиладиган **ахборотни танлаб таркатиш (АТТ) тизимидир.**

Ахборотни танлаб каркатиш ( АТТ ) тизимининг узига хос хусусиятлари:

- АТТ нинг абонентлари библиографик ахборотга кучли эхтиёж сезувчи кичик жамоалар, етук олимлар ва мутахассислар була олади;

- Абонентларнинг мавзули сурокларига библиографик ахборот берилади;
- Истеъмолчиларга библиографик ахборот аник бир белгиланган вактда мунтазам етказиб берилади;
- АТТ тизими абонентларни библиографик ахборот билангина эмас, балки яна бирламчи хужжат ( ёки унинг нусхаси ) билан хам таъминлай олади;
- АТТ тизимида библиографик ахборотни кайта ишлаш ва етказишда библиографик жараёнларни автоматлаштириш ва механизациялаштиришнинг техника воситаларидан фойдаланилади;
- АТТ нинг муваффакиятли бориши учун истеъмолчи билан тизим уртасида узаро кайта алоканинг булиши шарт. Бу алока тизим ишининг сифати ва самарадорлигини оширишга каратилган булади.

## Библиографик фаолиятнинг воситалари

Библиографик фаолиятнинг воситаларига фаолиятнинг усуллари, библиографик ахборотни ишлаб чикиш ва истеъмолчига етказиш йуллари, техника воситалари киради.

Библиографик фаолиятнинг усуллари. Библиографик фаолиятнинг турли жараёнларида турлича усуллар кулланилади. Библиографияшуносликда хужжатларни библиографиялаш усулларига купрок эътибор берилади. Библиографик фаолиятнинг хар икки асосий жараёнининг кушилиб кетиши туфайли бу асосий усуллар библиографик хизмат курсатишга хам хосдир.

Библиографиялаш жараёнининг усулларини библиографиялашнинг характери ва максадига кура икки гурухга:

- аналитик ( тахлил килувчи ) ва синтетик ( синтез килувчи – олдинги боскичда олинган натижаларга умумлашган хулоса килиш ) усулларига булиш мумкин.

Библиографиялашнинг аналитик усулига:

1) хужжатнинг асосий мавзусини, расмий ва мазмуний хусусиятларини, ютук ва камчиликларини, ютук ва камчиликларини, максади ва китобхонлик доирасини аниклаш максадида умумий тахлил килиш;
2) хужжатларни библиографик тасвирлаш;
3) хужжатларни аннотациялаш ва рефелатлаш;
4) индекслаш ва предметлаштириш, яъни хужжатнинг мазмунини предмет рукнлари ёки бирон – бир классификация жадвалининг шартли белгилари ёрдамида ифодалаш киради.

Кейинги уч ишнинг натижаси библиографик ёзувда бирлаштирилади, библиографик ёзувларни тузиш библиографиялашнинг аналитик усулидан синтетик усулига утишни таъминлайди, шу сабабли икки усулда унга бирдай каралиши мумкин.

Синтетик усулига:

1) библиографик тахлил килинган хужжатларни кейинги библиографик кайта ишлаш учун аниклаш;
2) олдиндан белгиланган белгилари буйича хужжатларни танлаш;
3) библиографик кулланмада библиографик ёзувларни группалаш ишлари киради.

Бу усуллар диалектик жихатдан биб – бири билан узаро богланган, иш жараёнлари маълум даражада бир вактда бажарилади, бир бирига утади.

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti
371513
Axborot Resurs Markazi

## Библиографик хизмат курсатишнинг усуллари.

Библиографик фаолият усуллари библиографик ахбортнинг асосий ижтимоий вазифалари билан богланган холда библиографик хизмат курсатиш доирасига хам таалукли булган уч асосий усулини ажратиш мумкин:

Абдулла Кодирий номидаги
Тошкент ... институти
асосий ...
партия № #2347
Фундаментальная библиотека
Таш ... им. А. Кадыри
Инв. №

1) хужжатларни идентификациялаш ( яъни библиогрфик ахборотни хужжат хакида етарли маълумот бера оладиган даражага етказиш ) ( бу библиографик ахборотнинг кидириш вазифасини амалга ошириш воситаси сифатида );
2) хужжатлар тугрисида хабар бериш ( библиографик ахборотнинг хабар бериш вазифасини амалга ошириш воситаси сифатида );
3) хужжатларни тавсия килиш усули ( библиографик ахборотнинг бахолаш вазифасини амалга ошириш воситаси сифатида ) .

## Библиографик ахборотни ишлаб чикиш ва истеъмолчига етказиш йуллари.

Улар ичида энг мухими – библиографик махсулот,яъни турли – туман библиографик кулланмалар ( библиографик нашрлар, китоб ичи, макола ичи, журнал ичи библиографик руйхатлар, каталог ва картотекалар, механизациялашган ва автоматлаштирилган хужжатли ахборот кидирув тизими ) ни яратиш.

Библиографик махсулот бир вактнинг узида библиографик фаолиятнинг бевосита натижаси ва мухим воситасидир. Аникрок айтганда, библиографик махсулот хужжатларни бирламчи библиографик кайта ишлаш жараёнининг якуний натижаси, библиографик ахборотни аник эхтиёж ва талабларга мувофик равишда кайта ишлаш жараёнининг воситаси ва натижаси, ва нихоят, библиографик ахборотни истеъмолчига етказишнинг асосий воситасидир.

Библиографик ахборотни тайёрлаш ва таркатишда радио ва телевидение мухим роль уйнайди. Радиода адабиётлар таргиботи китобларнинг библиографик обзори шаклида олиб борилади. Телевидение дастурларида турли оммабоп курсатувлар – « Саёхатчилар клуби » , « Хайвонот оламида » , « Тирик табиат » , « Мусика бустони » , « Олам ва одам » , « Тиббиёт оламида » , « Ёввойи габиат » ва бошка курсатувларда шу масалаларга оид

адабиётлар тавсия килинади. Бирок, радио ва телевидение оркали библиографик ахборот билан таъминлаш тажрибаси, бу иш услублари кенгайтиришни ва такомиллаштиришни талаб килади.

## Библиографик фаолиятнинг техника воситалари.

70 – йилларда бундай воситаларга ёзув машинкаси кирар эди, холос. Кейинги 20 – 25 йил ичида илмий техника тараккиёти библиографик фаолиятга катъий кириб келди. Аввало у библиографик жараёнларни механизациялаш воситаларини, турли перфокарталарда, кейинрок хужжатларнинг нусхасини кучирувчи аппаратлар ва нихоят, электрон хисоблаш машиналари ва хозирги нусха кучириш ва купайтириш техникасини олиб кирди.

Библиографик фаолиятнинг якин келажакдаги ривожлантирилиши ва такомиллаштириши, унинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, уни автоматлаштириш, компьютерлаштириш, янги нусха купайтириш техникасини кенг куллаш асосида техника воситалари билан таъминланишига боглликдир.

Хозирги электрон хисоблаш воситалари ЭХМ хотирасида жуда куп библиографик маълумотлар массивини саклаш имконияти мавжуд. Бу машиналарнинг янги, хотираси бир неча марта орттирилган турлари ишлаб чикилмокда. Бу билан библиографик фаолиятни автоматлаштиришдаги чекланишлар бартараф этилади.

## Библиографик фаолиятнинг натижалари.

Библиографик фаолиятнинг натижаси библиографик фаолиятнинг тузилишини якунловчи таркибий кисмдир. Бошка таркибий кисмларнинг

хаммаси шу натижани олишга йуналтирилган. Умуман фаолиятнинг натижаси — бу амалга ошган, оширилган максаддир. Библиографик фаолиятнинг максади канчалик турли – туман булса, унинг натижаси хам куп сонли ва турли тумандир.

Библиографик фаолиятнинг якуний максади – инсоннинг ахборот талабларини кондиришга ёрдам беришдир. Шунга кура библиографик фаолиятнинг охирги натижаси хам бу эхтиёжларни амалий кондиришга каратилгандир.

Библиографиялаш ва библиографик хизмат курсатишнинг хамма йуналишлари, сохалари, шакллари ва усулларига хусусий максад ва хусусий натижалар хосдир. Масалан, библиографиялаш жараёнининг бевосита умумий натижаси библиографик кулланмалар тизими ( библиографик махсулот ) , библиографик хизмат курсатишнинг натижаси эса – истеъмолчиларнинг бир марталик сурокларига библиографик справка, услубий маслахат ёки рад жавоби шаклидаги ижобий ёки салбий жавоб бериш билан хизмат этишдир.

Библиографик махсулот, юкорида айтганимиздек, библиографиялаш ва ахборот библиографик хизмат курсатишнинг натижаси ва воситасидир.

Библиографик фаолиятнинг бевосита мухим ва ахамиятли натижаси эканини библиографик махсулотнинг турли классификацияси нуктаи назаридан куриб чикиш лозим.

Библиографик кулланмаларнинг турлари классификацияси катта илмий, укув – маърифий, хамда услубий ахамият касб этади. Унинг ёрдамида куп сонли, турли – туман библиографик махсулотларни илмий асосда ситстематлаштириш ва уларни урганиш имконини беради.

Библиографияшуносликда библиографик махсулотларни классификациялашда 4 та асосий белгиси чегара килиб олинган:

а) библиографик кулланмаларнинг китобхонлик доираси;

б) библиографиялаш объекти – хужжатнинг мазмуни ва максади, шакли;

в) библиографиялаш услубларининг узига хос томонлари;

г) библиографик кулланманинг уз шакли.

Библиографик махсулотнинг турли тузилиши библиографиянинг турли тузилиши ёритиладиган мавзуда урганилади.

М.М.ТУРОПОВ

Библиография кафедраси доценти,

Пекдагогика фанлари номзоди

# УРТА АСРЛАРДА УРТА ОСИЁДА БИБЛИОГРАФИЯНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ

(Узбекистон библиографияси фанидан)

**Режа:**

1. Урта аср Урта Осиёда библиографиянинг пайдо булган даври: асосий библиографик манбаалар.
2. Китоб ичидаги билиографик руйхатла . Кутубхона каталоги ва адабиётларнинг тематик обзорлари.

**АДАБИЁТЛАР:**


1. Турапов М.М. «Развитие билиографического дела в Узбекистане», Т., 1983.
2. Туропов М.М. «Урта Осиёда худудида библиографиянинг пайдо булиши» - «Дил», Туркология. 1995.
3. Туропов М.М., Шамсиев Ш.М. Мангу сатрлар. - «Узбекистон адабиёти ва санъати», -1991, -Б.14.
4. Халидов А.Б. «Арабские рукописи и арабская рукописная традиция», Т., 1985. -244 -Б.

Республикамизнинг миллий мустакилликa эришиши туфайли утмиш тарихимиз, миллий маданиятимиз ва маънавий кадриятларимизни урганишга катта этибор берилмокда.

Бизга маълумки, Урта Осиё энг кадим даврлардан фан ва маданияти ривожланган мамлакатлардан бири хисобланади. Бунинг исботи учун биз то хозиргача сакланиб келаётган маданий - тарихий ёдгорликларни, куплаб топилаётган археологик топилмаларни курсатишимиз мумкин.

Айникса, жахон маданиятининг ажойиб манбалари хисобланган, Узбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик, Х.Сулаймонов номилдаги Кулёзмалар илмий текшириш институтларининг ва жахоннинг купгина кутубхоналари фондида сакланиб келаётган Урта Осиё олимлари, ёзувчи, шоирлари каламига мансуб булган кулёзма асарларни курсатишимиз мумкин.

Бу асарлар орасида Ибн Сино, Беруний, Алишер Навоий, Бобур, Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва бошка йирик олим ва ёзувчи, шоирлар яратган ажойиб асарлар бор. Бу кулёзмалар ичида Урта асрларда Урта Осиёда илм - фан билан бирга кутубхоначилик ва библиография ишининг ривожланишига хам катта эътибор берилганлиги хакида маълумот берувчи манбалар хам бор.

Урта асрларда Урта Осиёнинг катор шахарларида (Гурганж, Газна, Кат, Марв, Хирот, Самарканд) сулолавий сарой кутубхоналари ташкил килиниб, улардан энг йирик, илм - фан учун гоят кимматли кулёзма китобларга бой булган Бухородаги Сомонийлар сулоласининг кутубхонаси хисобланган.

Айникса Урта Осиёда кутубхоначилик ишининг ривожланишига Амир Темур ва Темурийлар хукмронлиги йилларида катта эътибор берилган. Шуниси характерлики, Амир Темур аввал Шахрисабда, кейин Самаркандда кутубхона ташкил килиб, уз кутубхонаси учун бутун Мовароуннахр ва истило килган мамлакатларидан машхур муаллифларнинг бежирим безатилган китоб нусхаларини йигдирган. Кулёзмаларни кучириш учун китоб устахоналарида

миллий китоб санъатининг энг яхши усталарини туплаган. Айрим олимларнинг тахминига кура, Темур Самарканддаги кутубхонасига Куръони Каримнинг уша асрнинг биринчи чорагида Куфий Хаги билан кучирилган нусхани олиб келган. У фанда «Усмон Куръони» номи билан машхур.

Амир Темурнинг сайъи харакати билан ташкил килинган кутубхона унинг набираси Мирзо Улугбекка мерос булиб колади. Бу буюк олим сулолавий сарой кутубхонасини куплаб янги кулёзма китоблар билан бойитади.

Темурийлардан Шохрух, Бойсунгур ва Хусайн Бойкароларнинг кутубхоналари хам адабий - бадий, илмий китобларнинг хилма - хиллиги ва сони жихатдан Темурнинг Самарканддаги кутубхонасидан колишмас эди. Афсуски. Улугбекнинг улдирилишидан сунг ва узаро феодал урушлар натижасида Амир Темур ва Темурийлар ташкил килган кутубхоналар фонди аста - секин талон - тарож килинади ва дунё билан «сочилиб» кета бошлайди.

Бу давр кутубхоначилик тарихи хакида О.Г.Косымова, А.И.Кормилицин, Э.О.Охунджоновлар томонидан маълум даражада маълумотлар берилган, лекин бу масала чукур урганиши талаб килади.

Урта Осиёда кутубхоначилик ишининг ривожланиши библиография ишини ташкил килиш ва ривожланишига хам сабаб булди. Библиография ишининг ривожланишида хам Урта Осиёнинг йирик олимларининг роли катта булган.

Урта Осиёда китобларни хисобини олиб бориш тарихан биринчи бор йирик давлат (сулолавий) сарой кутубхоналари Мадраса ва масжидлар кошидаги кутубхоналарда бошланади, хамда бу жараён мазкур жойларда олиб борилган махсус кутубхоначилик - библиография фаолиятида уз аксини топади.

Кулёзма асрлардаги маълумотларга караганда IX - X асрларда Урта Осиёнинг йирик кутубхоналари уз фондини фан сохаларига булиб жойлаштириб, китобхонларга фондни очиб берувчи руйхат (каталог) тузиб куйганлиги хакида малумотлар бизгача етиб келган. Масалан: Урта Осиёнинг

йирик энциклопедист олими Абу Али Ибн Сино 997 йилда Бухоро хонлигининг кутубхонасидан фойдаланишга рухсат олгандан кейин, шундай деб ёзган эди: «Мен кутубхонага кирганимда, кутубхона куп хоналардан иборат булиб, хар бир хонада бир фанга оид китоблар сандикларда сакланар эди. Мен кадимги муаллифларнинг руйхатидан куриб, узимга керакли китобларни танлаб олдим».

Ибн Сино фойдаланган бу руйхат - Урта Осиёда энг кадимги библиографик манба хисобланиб, бу Самонийлар Сулоласи кутубхонасининг каталоги эди. Ибн Сино берган маълумотдан яна шундай фикрга келишимиз мумкинки, уша даврда кутубхоналар уз фондларини фан сохасига хам булиб жойлаштирган. Яъни маълум кутубхона классификациясидан хам фойдаланган. Афсуски, бу руйхат хакида хали етарлича маълумотга эга бумаганимиз сабабли, бу хакида тухтаб утирмаймиз (бу алохида урганишни талаб килади).

Шундай килиб, Урта Осиёда библиография китоблар хакида маълумот берувчи фан сифатида, китобларни хисобга олиш, маълум илм сохаси, бирор олимнинг ижодий фаолиятига бахо бериш билан боглик ижтимоий зарурият такозасига кура шаклланди. Дархакикат, XI - XII асрда Урта Осиёда араб, форсий ва туркий тилларда илм - фан ва бадиий ижод шундай ривожландики, у инсон билимларининг турли сохаларида маълум хулосалар чикариш заруриятини тугдирди. Бу жараён, уз навбатида, илмий адабиётининг янги жанрлари кулёзма китобларнинг бошка куринишларининг шаклланишида хам намоён булди. Булар комуслар, умумий ёки муайян бир сохага оид кулланмалар, библиографик курсаткичлар ва биобиблиографик лугат, тазкиралар, олимларнинг улар шугулланган фан сохасига кушган хиссасининг бахоси, асарларининг тавсифи ёки руйхат ва бошкалар. Бу манбалар олимлар, мутахасилар ва давлат хизматчилари учун нихоятда зарур эди. Библиографик характердаги универсал ва бир сохага оид справочниклар, комус ва тазкиралар соф илмий асардан, узининг киска, содда ва кизикарли баён

килиниши билан фарк килиб, барча ижтимоий табака вакилларининг диди ва билим доирасига мос келар эди.

Хар кандай илмий тадкикотни олиб бориш жараёнида, маълум соха буйича яратилган мавжуд адабиётлар билан танишмок зарурияти X - XI асрларда Урта Осиё олимларини уз сохасига оид асарларининг кенг ва батафсил руйхатини тузишга даъват этар эди.

Бундай руйхатлар тарихий, табиий фанлар сохасига оид асарларга, муаллифларнинг устозларига, бирон машхур шахслар хакидаги адабиётларга тузилар эди.

Урта асрларда, Урта Осиё олимлари томонидан тузилган бу библиографик манбаларнинг купчилиги кулёзма холида бизгача етиб келганки, уларнинг кадим фан ва маданиятимизни урганишдаги роли, бу курсаткичларнинг тузилиш тарихи, услуби хали етарлича урганилмаган

Ушбу кулланманинг бу кисмида биз XI - XVII асрларда туркий, форс, араб тилларида тузилган ва кейинчалик баъзилари Европа тилларида нашр килинган библиографик кулланмалар хакида умумий тушунча беришга харакат киламиз.

Урта Осиёнинг йирик олими Абу Райхон Беруний узининг куплаб турли фан сохаларига багишланган йирик илмий асарлари билан (математика, астрономия, география, фалсафа, филология ва бошкалар) бирга ажойиб библиографик манбаларни хам мерос килиб колдирганки, улардан то хозирги кунга кадар олимларимиз Урта Осиёнинг фан ва маданият тарихини урганишда фойдаланиб келмокдалар. Масалан, Беруний 1035 - 1036 йилларда Урта Осиёнинг йирик файласуф ва тибиатшунос олими Абу Бакир Мухаммад Ибн Закирий Рози (IX асрнинг охири - X асрнинг бошларида яшаган) ижодига багишлаб, «Библиография» (араб тилида «Фихрист») номли курсаткични тузади. Бу курсаткичнинг биз учун ахамияти шундаки, унда Рози асрларининг руйхатидан ташкари, Берунийнинг 1036 йилнинг охиригача ёзилган 113 та асари хам киритилган.

Шунинг учун хам биз хакли равишда Беруний асрларининг биринчи библиографи - Берунийнинг узи булган деб айта оламиз.

Беруний курсаткичида аввало, Розининг таржимаи холи хакида маълумот берган. Берунийнинг маълумотига кура, Рози 865 йил 28 августда Рей шахрида тугилган. Унинг отаси савдо билан шугулланган ёшлигида Рози фалсафа, математика, астрономия ва кимё фанларини кизикиб урганган. 30 ёшларида тиббиёт фанини чукур урганган ва кейинчалик, тиббиёт асосий касбига айланган. У Рей ва Богдод шахар касалхоналарини бошкарган. Рози 925 йилда вафот этган.

Унинг Якин Шаркда илм - фан сохасидаги хизмати IX аср охири ва X аср бошида шу кадар мухим булганки, бу даврни Беруний «Рози аср» деб атаган. Курсаткичда Розининг 184 асари руйхати берилиб, улар фан сохаларига булиб жойлаштирилган (математика, астрономия, кимё, тиббиёт, тарих, филология ва бошкалар), булимлар ичида асрларининг ёзилиш йиллари (хронологияси) буйича жойлаштирилган. Библиографик тасвирда хар бир асарнинг тулик тасвири берилиб, унда асарнинг ёзилиш тарихи, у кимга багишланганлиги ва мазмуни хакида маълумот берилган. Бу курсаткич то XIII асрнинг урталарига кадар (я\ни 200 йилидан ортикрок) Рози илмий мероси хакида маълум даражада тулик маълумот бериб келган, XIII аср урталарида тарихчи олим Ибн Абу Усотбиа, Рози асрларининг тулик руйхатини тузиб, уларнинг сонини 236 тага етказган.

Юкорида айтганимиздек, курсатгичда Рози асрларининг руйхатидан сунг Беруний узининг асарлари руйхатини берган. У бу асарларни 13 та тематик булимга булиб жойлаштирган. Булимлар ичида турлича (йиллари, алфавит, хажмига караб) жойлаштирган. Библиографик тасвирда 113 та асардан 70 тасининг хажми курсатилган.

Шуни хам айтишимиз керакки, курсаткичга киритилган Берунийнинг асарларидан 27 таси Беруний замондошлари билан биргарликда ёзганлиги хакида айтиб утган (Булар Абу Сахлам Мосихий, Абу Али Хасан ва

бошкалар). Курсатгичда Берунийнинг1036 йилдан кейин ёзган 30 дан ортик асари кирмай колганлиги хакида маълумот бор.

Урта Осиёда энг кадимий асар матнлари ва китоб ичидаги библиографиянинг пайдо булиши хам Беруний номи билан богликдир. У Шаркда биринчи булиб фойдаланган манбалар хакидаги маълумотларни шаклга солишга, замонавий тил билан айтганда, бу манбалар хакида, аник маълумот беришга катта эътибор берган. Йирик рус археологи ва этнограф олими С.П. Толстой шундай деб ёзган эди: «Беруний манбаларни танкидий аналитик усул йули билан урганди. Тугри манбаларга танкидий ёндашиш Берунийгача хам булган, лекин Беруний ишларида манбаларга танкидий ёндашиш изланишнинг асосий шарти килиб олинган».

Бу гапларнинг исботи учун биз Берунийнинг 998 - 1004 йиллар уртасида ёзилган «Йилнома» (хронология) номи билан машхур асари матнида берилган манбалар руйхатини келтиришимиз мумкин. Бундай руйхат Берунийгача бирорта олимнинг асарида келтирилмаган.

Беруний бу асарида антик ва Урта асрларда яшаган - грек, Византия, Хиндистон ва Урта Осиё авторларининг асарларидан фойдаланганлиги кайд этган. Бу асарни матнлар ичидаги библиографияга бой булган биринчи асар деб хисоблашимиз мумкин.

Китоб ичидаги библиографиянинг мухим намунаси сифатида биз Берунийнинг «Хиндистон» (1030 йил) номли йирик илмий асарини хам курсатишимиз мумкин. Асар кириш кисм ва 80 бобдан иборат булиб, уни ёзишда Беруний ун йил давомида барча фан сохаларига оид 207 та кулёзма китоблардан фойдаланган. Бу асарнинг 12-14 бобларини хакли равишда алохида библиографик манба деб аташимиз мумкин. Бу бобларда тупланган манбалар фан сохаларига булиб урганилган ва жойлаштирилган. Хар бир фан сохасидаги булимлар ичида Беруний, аввало, энг мухим илмий асарлар хакида батавсил тухталиб, сунгра эса бошка манбалар хакида маълумот берган.

Унинг манбалар мазмунини очиб беришдаги куллаган асосий услубларидан бири асарнинг асосий бобларини санаб утишдан иборат булган.

Агар Беруний у ёки бу китобни куриш имкониятига эга булмаса, албатта, бу хакида айтиб утган.

Берунийнинг бизга мерос килиб колдирган библиографик курсаткичларидан хисобга олинган манбаларнинг хронологик ва худудий чегарасининг кенглиги (антик даврдан - XI аср бошларигача, Хиндистон, Якин Шарк ва Грециягача), улар тилининг хилма - хиллиги (араб, форс, грек ва бошкалар) кишини хайратга солади. Бу Берунийга минг йиллар оша бизга куплаб олимлар ва ёзувчилар номларини, уларнинг асарлари (купчилиги бизгача етиб келмаган) хакида мухим маълумот етказишга имконият яратади. Унинг бу библиографик ишлари, уни Урта Осиёнинг биринчи библиографи деб хакли равишда айтишимизга имконият яратади.

Урта Осиёда Урта асрларда тузилган йирик библиографик манбалардан яна бири - бу XIII асрларда яшаган араб ёзувчиси ва саёхатчи Ибн - Абдуллохай Ёкутнинг «Исмлар лугати ва фанлар мазмуни» номли курсаткичи хисобланади. Ибн - Абдуллохай Ёкутнинг хаёти ва фаолияти Урта Осиёда билан узвий богликдир. У Шаркнинг куплаб мамлакатларига саёхат килган, шу жумладан, у Урта Осиёнинг катор шахарлари - Хоразм, Самарканд, Бухорода булган, икки йил хозирги Туркманистонинг Мари шахрида яшаган ва шу даврда у мухим тарихий манба хисобланувчи «Лугати» учун бой материал туплаш имкониятига эга булган.

Ёкут узининг библиографик иши учун маълумотларни библиография, тарих, филологияга оид асарлардан, айникса, АС - Сомонийнинг «Исмлар генеологияси китоби» дан (бу хакда кейинрок батафсил тухталамиз) маълумотлар олган. Ёкутнинг бу асарини инглиз олами Р.Моргалиус томонидан 1907 йилда нашр килинган.

Урта Осиё олимлари ва ёзувчи, шоирларнинг асарларини хисобга олувчи мухим библиографик манбалардан яна бири таникли турк олими ва библиографи Хожи Халифанинг XVII асрда тузилган «Китоб ва фандаги шубханинг бартараф этилиши» номли курсаткичидир. Курсаткич XIX асрда Г.Флюгер томонидан лотин тилида нашр килинган булиб, унда 15007

асарнинг руйхати берилган. Тузувчи курсаткичда олимларнинг, ёзувчи, шоирлар ва дин номояндаларнинг асарларини фан сохалари буйича берган.

Библиорафияда муаллиф хакида хам маълумот берилиб, уларнинг насл - насаби, касби, эгаллаган мансаби хакида, уларнинг тугилган ва вафот этган йиллари, ижтимоий келиб чикиши хакида киска маълумот берилган. Уларнинг хамма асарларининг тулик руйхати берилаган. Биз бу курсаткичда Урта Осиёнинг йирик олимлари Ибн Сино, Хоразмий, Беруний; шоирлари Саъдий, Умар Хайём ва бошкалар хакида маълумот олишимиз мумкин.

Хожи Халифанинг бу куп томлик библиографик курсаткичи узининг тузилганига 400 йилдан ошик давр утишига карамасдан, хали хам Шарк маданиятининг ажойиб намунасини хисобланиб, уз илмий кийматини йукотмай келмокда.

Хожи Халифанинг «Лугати» хакида гапирганимизда шунга ухшаш Урта асрларда тузилган, уша даврда Урта Осиё тарихи, фан ва маданияти, адабиёти ва санъатини урганишда мухим манба хисобланувчи бизгача етиб келган куплаб лугатларни хам курсатишимиз мумкин.

Бу «Лугати»ларда библиографик курсаткичлар сингари Урта Осиёнинг куплаб олимлари, ёзувчилари, шоирлари, тарихчи - саёхатчилари, дин намояндалари, давлат арбобларининг хаёти ва фаолияти хакида, уларнинг асарлари хакида мухим маълумотлар берилган Бундай «Лугат»лардан бири юкорида эслатиб утилган XII асрда тузилган Ас - Сомонийнинг «Исмлар генеологияси китоби» номли лугатдир. Мухаммад Ибн Мансур Ас - Сомоний аслида Мавр шахрида тугилган булиб, ёшлигидан Урта Осиёнинг куплаб шахарларида билим олиш максадида саёхатда булади. 1144 йили Ас - Сомоний Марв шахрига кайтиб, Ал - Ахмад мадрасасида дарс бера бошлайди ва илмий иш билан шугилланади. У 40 дан ортик илмий иш ёзган булиб, улар ичида «Географик лугат», муаллифнинг устозлари ижодига багишлаб тузилган «Шайхлар лугати», айникса, Урта Осиё адабиёти тарихини урганишда унинг «Исмлар генеологияси китоби» мухим ахамиятга эга. Унда асосан 4000 динний адабиёт вакилларнинг асарлари акс эттирилган

булиб,форс - тожик классик адабиётининг асосчиси Абу Абдуллох Рудакийнинг ижоди бундан мустаснодир. XVI асрда Амин Ахмад Рози томонидан тузилган «Етти иклим»номли лугати асосан географик ва биографик энциклопедия хисобланади. Унда Шаркнинг мусулмон мамлакатлари ва шахарлари тасвирланиб, бунга кушимча хар бир мамлакат ва шахарларнинг йирик арбоблари хаёти, фаолияти ва уларнинг асарлари хакида хам маълумот берилган.

Узбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шаркшунослик институтида библиографик мазмундаги бир канча кулёзма китоблар сакланади. Улар орасида «Шайхур - раис асарлари руйхати», - Ибн Сино китобларига библиографик курсаткичи хам бор. Бу кулланмада Ибн Синонинг 142 асарнинг руйхати берилган булиб, 1664 йилда, номаълум муаллиф томонидан тузилган.

Урта Осиё халкларининг бадиий ижодиёти ва китобот тарихида тазкира жанри ва шу номидаги кулёзма асарлар Урта Осиё библиографияси тарихида алохида урин эгаллайди. Уларда машхур шахслар (купрок шоирлар, китоб санъати усталари, диний арбоблар ва умуман ижодга аълокаси булган шахслар) хакида библиографик маълумотлар тупламини ташкил этади.

Бу манбаларда хабар берилаётган шахснинг каламига мансуб асарлари, девонлари (агар шоирнинг девони булса), асарларидан намуналар ва унинг кули билан кучирилган китоблар хакидаги маълумотлар хам илова килинади.

Тазкиранавис хабар бараётган шахснинг хаттотликдаги ва умуман китоб санъати билан боглик фаолиятидаги ютукларига хам алохида эътибор каратган, шунингдек, унинг айрим асарларига адабиётшунослик нуктаи назаридан бахосини берган. Шарк олимлари тазкираларнинг уч хил куриниши хакида суз юритадилар. Булар соф адабий тазкиралар, хамда хаттотлар ва китоб иши билан боглик шахслар хакидаги тазкиралардир.

«Тазкирайи - хаттотин» - деб номланган сунги типдаги тазкираларнинг максади утмиш ва замондош китоб санъати намояндаларининг хаёти ва фаолитига оид маълумотларни туплашдан иборат. Бу турдаги манбалар

орасида XVI аср хаттоти Кози Ахмад Кумийнинг «Хаттотлар ва мусаввирлар хакида рисола» номи билан машхур асари шу турдаги манбаларнинг энг мухим намунасидир.

Тазкира жанридаги асарларини Оврупо ва рус китобот маданиятидаги асарлар билан киёслаганда, улар адабий антологиялар ва библиографик лугатга (курсаткичларга) якин туришини куришимиз мумкин. Шунинг учун, бизнинг назаримизда, тазкира туридаги асарларни Урта аср библиографик кулланмалар доирасига киритиш максадга мувофикдир. Чунки бу асарларда унга киритилган шахснинг таржимаи холи хакида, кейин унинг асарлари хакида ва у хакида замондошларнинг фикрлари берилади. Бундай тузилиш услуби ва маълумотлар «Библиографик лугатлар»да хам кулланилади. Йирик шоир адабиётшунос олим Максуд Шайхзода тазкира жанрига куйидаги тавсиф берган: «Шарк халкларининг адабиёт тарихини асл манбалар оркали текширилган деган, тадкикотчининг асосий суянадиган манбаси турли замонларда, турли шахслар томонидан, турли сабаблар билан ёзилган тазкиралардир». «Тазкира» сузи арабча суз булиб, максадни унутмаслик учун ёзув оркали баён этмок демакдир. Шарк мамлакатларида катта муваффакиятларга эришилган ва анъанага айланган тазкирачиликда муаллифлар уз асарларини турли белгилар ва коидаларга риоя килган холда тузганлар. Мавжуд тазкираларда одатда маълум бир даврнинг еки маълум бир мамлакатнинг шоирлари, олимлари хакида гап боради.

Шарк халклари адабиёти тарихида яратилган ва бизгача ётиб келган тазкира жанридаги дастлабки асар Абу Мансур Ас - Саолибийнинг 1017 йилда араб тилида ёзилган «Йатимат осд - духр» китобидир. Унинг махсус бир боби Туркистонлик ва Хуросонлик шоирларга багишланган. Бу бобда Туркистонда яшаб араб тилида ижод этган 124 шоир хакида ва уларнинг асарлари хакида маълумот берилган. Муаллиф узи яшаган даврда Бухоро ва Хоразмдаги адабий жараённинг ахволи, замондош хатотлар, улар кучирган кулёзма асарларнинг муаллифлари, номи, кучирилган жойи хакида киска маълумотлар берган.

Мухаммад Авфийнинг 1221 - 1222 йилларда яратилган «Лубоб ул - албоб» номли асари форсий тилда ёзилган дастлабки таскира асари хисобланади. Муаллиф асли Марвлик булиб, Бухорода тарбия топган ва тахсил олган. «Лубоб ул - албоб» асарида Урта Осиёда форс - тожик тилида XI - XII асрларда яшаб ижод этган шоирлар хакидаги маълумотларни акс эттирган.

Бундан кейинги форс - тожик тилида яратилган кузга куринган тазкира асарлар каторига Абдурахмон Жомийнинг машхур «Бахористон» асарининг бадиий ижод намояндаларига багишланган VII боби X - XV асрларда яшаб ижод этган уттиздан ортик Урта Осиелик шоирлар ва улар тузган девонлар хакида хикоя килади.

XV асрда форс - тожик тилида ижод этган шоир ва адибларга багишланган яна бир тазкира асари, бу Давлатшох Самаркандий каламига мансуб «Тазкиратуш - шуаро» 1488 йилда ёзиб тугатилган булиб, унда у X - XV асрларда яшаб ижод этган 150 шоир тугрисида маълумот берган.

Нихоят, XV асрда Урта Осиё адабиёти ва маданияти тарихини урганишга мухим ахамиятига эга булган, туркий тилда тазкира яратиш анъанисини бошлаб берган Алишер Навоийнинг «Мажолис - ул - нафоис»номли тазкира асари яратилди. Бу асарда Туркистон ва Хуросон худудларида яшаб ижод килган 459 шоир хакида маълумот беради. Алишер Навоий тазкирасининг ундан олдинги яратилган бошка шу типдаги асарлардан фарклаб турувчи асосий узига хос хусусияти шундан иборатки, унда факат XV асрда яшаб ижод этган адабиёт намояндалари тупланган булиб, уларнинг купчилиги А.Навоийнинг замондошлари эди.

А.Навоий суз юритилаётган шоирлар ва уларнинг асарлари хакида тазкира учун зарурий ва анъанавий булган маълумотдан ташкари, Хирот ва Самарканднинг адабий хаёти, адабий кеча ва мажлислар, буюк шоир даврида яратилган адабиётшунослик ва тарихга оид асарлар хакида, утмиш шоирларнинг таркок меросини туплаш, уларни кучириб нусхаларини

купайтириш борасида олиб борилган ишлар хакида турли хил керакли маълумотлар келтиради.

Алишер Навоий узидан олдин араб ва форс тилларида яратилган тазкиралар ва бошка библиографик типдаги асарларни чукур тахлил этиб, уларга танкидий ёндашган холда, «Мажолис - ул - нафоис» асари билан Урта Осиёда бутунлай янги типдаги тазкирачиликка асос солади.

Бу янги типдаги тазкираларда бош уринда замонавийлик принципи куйилади ва муаллиф узига якин замондош булган ижод ахлини жамлаш, замонавий адабиёт, хаёт тарзи ва адабий жараённи яратишни асосий максад килиб олади.

«Мажолис - ул - нафоис» асаридан кейин яратилган купчилик тазкира асарларнинг муаллифлари Навоий асос солган тазкирачилик анъаналарнинг давомчилари сифатида чикдилар. Шулардан бири «Музаккири ахбоб» (1566 й.) тазкирасининг муаллифи бухоролик Хасан Хожа Нисорий эди. Бу XVI асрда яратилган бизга маълум ягона тазкира булиб, унда XVI асрнинг биринчи ярмида Урта Осиё адабий хаёти нисбатан тулик ёритилган ва мутахассисларнинг бахосига кура муаллифга замондош булган Туркистон адабий мухитининг деярли барча вакиллари урин олган.

XVII - XIX асрларда Урта Осиёда бундай тазкиралардан 10 дан ошиги тузилган булиб, уларнинг узига хос томонлари шундан иборат эдики, муаллифлар узлари яшаган жойдаги адабий мухитни хакида, ижод ахли ва китоб усталари хаёти ва ижодини ёритишга каратганлигида эди.

XI асрда Абу Райхон Беруний асос солган устозлар асарларининг библиографик руйхатини тузиш анъаниси XV - XVI асрларда хам давом эттирилди. Алишер Навоий уз дусти, маслакдоши ва устози Абдурахмон Жомий вафотидан сунг унга багишлаб ёзган «Хамсон ул - мутахайирин» (1492) асари шахс библиографик курсаткичининг мукамал намунасидир. Муаллиф рисоланинг ёзилиш сабаблари ва тузилиш услуби хакида кискача маълумот берувчи кириш кисмда ёзишича кулланма мукаддима, уч маколат ва хотимадан иборат. Мукаддима кисмида А.Жомийнинг хаёти, насл - насаби,.

Жомий ва Навоийнинг биринчи бор танишувлари хакида маълумот берилган. Биринчи маколатида икки буюк шахс хаётида кечган дустлик, хамда ижоди хамкорлик хакида гувохлик берувчи манбалар тугрисида фикр юритилади. Иккинчи маколат уларнинг бир - бирларига ёзган катор мактубларни ва уларнинг ёзилиш сабаблари хакида, ва нихоят, учинчи маколатда Жомий яратган 30 та асар руёхати берилиб, уларнинг ёзилиш тарихи баён этилади.

Маълумки, Жомий ва Навоий катор асрларини бир - биридан илхомланиб, бир - бирининг маслахати билан яратганлар. Бу маколатда Навоий чукур хурмат билан ана шундай ижодий хамкорлик хакидаги манбаларни келтирган.

Бундан ташкари, Алишер Навоийнинг замондоши, тарихчи олим Хондамир Алишер Навоий ижодини ва унинг асарларини урганиш учун мухим библиографик манба сифатида фойдаланиши мумкин булган «Макоримул - ахлок» («Яхши хулклар») номли асарини ёзган. Хондамир Навоийнинг энг якин шогирдларидан булиб, унинг бевосита ёрдами туфайли даврининг етук олимларидан булиб етишган.

Бу асарнинг тенгсиз ахамияти шундаки, унда биринчи маротаба Алишер Навоийнинг хаёти ва ижодий фаолияти ёритилган. Шу билан бирга унинг «Хамса» ва «Чор девони» дан ташкари яна 20 дан ортик турк ва форс тилларида ёзилган асарлари, 30 дан ортик Навоий ижодига багишланган бошка шоир ва ёзувчилар, олимларнинг асарлари хакида кизикарли маълумотлар берилган. Тарихчи олим уз асарида кайд этган Навоий асарлари ва у хакидаги асарларининг яратилишига шахсан гувох булган ёки укиб чиккан. Шунинг учун хам у уз асарларида факатгина асарларининг руйихатини берибгина колмай, хар бир асарнинг мазмуни хакида уз фикрини, бошка кишиларнинг шу асарга берган бахосини хам баён этади.

Бундай маълумот бериш тартиби хозирги замон библиографиясидаги анотацияни ёки библиографик обзорни эслатади. Масалан: «Хамса» турк тилида ёзилганлиги, 27 байтдан иборат эканлиги, ёки «Чор девон» хакидаги маълумотда девон турк тилидаги 25 минг байтни жамловчи газаллардан

тузилганлиги, турт девонда хайётнинг турли фасилларида ёзилган газзаларни жамлаб турувчи ном билан аталганлиги хакида маълумот беради.

Хондамир бу асарда Навоий асарларидан ташкари Навоий хакидаги манбаларни хам руйхатини берган. Улар китобнинг турли булимларида жойлаштирилган булиб, Навоий хаёти фаолиятининг кайси кирраларига мансуб, шунга кура жойлаштирилган.

Масалан: «Илм фазилати ва олимлар мартабаси хакида» номли булимда Тофтазани, Асимий, Кошифий, Имом Навовий каби замон олимларининг Навоийга багишланган 21 асари хакида маълумот беради.

«Шеър фазилати ва шоирларнинг улуг даражалари хакида» булимида Абдурахмон Жомий, Кирмоний, Гулистоний, Камолиддин Мир Хусайиннинг Навоий улуг номи билан тугалланган асарларининг руйхати баён килинган. Манбаларнинг бундай тартибда жойлаштирилиши библиографик кулланмалардаги адабиётларнинг тематик жойлаштирилиш услубига ухшаб кетади. Бундан куриниб турибдики,.. «Макоримул - ахлок» асарида библиографиянинг купгна белгилари мавжуд. Шунинг учун хам бу асар факатгина тарихий ахамиятга эга булиб колмай, балки узбек классик адабиётининг йирик намояндаси Алишер Навоийнинг хаёти ва фаолияти хакида илк бор маълумот берувчи мухим библиографик манба сифатида хам, узбек миллий библиографиясининг тарихини урганишда хам катта эътиборга лойик.

Юкорида курсатиб утилган библиографик манбаалар узида адабиётларни хисобга олиш аспектининг хронологик, худудий чегарасининг маълумотларини жуда киска беради.

Юкорида куриб утган купгина ишларда тузувчилар купчилик манбаларни узлари бевосита урганиш имкониятига эга булмаганликлари сабабли узгаларнинг берган маълумотларидан фойдаланганлар, шунинг учун хам баъзи ноаликларга йул куйилган ёки тулик маълумот берилмаган. Шу сабабли XI - XVII асарлардан тузилган библиографик маълумотлардан ва библиографик курсаткичлардан фойдаланишда илмий ходимлар,

библиографлар уларга танкидий ёндашишлари зарур. Уларни уша давр бошка хужжатлари, хамда асарларнинг узи билан, курсаткичларнинг номи билан таккослаб, улардан фойдаланилса ва илмий урганилса ижобий натижа беради.

Биз курсатиб утган библиографик курсаткичлар ва библиографик лугатлар билан Урта асрларда Урта Осиё библиографик манбаларни тарихини урганиш чекланмайди.

Бу борадаги янги изланишлар янги - янги маълумотлар топилишига олиб келиши мумкин. Бизнинг ишончимиз комилки, агар кулёзма асарлар чукур урганилса, бу сохада тадкикотчилар куплаб илмий янгиликлар топадилар.

Лекин шуни алохида такидлаб утишимиз мумкинки, юкорида кайд этилган библиографик курсаткичлар ва манбаларнинг узи хам, шоралар хокимияти йилларида баъзи тарихчи олимларимизнинг Урта Осиёда библиография факат Россияга кушиб олингандан кейин пайдо булган деган фикрларининг бутунлай нотугри эканлигини исботлашга асос булади. Урта Осиёда библиография иши хам узининг кадим тарихига эга булиб, хали Россия ва Оврупо мамлакатларида библиография сузи хакида тушунчахам йук даврлардаёк, бизнинг олимларимиз алохида йирик (хозирги кунлардагидек) библиографик кулланмалар тузганлар, улардан фан ва маданиятимизни ривожлантиришда кенг фойдаланганлар.

Бу библиографик курсаткичларнинг купчилиги хозирги кунда хам уз илмий кимматини йукотмаган.

Ш.М.ШАМСИЕВ
Кафедра доценти

# РЕТРОСПЕКТИВ КУРСАТКИЧЛАР ТИЗИМИ.

(Ижтимоий-сиесий адабиетлар библиографияси курсидан)

## Р Е Ж А:

1. Муаммоли тематик курсаткичлар.
2. Мамлакатшунослик ва улкашунослик курсаткичлари.
3. Библиографик кулланмалар, справочник курсаткичлар.

## А Д А Б И Е Т Л А Р:

1. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиет кафолатлари. - Т.: Узбекистон, 1997. - 315 б.
2. Ивичева Л С., Сахаров Н И., Архипова М.К. Библиография общественно-политической литературы: Учебник. - Москва: Кн.Палата, 1988.- С. 121-144.
3. Информационные потребности ученых обществоведов.- Киев, 1990 - 90 с.

# МУАММОЛИ - ТЕМАТИК КУРСАТКИЧЛАР

Умуман фаннинг, шу жумладан, ижтимоий фанларнинг ривожланиши тармок ва ички тармок табакаланиши билангина эмас, балки интегратив тенденциялари билан хам характерланади. Илмий муассасалар тизимида тармок муассасалари билан бир каторда, одатда билимнинг турли тармоклари мутахассисларнинг иштирок этишини талаб килаётган энг мухим, мураккаб ва долзарб муаммоларни ишлаб чикариш учун ташкил килинаетган комплекс- муаммоли институтлар, илмий советлар, группалар ишлаб турибти. Бундай жамоаларнинг фаолияти факат тармок ретроспектив библиографик ахборот билангина етарли даражада таъминланиши мумкин эмас.

Жамиятга рахбарлик килишга оид амалий фаолиятнинг купгина йуналишлари хам комплекс характерга эга, чунки бунда унинг ривожланиши энг хилма-хил сиёсий, социал, иктисодий хукукий ва купгина бошка жихатларини хисобга олиши зарур булади.

Илмий кутубхоналар мамлакатимизни илмий- техникавий ва иктисодий ривожланишининг асосий комплекс ахборот билан таъминлаш дастурларини, шу жумладан, регионал дастурларни хам ишлаб чикмокдалар.

Комплекс - муаммоли тематик ретроспектив курсаткич ана шундай ахборот талаб- эхтиежларини кондиришга хизмат килади. Бундай курсаткичлар купчилик тармок ретроспектив кулланмалари сингари купгина историографик максадларни кузлайди.

Уларнинг вазифаси анча янги, илмий ёки амалий кимматини тулик саклаб колган адабиёт тугрисида тармоклараро ахборот беришдан иборат. Бундай кулланмаларни тематикаси, уларда материални танлаш мезони, аввало бирмунча долзарб илмий ва гоявий муаммолар билан богликдир.

Масалан: "Демократик жамиятнинг ривожланиши. Марказий ва жануби - Шаркий Европа мамлакатларида шундай жамият барпо этиш

назарияси ва практикаси" деб аталган ва хар йили чикариб туриладиган курсаткичлар хозирги боскичда реал демократизм муваффакиятларини ва демократия назариясининг ривожланишини акс эттириш максадини уртага куяди

Бу курсаткичлар ривожланган жамият барпо этишнинг умумий муаммоларига оид адабиётни (китоб ва маколаларни) хам, шунингдек, Европадаги айрим мамлакатлар тугрисидаги адабиётларни хам уз ичига олади. Бундай фалсафий, тарихий, сиёсий, иктисодий, хукукий, муаммолар ва унинг барча бошка жихатлари хисобга олинади. Йиллик курсаткичлар ИНИОН нинг жорий библиографик нашрлари асосида ташкил килинади. МДХ халклари тилларидаги, чет тилларидаги материалларни уз ичига олади. Одатда, бир йил ичида чикарилган адабиёт икки- уч томда хисобга олинади. Биринчи том тематик булимлар ва рубрикалар асосида системалаштирилган умумий тусдаги материални, колган томлар эса айрим мамлакатлар: Болгария, Венгрия, Германия, Польша. Руминия. МДХ халклари, Чехословакия хакидаги материалларни уз ичига олади.

Хар йили чикариб туриладиган иккинчи курсаткич - "Илмий башорат ва иктисодий прогнозлаш" деб аталган курсаткичда прогностиканинг методологик фалсафий, социал - демографик, экологик муаммоларига оид, мухим социал- иктисодий жараёнларни прогнозлаш хакидаги адабиёт тупланган.

Курсаткич 1971 - 1976 йилларнинг биринчи ярмидаги тулдирилган кумулятив кулланма булиб, 1965 йилдан буёнги материалларни хисобга оладиган йиллик нашр сифатида чикарилмокда. Унда факат энг йирик умумий муаммоларга оид: илмий техника потенциалини прогнозлаш, капитал курилиш, ахоли ва мехнат ресурсларининг микдори ва шу каби муаммолар хакидаги адабиётлар жойлаштирилган.

Россия миллий кутубхонаси 90 - йилларнинг урталаридан бошлаб хозирги боскичда демократик курилишнинг энг долзарб муаммоларига оид тематик кулланмаларни мунтазам равишда чикармокда. Хар йили 6 – 10 та

ана шундай курсаткич чикарилмокда. Бу курсаткичлар партия ходимлари, укитувчилар жамиятшунос мутахассислар ва идеология сохасида иш кураётган бошка ходимлар учун мулжаллангандир. Шу группадаги айрим кулланмалар турли тармокларга таалукли булиши мумкин, лекин улар биргаликда адабий мерос нинг турли жихатларини акс эттириш, унинг амалга оширилиши, давлатни бошка хужжатлари кандай бажарилаётганини курсатиб бериш максадини уз олдига куйган.

Бундай курсаткичларда, одатда, материал уч - беш йилни хронологик жихатдан камраб олади, лекин купинча кулланма давом эттирилади. У ёки бу муаммолар доирасини ишлаб чикишда ижтимоий фанлар ютуклари тугрисидаги хамда партия ва халкнинг шу сохадаги амалий фаолияти хакидаги адабиёт бирга кушиб олиб борилади.

Гоявий ва илмий жихатдан мухим булган адабиёт эълон килиниши жанридан катъий назар танланади. Баъзан курсаткичлар у ёки бу карор кабул килинган куннинг мухим саналарига багишланади ва шу карор кандай бажарилаётганини курсатувчи материал берилади /масалан, «Мехнаткашларга иктисодий таълим ва тарбия бериш» /М., 1984/.

## УЛКАШУНОСЛИК ВА МАМЛАКАТШУНОСЛИК КУРСАТКИЧЛАРИ.

Одатда, регионал курсаткичлар куп тармокли тусга эга булади. Чунки улар умуман мамлакат ёки улка хакидаги материални уз ичига олади. Бирок улар ижтимоий сиёсий адабиётлар ичида асосий урин эгаллайди: курсаткичларнинг купчилик булимлари регионнинг тарихи, иктисодиёти, сиёсий, социал - маданий хаёти билан богланган дир. География озми - купми кенг ёритилади. Фан ва техникани ривожлантиришга оид адабиётга келганда шуни айтиш керакки, ундан мазмун жихатдан ижтимоий - сиёсий

булимларга купинча кушилиб кетадиган бирмунча умумий тусдаги китоблар ва маколалар танлаб олинади.

МДХ республикалари тугрисида шу республикаларда чикариладиган ретроспектив курсаткичлар, одатда, рус тилида ва республиканинг она тилларидаги адабиётни уз ичига олади. Бундай курсаткичлар МДХ марказлари тармок ва тематик нашрларни зарур тарзда тулдиради. Бу марказлар купчилик холларда факат рус тилидаги адабиётларни акс эттиради.

Республикаларнинг кутубхоналари бир канча йирик ретроспектив курсаткичларни, масалан, Белоруссия халк хужалиги курсаткичини тайёрлади.

Улкашунослик кулланмалари чет мамлакатларга багишланган булиб, бир текис тайёрланмайди. Масалан, Европадаги бир катор мамлакатлар тугрисидаги жуда куп адабиётдан йирик курсаткичда Болгария хакидаги адабиётгина хисобга олинган. "Болгария тарихи" ва «Болгария Халк Республикаси» курсаткичи ФБОН томонидан бошланган булиб, сунгра Болгарияда давом эттирилди.

Россия Фанлар академиясининг Шаркшунослик институти урушдан кейинги йилларда баъзан ИНИОН билан биргаликда Осиё ва Африка мамлакатлари тугрисида бир канча курсаткичлар тайёрлаган. Улар хаммаси "... библиография" /мамлакат номи/ сарлавхасига эга булиб, Хиндистон, Афгонистон, Эрон, Туркия, Покистон, Японияга ва Шаркдаги бошка мамлакатларга багишланган. "Африка ва Араб шарки мамлакатлари билиографияси" ва «Жануби - Шаркий мамлакатлар библиографияси» бирмунча кенг регионал характерга эга.

Бу курсаткичларнинг хаммаси рус тилидаги адабиётни, куплари эса инкилобгача булган рус адабиётини уз ичига олади. Бундай холларда курсаткич одатда, икки томда чикарилади.

Кулланмаларнинг структураси мамлакат хаётидаги турли жихатларни акс эттиради. Аннотациялар камдан-кам булиб улар справка тусига эга.

"Осиё, Африка ва Океания мамлакатлари тугрисидаги адабиёт" курсаткичида /у 1969 йилдан буён чикарилмокда/, бирмунча янги шаркшунослик адабиёти акс эттирилган. Хар бир том 1 - 2 йил ичидаги материални уз ичига олади, лекин унда хисобга олиш жорий потокдан анча оркада колмокда.

1974 йилда 1979 йиллардаги адабиёт хисобга олинган йиллик курсаткичлар чикарилди.

Европа ва Шимолий Америка мамлакатлари тугрисидаги мамлакатшунослик курсаткичлари факат айрим кулланмалар тарзида берилган. 1918- 1962 йиллардаги адабиётларни акс эттирган "Англия ва Ирландия тарихига оид адабиётлар" курсаткичи шулар жумласидандир. Мамлакатнинг социал- иктисодий, сиёсий тарихи, сиёсати, хозирги сиёсий ахволи ва иктисодий, маданий жихатлари, географияси тугрисидаги адабиёт баён килинган бир канча тематик кулланмаларда АКШ хакида рус тилидаги китоблар ва маколалар хисобга олинган. Бу курсаткичлар 1945 - 1970 йиллардаги материални акс эттирган.

ИНИОН 1971 йилдан буён бир - икки хилни хисобга олган холда АКШ тугрисидаги курсаткични чикармокда.

«Рус матбуотида Лотин Америкаси» деб аталган рус тилидаги китоблар ва маколалар курсаткичи хам 1964 йилдан бери чикарилмокда, у икки йиллик материални уз ичига олади

## ТАРИХИЙ МАНБАЛАР КУРСАТКИЧЛАРИ.

Бундай манбалар ичида купинча уларнинг турларига караб бирмунча куп библиографик ретроспектив кулланмалар мавжуд. ВНИИДАД муттасил давом эттираётган "Архившунослик, адабиётшунослик адабиёти ва хужжатлари каталоги" гина анча умумий тусга эга. Каталогнинг турт томида 1917 - 1970 йиллардаги адабиёт акс эттирилган. Бирмунча янги

хужжатларнинг руйхатларини давом этаётган археографик нашрлардан топиш мумкин.

Тадкикотчилар хикоя килувчи тарихий манбалардан хам кенг фойдаланмокдалар. Бундай манбалар “Инкилобгача булган Россия тарихи кундаликлари ва хотиралари” деб аталган куп томли курсаткичда бирмунча тулик тупланган. Бу ерда мемуар китоблар ва журналларда эълон килинган маколаргина эмас, шу билан бирга мамлакатимиз тарихининг илк даврлари /ХУ асрдан бошлаб/, тугрисидаги хар хил “кичкина хатлар”, “ривоятлар” ва бошка материаллар хисобга олинган. Томлар Россия тарихининг айрим дарлари буйича: ХУ - XVIII асрлар, 1801-1856 йиллар, ва 1895 - 1917 йиллар буйича тузилган. Бу материал бир хил схема асосида ёзилган катта аннотациялар билан таъминланган. Курсаткичнинг охирида бир неча “калит” кузда тутилган.

Россия миллий кутубхонасининг «XVIII - XX асрлардаги хотиралар ва кундаликлар» деб аталган кулёзма курсаткичи ушбу кулланмага кушимча булиб хизмат килиши мумкин. Жамият тарихига оид хотиралар “МДХ жамияти тарихи замондошлар хотираларида” куп томли кулланмасига хам /кулланмалар жузлари 1917-1957 йиллардаги мемуарларни, айрим нашрлар ва журналларнинг маколаларини акс эттиради./, тематикаси бирмунча хусусий булган купгина курсаткичларга хам киритилган. Булар орасида шахсий курсаткичлар, айрим даврлар буйича курсаткичлар бор. Катта кутубхоналарнинг фондини очиб берувчи курсаткичлар ва обзорлар хам манбашунослик характерига эга. Чунончи, БМТ нинг Россиядаги депозитари булган ИНИОН фондлари асосида “БМТ ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари” обзори тузилди.

Россия Миллий кутубхонаси “Ленинград Улуг Ватан урушида: Ленинград матбуоти 1941-1945” каталогини тайёрлади. Купгина бошка библиографик марказлар хам ана шундай кулланмалар чикаришган.

Архивларнинг йул курсаткичлари ва уларнинг айрим коллекциялари обзорлари узига хос библиографик кулланмадир, Булар эълон килинмаган тарихий манбалар билан танишиш имконини беради.

## БИБЛИОГРАФИК КУЛЛАНМАЛАР, СПРАВОЧНИКЛАРНИНГ КУРСАТКИЧЛАРИ.

Библиографик ва справка кулланмаларининг курсаткичлари Россия Миллий кутубхонасининг ташкилий ва услубий рахбарлигидаги купгина кутубхоналарнинг - куч - гайрати билан ташкил килинмокда. Тармок библиографиясининг материаллари мухим кулланмаларгина эмас, шу билан бирга умумий курсаткичларда хам жойлаштирилган. Масалан: “учунчи даражали” умумий курсаткичда /Каддаль Б.Л. «Ватан библиографик кулланмаларининг курсаткичлари» (Л., 1984) манбашунослик ахамиятини саклаб колган ижтимоий фанларга оид юздан купрок библиографик материал хисобга олган. “Ватан кундалик библиографик ахборот нашрларининг йул курсаткичи”да тармок жузларидан биринчиси ижтимоий фанларга багишланган. Бу курсаткичда 1977 йилдаги библиографик ва реферbegin нашрлар хисобга олинган. Уларнинг мазмуни ва характери аннотацияларда очиб берилган. Йул курсаткичларидан фойдаланиб, шу нарсани назарда тузиш керакки, кундалик библиография тизимида, айникса иктисодий ва техника сохасида 1978 йилда анча мухим узгаришлар руй берди. Давлат ёки тармок кундалик ахборот нашрлари янги материаллар хисобига кулланмалар тугрисидаги ахборотни тулдириши мумкин. “Совет библиографиясининг библиографияси” йилномасида ижтимоий- сиёсий ва иктисодий библиографияларнинг руйхатларигина эмас, шу билан бирга хар йилги ривожланишининг обзорлари хам бор.

Ижтимоий фанлар юзасидан библиографик кулланмаларнинг курсаткичлари асосан тармок курсаткичларидир. Шу турдаги тематик

курсаткичлар кам. Буларда акс эттирилган материал биргаликда библиографик кулланмаларнинг фаол харакатидаги тизимидир.

Иккинчи даражали курсаткичларда ижтимоий - сиёсий ва иктисодий тематикадаги ватан библиографик кулланмаларигина эмас, шу билан бирга шундай чет эл библиографик кулланмалари хам акс эттирилади. Улар купинча алохида - алохида библиографияланади, чунки бундай тематикадаги чет эл кулланмалари энг катта ахборот марказлари ва кутубхоналар томонидангина комплектланиб, истеъмолчиларнинг анча тор доираларига эга. Бундай курсаткичлар, одатда, айрим нашрларни, китоб ичи ва журнал ичи библиографик материалларини, асосан илмий-ёрдамчи тусдаги материалларни уз ичига олади.

Тавсия библиографик курсаткичи эса етарли даражада куп адабиётни уз ичига олиб, мутахасислар учун фойдали булиши мумкин булган холларда жалб этилади.

Тарихий тематикадаги курсаткичларда библиографик кулланмалардан ташкари одатда манбашунослик ва историографик обзорларни топиш мумкин, бундай обзорлар адабиётга йуналтиришларга эга булиб, булар библиографик изланиш учун наф келтириши мумкин.

Кулланмаларни классификациялаш, одатда ББК буйича олиб борилади, бу эса айрим тармок курсаткичлари уртасида алока урнатиш имконини беради. У ёки бу кулланма тематикасига якин ва ухшаш масалалар юзасидан иккинчи даражадаги мавжуд курсаткичлар улардаги булимларнинг кириш текстларида ёки сатр остидаги изохларда келтирилади. «Узбекистон тарихи» ва шу каби библиографик курсаткичларда айни шундай килинган эди.

Библиографик кулланмаларга ёзиладиган аннотациялар озми-купми бир хил характерда ишлаб чикилади: кулланманинг хронологик,тил, тематик камрови, структураси ва бошка услубий хусусиятлари тугрисида маълумотлар берилади, купинча киритилган адабиётлар микдори курсатилади.

Кейинги йилларда справка нашрларининг курсаткичлари чикара бошланди, булардан фактографик справкалар бажариш учун фойдаланиш мумкин, лекин бунда бевосита эмас, балки зарур справочникларни олдиндан аниклаш йули билан шундай килиш мумкин. Иккинчи даража библиографияларда ва справочникларнинг курсаткичларида тарихий тематика бир мунча кенг акс эттирилган.

"МДХ тарихи"(Собик СССР тарихи") аннотацияланган курсаткичнинг хозир учунчи нашри чикди. Унда XIX аср бошидан то 1982 йилгача рус тилида эълон килинган мингдан зиёд кулланма берилган. МДХ тилларидаги курсаткичлар рус тилидаги материалларга эга булган холдагина олинган. Курсаткичнинг киришида 150 йилдан купрок вакт ичидаги ватан тарихи библиографияси ривожланиши хакида очерк берилган.

Курсаткичга тарихий библиография жуда кенг танланган: МДХ тарихи айрим даврлар ва мавзулар буйича олинган, тарихий манбалар, справочниклар нашрларининг курсаткичлари, тарихий журналларнинг мазмуни, МДХ тарихи фани тарихига оид, илмий жамиятлар ва мутахассисларнинг фаолияти тугрисида курсаткичлар ва обзорлар, тарихчиларининг шахсий курсаткичлари берилган.

Булимларнинг аннотацияларида ва кириш текстларида мазмун, хисобга олиш даври ва кулланмаларга киритилган бошка параметрлар очилибгина колмай, шу билан бирга бир мунча кенг ёки бир бирига ёки мавзуларга оид бошка мавжуд библиографик материалларга, шу жумладан, катта кутубхоналарнинг фондларида сакланаётган ва эълон килинмаган библиографик кулланмаларга купинча йулланмалар берилади.

Мамлакатимиз айрим жойларининг тарихи республикашунослик, регионал ва улкашунослик характеридаги курсаткичларда анча кенг ёритилган Бунга Шелихова Н.М., Ровнер О.С.нинг «Украина тарихига оид рус ва украин библиографиясининг библиографияси /1956- 1965/» /Киев, 1966/ курсаткичини мисол килиб курсатиш мумкин.

"Инкилобгача булган Россия тарихига оид справочниклар" курсаткичи китобхонларнинг гоят кенг доиралари учун мулжалланган, хозиргача икки марта чикарилди. Унинг вазифаси справка нашрларни тематик жихатидан хам, типологик жихатидан хам танлашнинг гоят кенг диопазонини белгилаб беради. Унда энциклопедиялар ва лугатлар /Биографик, лингвистик ва х.к./, вокеаларнинг хроникалари ва йул курсаткичлари /шахарлар, жанговор шухрат жойлари, музейлар,архивлар ва шу кабилар/ адрес календарлари, ахоли пунктлари, фабрикалар, заводларнинг руйхатлари ва бошка соф справка нашрларидан ташкари хилма-хил статистик нашрлар, шунингдек, баъзи монографиялар, тарихий манбалар нашрлари ва иловаларда ёки текстнинг узида справка маълумотларини уз ичига оладиган бошка справка характерида булмаган нашрлар киритилган. Справочниклар тематика жихатидан социал-сиёсий, иктисодий тарихни, фан тарихини, маданият, маориф, армия ва флот тарихини, Россиядаги айрим губерналар ва маъмурий районларнинг тарихини акс эттиради. Курсаткичда "калитлар" кенг тизимининг булиши унинг справка манбаи сифатидаги ахамиятини оширади, буларда курсаткичга нисбатан эхтимол тутилган талабларнинг турли жихатлари кузда тутилган.

"Этнография" деб аталган библиографик кулланмалар курсаткичига 1851-1969 йилларда рус тилида эълон килинган МДХ халклари этнографиясига оид материаллар киритилган.

Чет мамлакатлар тарихи бир канча курсаткичларда акс эттирилган. Б.Л.Канделнинг "Чет мамлакатлар тарихи" деб аталган курсаткичида 1857 йилдан то 1965 йилгача булган давр ичида рус тилида эълон килинган библиографик кулланмалар /1200 дан ортик ном/ берилган. Г.П.Поченко билан И.И.Фролованинг шу номдаги курсаткичида Европа мамлакатлари /Собик СССР дан ташкари/, Америка ва Океания, Австралия мамлакатларининг тарихига оид, МДХ кутубхоналари фондларида мавжуд чет эл курсаткичлари ва обзорлари тугрисида маълумотлар /1400 номдан

зиёд/ акс эттирилган. Унда тил камрови Европа тиллари билан чекланган. Тарихчиларнинг шахсий курсаткичлари кушилмаган.

“Чет мамлакатлар тарихига оид чет эл справочниклари” курсаткичи хам шундай регионал ва тил камровига эга. ФБОН - ИНИОН тайёрлаган бир канча курсаткичлар ва обзорларда хам чет эл мамлакатшунослик справочниклари ва библиографик кулланмалари хисобга олинган.

“Иккинчи жахон уруши йилларида Европа мамлакатларида каршилик курсатиш антифашист харакати” курсаткичи библиографик кулланмалар тематик курсаткичининг намунаси булиб хизмат килиши мумкин. Унда 1945-1975 йилларда чикарилган Европа тилларидаги МДХ ва чет эл библиографик кулланмалари /450 номдан ортик/ни куриш мумкин. Айрим мамлакатларда каршилик курсатиш харакатининг авж олиши мавзуининг турли жихатлари ва муаммолари акс эттирилган. Хужжатларнинг айрим турлари : каршилик курсатишга оид адабиёт , мемуарлар, бадиий адабиёт курсаткичлари берилган. Иловада мустакил библиографик кулланмалар чикариш хронологиясининг жадвали берилган. Бу жадвал мавзу буйича библиография тарихини кузатиш имконини беради.

Иккинчи даража иктисодий библиография сиёсий иктисод ва иктисодий тафаккур тарихи, МДХ иктисодиёти ва чет эл иктисодий библиографиясига оид курсаткичларда берилган.

Бу курсаткичларнинг биринчисида Россияда иктисодий библиографиянинг ривожланиши бошлашидан /1812 йил/ то 1972 йилгача булган даврдаги материал берилган. Унда сиёсий иктисод ва иктисодий тафаккур тарихига оид , шу жумладан, иктисодчи олимлар тугрисидаги кулланмаларгина эмас, шу билан бирга шу тематикадаги библиографик кулланмаларни уз ичига олган бир мунча умумий тусдаги курсаткичлар: умумиктисодий библиография кенг акс эттирилган.

“МДХ иктисодиети” иккинчи нашрининг курсаткичлари 1917-1977 йилларда нашр этилган кулланмаларни уз ичига олган, яъни мамлакатимизнинг халк хужалиги хакидагина эмас, шу билан бирга унинг

тарихи тугрисидаги маълумотларга эга. Бу кулланмалар тематика жихатидан хилма-хил: МДХ ва инкилобгача булган иктисодий тарих, айрим регионал ва халк хужалиги тармокларининг иктисодиёти, махсус иктисодий фанлар ва хужалик юритиш амалиёти: режалаштириш, молия, статистика ва шу каби бошка масалалар ёритилган.

"Экономикага оид библиографик кулланмалар" курсаткичида Европа Америка ва Океониядаги капиталистик мамлакатларнинг Москва кутубхоналарида мавжуд, шунингдек, библиографик йул билан аникланган ва уларнинг фондларида булмаган Европа тилларидаги нашрлар / системалаштирилган ва аннотациялар ёзилган 700 дан купрок ном / хисобга олинади.

Тарих сингари регионал иктисодиёт хам библиографик кулланманинг республикашунослик ва улкашунослик курсаткичларида акс эттирилади. Масалан, Кирсанованинг «Сибир ва Узок Шарк халк хужалиги библиографиясининг ахволи ва унинг проблематикаси /1917- 1968 /» йиллардаги библиографиянинг обзорлари " /Новосибирск ,1969 - 143 б./ шунингдек, унинг «Сибир ва Узок Шарк халк хужалиги библиографиясининг синхронистик жадваллари /1921-1970/» (Новосибирск, 1971.- 144 б.) шундай курсаткич жумласидандир.

Фалсафага оид библиографик кулланмалар хозирча йук,лекин уни Россия Миллий кутубхонаси ва ИНИОН тайёрламокда.

Хукукий фанларга оид 1831-1970 йиллар ичидаги ватан библиографик кулланмалари "Юридик адабиёт" курсаткичида тупланган. Унда асосан рус тилдидаги нашрлар хисобга олинган. МДХ халклари бошка тилларидаги кулланмалар уларда рус адабиёти хам жойлаштирилган такдирдагина жалб килинган.Давлат хужжатларининг курсаткичлари, шу жумладан, улар нашрларининг курсаткичлари ва назарияга, тарихга, хукукнинг айрим сохаларига оид хукукий адабиёт библиографияси хам киритилган. Давлат ва хукук тугрисидаги материаллар хаммадан куп берилган, лекин инкилобгача

Россиядаги давлат ва хукук хакидаги, халкаро хукук муаммоларига оид/" Халкаро хукук ва уруш" ва бошк./ кулланмалар хам киритилган.

«Халк маорифи. Педагогика фанлари» курсаткичида хам факат ватан библиографик кулланмалари акс эттирилган. Унда материални танлаш принципи хам юкоридагидай: XIX аср урталаридан то 1978 йилгача алохида рус тилида эълон килинган китоб, китоб ичи ва журнал ичи, макола ичи библиографик материаллар /1015 ном/ берилган. Курсаткичнинг тематик чегаралари - умумий педагогика, халк маорифининг тарихи ва ташкил этилиши, шунингдек, педагогока фанларининг айрим сохалари ва муаммолари хамда халк маорифининг хамма боскичларида /мактабгача тарбиядан тортиб то олий таълимгача / унинг муамммоларидир. Билимнинг бир-бирига якин ва ухшаш сохаларидан болалар психологияси ва педагогик психология хамда мактаб гигиенасига оид кулланмалар жалб килинган. Аннотацияларда библиографик кулланмаларнинг тузилиши очиб берилган, хисобга олинган адабиёт турлари, тил ва хронологик доиралари, хажм, структура ёрдамчи аппарат тилга олинган.

Библиографик кулланмалар курсаткичларининг тармок библиографик тизимлари реал холатдан мукаррар оркада келаётганини хисобга олиб, илмий тармок ва махсус кутубхона- библиографик журналлар сахифаларида мунтазам равишда босилаётган обзор материалларига эътиборни каратиш зарур. Бундай обзорларда библиографик кулланмалар купгина айрим библиографик марказлар ва шу кабилар чикарган тармок, мавзу буйича янги шундай кулланмалар тахлил килинади. Бундай кулланмалар купинча юбилей саналарига багишлаб босмадан чикарилади. Ёки уларда муайян давр мобайнида тармок библиографиясининг ривожланиши тахлил килинган булади.

Мутахассисларни библиографик таъминлаш тизимида купинча энг мухим ижтимоий- сиёсий муаммоларга багишланган, эълон килинган библиографик кулланмаларда хали акс эттирилмаган, эълон килинмаган библиографик ишлар хам катта рол уйнайди. Мамлакат кутубхоналарида,

ахборот марказларида сакланаётган ва эълон килинмаган библиографик ишларнинг йигма курсаткичи буларни билиб олишда ёрдам беради. 1960 - 1973 йиллар мобайнида бизни кизиктирувчи тематикадаги библиографик кулланмалар "ижтимоий фанлар, бадиий адабиёт,санъат", МДХ кутубхоналари тузган библиографик руйхатлар ва картотекаларнинг йигма курсаткичи " Россия Миллий кутубхонаси нашрида акс эттирилган. ИНИОН махсус тармок курсаткичи "МДХ кутубхоналари ва ахборот марказларида эълон килинмаган библиографик ишлар руйхати" ни 1974 йилдан буён чикариб турибди.

Иккинчи даражали библиография тизимидаги ва справка нашрларининг курсаткичларидаги суратларни босма каталоглар, баъзан йигма каталоглар, шунингдек, айрим кутубхоналар ва ахборот марказлари нашрларининг каталоглари тулдириши мумкин. Масалан, тарихга оид чет эл справочникларининг курсаткичида Осиё ва Африка тугрисида булмаган материал ФБАН ва ГПБ фондлари асосида тайёрланган. "Осиё ва Африка мамлакатларига оид справка адабиёти" йигма каталогида берилган.

ШАМСИЕВА Н.А.

Кафедра катта укитувчиси

# УЗБЕК КИТОБИ ТАРИХИ.

(Китобшунослик ва китоб тарихи фанидан)

## Р Е Ж А :

1. Китоб хакида тушунча.
2. Кулёзма даври.
3. Босма китоб даври.

## А Д А Б И Ё Т Л А Р :

1. Бобохонов А. Узбек матбааси тарихидан.- Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.- 124 б.

2. Ахунжанов Э.А. Книга и книжное дело в Узбекистане: Обзор и указ. источников и мет. по кн. дело в Узбекистане. (1875-1977).-Т : Узбекистан, 1974.-67 с.

3. Ахунжанов Э.А "Писмо и книга": Из истории письменности и рукописной книги в Ср.Азии.- Т.:Узбекистан, 1989.

4. Драчук В. Ёзувчилар утмиш сирлари шохиди.- Т.: Узбекистон, 1980.-266 б.

Инсоният акл- заковатидан камол топиб, унинг кунига яраб, доимо хизматида булиб келаётган ажойиб нарсалар орасида китобдан азизи ва мутабари булмаса керак. Илк кулдорчилик жамиятидаёк бунёдга келиб, неча асрлардан буён элга маърифат, нур-зиё таркатиб келаётган китобнинг инсон учун кадр-киймати, шубхасиз каттадир. Китоб илмга ташна булган хар бир кимсанинг энг яхши дусти, хамрохи, кумакдоши, етакчиси булиб келган. Йулда хам, уйда хам, ётарда хам, турарда хам хамма вакт китобга ишимиз тушиб туради. Китобга иззат - хурмат билан караш кадрдон элимизнинг кадим - кадим замонлардан давом этиб келаётган бебахо ва муътабар одатларидан бири. Бу одатлар маърифатпарварлар, шоир - ёзувчилар, муаллиф, намоёндалар томонидан янада илдиз отиб, томир ёйиб, чукур сингиб боради. Илк аким китобнинг кишилик жамиятининг равнаки учун катта ахамиятга эга эканлигини тугри англаб улуглади, эъзозлади. Китоб одамлар орасида уларнинг уз рафикаларидек, умр йулдошларидек, махбубаларидек бекиёс кадр касб этади. Урта Осиёнинг энг йирик олимларидан бири Абу Райхон Беруний айтган эдики, хабар турларидан бири, балки мухимроги китобат. ёзувдир. Агар ёзув булмаганда, кадимий вокеалар хакида маълумотларга эришиб булмас эди.

Буюк ниймо А.Навоий учун китоб энг яхши дуст ва севгилиси булган. У айтган эди: бировдан карзга китоб сураган одамни окиллардан деб хисоблама. Китоб кишининг энг яхши дусти ва севгилисидир. А.Навоий учун энг яхши асар, бинобарин китоб “хаёт чашмаси” , А.Навоий “оламда китобдан муътабар нарса йук” деган эди.

Китоб хакида, унинг хаёт жараёнидаги мохияти ва урни борасида улуг зотлар томонидан айтилган, эл орасида огиздан - огизга кучиб юрган маколнома, хикматли сузларни жуда купини келтириш мумкин.

Бирок бу кадр - кимматга, шу мавкега ва эъзозга эришгунга кадар китоб мураккаб ва машакатли йулни босиб утди. Турли китобларнинг такдири

турлича булади. Хукумрон синф, дин манфатларига монанд ва макбул китоблар бойлар, муллалар, хокимлар томонидан кукларга кутарилди, уйларнинг туридан хам жой олди, куплаб ва нодир-ноёб нусхаларда энг машхур ва катта кутубхоналарда авайлаб саклаб келинди. Ва аксинча, кашшоклик ва нодонликка карши бош кутарган китоблар хамиша тахкирланиб, муаллифлари таъкиб ва тазйикка учради. Энг муътабар, халкпарвар, тинчликпарвар китобларни гулханларда ёкдилар. Бутун Урта Осиё китоб тарихи - бу икки бир-бирига карама-карши зид мафкуралар, ёруглик ва зулмат, шафкат ва шафкатсизликка, жабр ва зулум, очарчилик ва фаровонлик курашидир.

Замонлар утиши, ижтимоий тузумлар урни алмашиши билан китоб ва китобнинг кишилик жамиятида тутган мавкеи, урни, мохияти, вазифаси хам узгариб боради.

Урта Осиё, шу жумладан, Узбекистон халкларининг жуда кухна ва нихоятда бой китоб маданияти уз тараккиёти давомида бир неча даврларни босиб утган. Уларни шартли равишда учта - ибтидоий урта аср, инкилобдан олдинги ва собик совет даврига булиш мумкин. Ибтидоий урта аср даври гарчан хронологик жихатидан жуда катта ва уни хам, уз навбатида, бир неча боскич, хатто даврларга булиш уринли булса-да, лекин китоб ва китобчилик сохасидаги узгариш, силжишлар кулами, тараккиёт боскичларининг узаро бир-бирига бевосита богликлиги, узвийлиги, китоб ва китобот мавкеи, роли, вазифалари жихатидан олинганда яхлит бир давр хисобланиши мумкин. Бу даврда китоб ва китобот ишлари секин - аста, узил - кесил шаклланиб, уша замонлар талаб ва эхтиёжи даражасига кутарилган.

Китобнинг бирдан-бири, ягона, лекин жуда мураккаб, машаккатли шакли - кул ёзма китобларнинг барча имкониятларидан беками - куст фойдаланиб булинган, равнак камолат чуккисига аллакачон чикиб олинган ва айрим китобот усталари киритаётган у ёки бу янгиликлар, узгартиришларни инобатга олишга, бу жабхада туб узгаришлар, силжишларга урин колмаган эди. Кулда ёзилаётган, янги - янги

таркатилаётган нусхалар ва китоблар факат бир ховуч бойлар, амалдорлар, узига тук бадавлат хукумрон синф вакиллари, дин пешволаригагина хизмат килар эди. Оддий халк оммасига мулжалланган китоблар бармок билан санарли даражада оз эди. Ана шу ахвол Урта Осиё Россияга кушиб олингунга кадар ва ундан кейин хам бир неча вактгача узгаришсиз давом этди. Лекин инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири китоб босиш услуби кириб келиши ва тараккий этиши билан узбек китоб ва китобот ида бирталай узгаришлар руй берди. Купчиликка мулжалланган кул ёзма, мих ва тош босма китоблар чика бошлади.

XI - XII асрларда яратилган китоблар орасида XI аср тилчи олими Махмуд Кошгарий ва XII аср олими Мухаммад Замахшарийларнинг лугатларини алохида курсатиб утиш керак.

Чунки араб тили асосий адабий тил булиб, фан, адабиётда хам катта роль уйнар эди. Шу давр турк тили ва турк ёзма адабиёти вужудга келади. Бундай ахволда фан, маданият арбоби учун иккала тилни билиш нихоятда зарур булган.

VIII асрда пайдо булган суфизм XI - XII асрда Урта Осиёга хам кириб келади.

Суфизм ислом динига мослашиб, унинг асосий окимига айланади ва феодаллар манфаатини химоя кила бошлайди. Ана шу зарарли оким таъсирида "нариги дунё" лаззатлари хакидаги афсонавий асарлар пайдо булади. Шу окимнинг энг ашаддий вакилларидан бири Ахмад Яссавий "Хикмат" китобини ёзади.

Урта Осиё XII асрнинг 20 йилларида мугиллар томонидан босиб олинади, илмий ва адабий кучлар эзилган вактида китоб яратиш ва китоб таркатиш ишлари давом этади. Аммо адабий хаёт бир аср баравари тухтаб колади. Шу вактларда Урта Осиёда таркалаётган китоблар асосан эски китоблардан нусха кучириш ва мугиллар орасида кулдан - кулга утиб юрган китоблардан иборат эди.

Факат Темурийлар хукумронлиги вактида Урта Осиёда адаий фаолият бирмунча жонлана бошлади ( ривожланади). Хусусан Темурнинг угли Шохрух ва Шохрух угли Улугбек даврида адабий фаолиятда, китобчилик ишларида катта узгаришлар булади. Бу даврга келиб Хайдар Хоразмий, Дурбек, Аттоий, Саккокий ва Лутфий сингари йирик адабиётчиларни асарлари пайдо булади. Улар суфизмистик кайфиятларга берилган асарларга карама-карши инсоннинг хаёти хакида соф мухаббат ва садокат, ботирлик хакида ажоиб китоблар ёзадилар.

Адабий хаёт буюк олим ва мутаффакир, ажоиб давлат арбоби, узбек адабий тилининг асосчиси, истедодли таржимон А. Навоий даврида айникса Хиротда адабий хаёт гуллаб яшнайди.

Навоий узининг ажоиб асарлари билан бутун дунё адабиётини бойитиб, элга шухрати учмас дур асарларини ёзиб колдирган, бадиий кулёзма санъатини янада ривожлантиришга янада катта хисса кушган. Навоий даврида бутун оламга машхур булган Бехзод сингари зур каллиграфия (китоб соз) усталари етишиб чикди. Шахрухнинг угли Бойсункаронинг таклифи ва талаби билан Хиротда катта бир китобхона ташкил килинади. Унда жахонда барча яхши асарлардан наъмуналар тупланади. Китобхонада уз даврининг машхур тилчилари, котиблари, муковасизлари, рассомлари, когозчилари ва бошка китобсоз мутахассислар тупланадилар ва уларга зарур китобларни кучириб ёзиш ва купайтириш вазифаси берилади. Бу астахонадан чиккан ажоиб асарлардан бири Фирдавсийнинг "Шохнома" асари , бу асар узининг мазмуни билангига эмас, балки чиройли ва хар хил безак бежирим, нафис килиб ишлангани билан барчани шу давргача хайрон колдириб келмокда. Шу устахонада чиккан 1430 йилги "Шохнома" нусхаси Техрон музейида сакланмокда. Бу китоб 1931 йил Лондонда ва Эрон санъати буйича утказилган II халкаро конгрес кулёзмасида ва 1935 йил Ленинград конгрессида намоиш килинди.

Навоий даврида эса Хиротда коллиграфия (китоб соз) санъати анча ривожланади. Бу ажоиб санъатнинг шохсултонлари Султон Али Машхадий,

Камолиддин Бехзод, шох Музаффар ва бошка унлаб китобсоз усталари булишган.

Коллиграфия жуда огир, машаккатли мехнат булган, масалан Бухоро хони Абдулазизхон саройидаги уста китобсоз (коллиграф) Хожи Ёдгор, хофиз девонини етти йилда кучириб булган. Китобнинг муковаси картондан ёки чаримдан ясалар, купрок калин картон ишлатилган.

ХУ асрда Урта Осиёнинг бой китоб фонди бир катор асрлар билан тулди. Уларнинг куп кисми тарихий китоблар булган ва улкамизнинг тарихини урганишда катта ёрдам берган.

А.Навоий хаёти ва ижодига багишланган катор ишлар пайдо булган.

ХУ аср охири XVI асрнинг бошларида таркалган китоблар орасида шоирлардан Бобир, Мухаммад Солих, Камолитдин Биносит ва бошкалар Бобирнинг "Бобирномаси" Хоразмлик шоирнинг Мухаммад Солихнинг "Шайбонийномаси" утмиш адабиётимизнинг нодир асарларидан бири.

XVII -XVIII асрларда Бухорода астраханликлар (астрохонийлар) хокимияти тепасига чикади. Бухорони бир юз эллик йил (150) давомида бошкариб келади.

Ислом динини реакцияси анча жуда кучайиб кетади. Ислом дини то XIX асргача

хукумронлик килиб, давлатларнинг Маданий усишига йул куймаган. Бундай шароитларда китобларда мистик гоялари, таргиботлари кенг ёйила боради. Шу вактлардаги ёзувчилар ва шоирлар орасида ислом динини кукларга кутарувчи асарлар яратилади. Албатта шу даврда омманинг ахволи огирлашади, ёмонлашади. Шунинг учун хам адолатсизлик ва шафкатсизлик зулумларига карши бош кутарган ёзувчи ва шоирлар овози тобора кучая боради.

Саидкамол, Самаркандий, Турдий (Фаргоний - Хон хокимиятини танкид килувчи рухонийларни оч кузлиги ва адолатсизлигини кораловчи бир катор китоблар ёзилади.

Босма китоб даврини Урта Осиёга кириб келиши билан Маданият тарихи томонида янги бир давр бошланади. Маълумки, 1867 йилнинг охирига бориб Урта Осиёнинг Россияга кушиб олиниши асосан тугалланади. Улка территориясида

Сирдарё,Самарканд,Фаргона вилоятлари ташкил килинади.

Хилма хил хужалик ташкилотлари, маданий маиший маиший муассасалари ишлай бошлади.

Туркистонда янгича типдаги шахарлар, уй-жойлар, почта,телефон, клуб,театр, фотография ва бошкалар билан полиграфия саноатининг тунгич корхоналари пайдо пайдо булиши гоят катта Маданий вокеалардан бири булади.

Улкада биринчи босмахона 1867 йилнинг 14 июлида Харбий министр буйругига биноан Туркистон харбий округи Штаби хузурида очилади. Бу босмахона Штабнинг эхтиёжларини кондириш учун хизмат килади. Бошка ташкилотларда ва айрим кенгашларда заказлар, мурожатлари олмас эди.

Туркистонда хар хил ташкилотлар ва айрим шахсларнинг хам закотларини бажариб бера оладиган босмахонага зарур булган.

1872 йил 11 октябрида Туркистон генерал Губернаторининг харбий-ахволи бошкармаси хузурида яна бир босмахона очилди. Бу босмахонада рус харф терувчилари билан ( полиграф) биргаликда узбек ишчилари хам ишлашади. 1873 йил бошларига келиб янги босмахонада рус ва араб харфлари, турли босмахона жихозлари керагича жамланиб ишлаш учун зарур имкониятлар яратилди. Аммо бу босмахонага сарфланаётган маблаг яхши фойда бермаётгани сабабли куп утмай у шахсий корхона булиб колади: 1881 йил инж. техн. Базилевскийга ижарага берилади.

1876 йил 20 июль Вир ФЕД. Пастухов босмахонаси очилади. Кейинчалик Пастухов уз корхонасини савдогар Лахтин уйига кучиради ва у билан биргаликда “Лахтин ва Пастухов” фирмасини очади. 1879 йил охирида бу фирма узбек Рахматулла бойнинг ховлисига кучирилади ва 1880 йилдан

бошлаб батамом Семён Лахтин ихтиёрига утади. Лахтин литографияси яъни тош босмаси Урта Осиёда ёлгиз эмас эди.

1874 йил Хива хонлигининг марказида Урта Осиёдаги энг биринчи тошбосма очилган эди. Уни Мухаммад Рахим хонининг узи (Феруз) ташкил килган эди.

Хива иош босмаси (Чаброва) факат хон ва унинг якинлари, амалдорлари эхтиёжлари учун зарур китобларнигина чикарар эди. Республикада полиграфияга булган кизикиш секин аста ортади. Тошкентдагина эмас, шу билан бирга Туркистоннинг бошка йирик марказлари, асосан вилоят шахарларида шахсий тош ва мих босмалари очила бошлайди.

1888 йил Тошкентда Порцевни буг кучи билан ишлайдиган машиналар урнатилган мих - тош босмахонаси ва муковохонаси ишлай бошлайди.

1899 йил Самаркандда Демуровнинг аввало мих босмахонаси, сунгро хромтош босмахонаси очилади. Шу йил Тошкентда Ильин хам мих-тош босмахонаси ташкил килади.

1901 йилга бориб Самаркандда Васильев, Бергер,"Русская окраина "корхоналари иш бошлаб юборишади. 1907 - 1913 йилгача Туркистонда 20 дан ортик катта-кичик том ва мих босмахоналари булган Лекин уларнинг купчилиги уларнинг камчиликлари булганлиги туфайли тез вактда ёпилиб кетган.

1915 йилда Тошкентда 13 та, Самаркандда 8 та босмахоналар булган ва бошка йирик саноат хамда маданият марказларида булган.

Портев билан Ильиннинг (Тошкентда) хамда Демуовнинг (Самаркандда) корхоналари барча полиграф корхоналардан энг йириги ва узига анча бакуват босмахоналардан хисобланар эди. Улар Туркистон полиграфия саноатини ривожлантириш ахолининг китоб ва босма материалларига булган талабини кондириш, китобларнинг бутун улкада кенг

таркатиш ерли миллий кадрлар (мутахассислардан) биринчи полиграфия кадрларини етиштириб чикаришда жуда катта роль уйнадилар.

(Порцевни) босмахонаси уша даврдаги энг мукаммал техникаси билан жихозланган булиб, хар кандай ихтиёжларни бажаришга кодир эди. Босмахонада давстлаб 8 - 10 киши кейинчалик эса 40 га ёкин мутахассислар ишлай бошлади.

Ильин босмахонаси нисбатан кичикрок булиб, илкониятлари инчалик катта эмас эди . Унда хаммаси булиб 28 киши ишлаган. Улар орасида хотин-кизлар хамда болалар хам бор эди

Республикамизнинг энг кекса ва мутабар матбуотчиларидан Юсуф ота Мусахамедов машхур халк шоири Гафур Гулом хам ана шу босмахонада ишлаган.

Шахсий босмахоналар уртасида Гулом Хасан Орифжонларнинг тош босмахонаси ва шу кавоххонаси алохида ахамиятга эгадир. Бу корхона узбек тилида китоб чоп киладиган яккаю- ягона босмахона хисобланар эди.

1914- 1915 йилларда Тошкентда Бешёгоч кисмидаги Чор-Су махалласида Иногомжонов босмахонаси булган. Русча ва узбекча буютмалар бажарилган.

Куконлик Махмудов деган бойнинг босмахонасида 1914 йил " Садои Фаргона" ва "Эхо Ферганы" газетасининг биринчи сони сакланиб колган. Унинг яшил кукиш шоига жуда чиройли безак босилган. Босмахонада газетадан бошка нарсалар чикарилмаган.

Намангандаги Исхокхон Туранинг "Исхокия" номи билан танилиб келган босмахонаси бор эди.

Бу одам уз нихоятда билимдон ва маърифатпарвар бир шахс булиб, Туркистонда рус тилининг илк таргиботчиларидан хисобланади.

Босмахонада асосан узининг китоблари чоп килиниб бошкаларни мурожатлари олинмаган. Кабул килинмаган.

Полиграфия корхоналари сони жихатидан куп булмаган факат 3-4 хил босма машиналар бир нечта ишчилар ишлаган. Миллий кишилардан

мутахассис (матбаачи) кадрлар жуда кам эди. Шунга карамасдан, йил сайин кенгайиб равнак топа борди. Айникса китоб босишни йулга куйилиши билан, полиграфия саноати каддини хила ростлаб олиб, китоб махсулотига булган талабини дурустгина кондира бошлади.

XX асрнинг бошларида хилма- хил китобларни нашр килиш анча жонланди. Китоб босиш ишлари йулга куйилган дастлабки йилларда асосан русча китоблар босилди, чоп этилди, Албатта кейинчалик узбек тилида китоб нашр эиш хам секин аста ривожлана бошлади. 1868 –1910 йилгача Туркистонда нашр этилган китобларнинг асосий кисмини русча китоблар ташкил этган булса, кейинги 1912 - 1915 йил аксинча хол руй берди. Чунки шу вактга келиб рус савдогарларининг корхоналари хам куплаб узбекча китоблар чикара бошлади.

Китоб нашрчилиги махаллий , миллий тус олди.

Машхур атокли библиограф Тошкент А.Навоий кутубхонасининг куп йиллар баракали мехнат килиб келган Е.К.Бетгер аниклаганидек биринчи китоб 1868 йил Туркистон харбий округи Штаб босмалар нашр этилган. “ Заметки о горной стране у вершин Чу и Нарына “ - Чу ва Нарина чуккилари этагидаги тогли мамлакат тугрисидаги лавхалар” - машхур рус олими саёхатчиси Северцев 40 та русча нашр килинган.

Узбек тилида чиккан биринчи китоб Шохимардон Иброхимовни 1871 йил“календари”. Календар икки бор чоп килинган. Биринчиси 1871 йили мартида, иккинчиси 1871 йил А.Навоий кутубхонасида бор.

1972 йилги “Календари” унчалик катта булмай, муковаси русча - узбекча булган.(ёзилган).

Мухаммад Рахимхон II тош босмасида 1910 йилгача китоб босилиб келган.

Хива тош босмахонасида нашр этилган китоблар орасида 1880 йилларда чикарилган китоблар асосий уринни эгаллайди.

А.Навоий - “Хамса” си, Мунис- “Девон”и ва бошкалар тош босмахонасида чоп этилган китоб Тошкентда 1883 йилда чикди.

Р.Лахтин босмахонасида - кейинги йилларда Навоийнинг “Девони” босилиб чикди.

Китобда буюк ёзувчиларнинг барча йирик асарлари берилган. Бу ажоиб мутаффакирнинг тош босмахонасида нашр этилган биринчи асари эди.

“Гулония” номи билан машхур булган босмахона - Гулом Хасан Орифжоновнинг роли нихоятда катта булган.

Узбек тош босмаси китобларнинг бутун тарихи ана шу босмахона фаолияти билан бевосита ва чамбарчас богликдир.

Биринчи босилиб чиккан китоблардан бири X аср буюк шоири Абулкосим Фирдавсий “Шохномаси”дир. -

Орифжонов уз фаолиятини дастлабки йилларида Урта Осиё халкларининг утмишидаги буюк ёзувчилари ва шоирларининг машхур асарларининг нашр этишга жиддий эътибор берган.

Мукимий, Фузулий, Навоий асарлари бу босмахонада купгина диний маз мундаги китоблар хам босилган. “Куръон”, “Чор китоби” ва бошкалар шулар жумласидандир.

МАТМУРОДОВА М.И.

библиография кафедраси укитувчиси

# КИТОБ САВДОСИ АХБОРОТЛАР ТИЗИМИ.

(Китоб савдоси библиографияси фанидан)

**Р Е Ж А :**

а). Перспектив библиографик ахборот.

б). Ассортиментли библиографик ахборот.

в). Нашриётчилик хисоб библиографик ахборот

г). Халкаро китоб библиографик ахборот.

**А Д А Б И Ё Т Л А Р :**

1. Осипов В.О. Книготорговая библиография.- 2- е изд., пер и доп. М., Книга, 1984.- С. 99-110.
2. Величанская М.В. Состояние и пути развития ассортиментно-библиографической информация в оптовом звене.- Кн. торговля.: Исслед. и материалы, 1980. Сб.7. С. 117-137.

# ПЕРСПЕКТИВ - БИБЛИОГРАФИК АХБОРОТ

Замонавий перспектив - библиографик ахборот собик совет китоб савдоси ва библографияси назарияси ва амалиётининг улкан ютуклари булиб, 50 - йилларнинг иккинчи ярмида ахамиятга молик даражада шаклланди. Унинг сунги вакт мобайнида ривожланиш жараёни давом этди. Нашриётларда адабиётлар чикаришининг аннотациялаштирилган режалари перспектив библиографик ахборотнинг асоси булиб колди. 60 - йилларнинг бошидаёк уларнинг библографик расм ийлаштиришга оид катор муаммолар уз ечимини кутиб турган булишига карамай улар узларининг олдинги режалардан самарадорлиги билан ажралиб туради. “Китоб савдоси бюллетени”да 1981 йилда кайта ташкил килинган “буюртма учун бланк”лар бюллетенини ишлаб чикариш режаларини янада тулатди.

Гуёки перспектив библиографик ахборот тизими тузилиб булган ва уларга негизий узгартиришлар киритиш муаммоларига куп вактларгача хожат колмагандек туюларди. Бирмунча вакт утгандан кейин ишлаб чикариш режалари буйича буюртмалар узлаштирила бошлангандан сунг бюлеттенлар буйича буюртмалар, яъни 40- ва 50 - йилларнинг биринчи ярмидаги амалиётига кайтиш тугрисида таклифлар туша бошлади. Бу таклифлар йиллик режаларнинг аник ахборотларни етарли даражада камраб ололмаслиги буюртма ( ёки буюрилган) адабиётларни салмокли кисми дунё юзини курмаслиги ёки жуда катта кечикишлар билан нашр килиниши, шу туфайли истеъмолчилар талабини урганиш ва китоб буюртмалари билан шугулланувчи купгина китоб дуконларининг фаолияти салмокли даражада кадрсизланиши каби холлардан келиб чиккан эди. Юзага келган холат 30- йиллар урталаридаги ахволни эслатарди, Бунда эса режа- буюртмадан воз кечишга тугри келган эди. Китоб савдоси ходимларининг бир кисми китобларни бюллетенлар буйича бюртма килиш билан боглик булган кийинчиликларни эсдан чикариб улгурган эдилар. Аммо тизимга

кайтилмади. Нашрдан чикарилаётган китоблар микдори анча усган шароитда, бюллетенлар буйича талабларни урганиш ва бюртма бериш билан боглик кийинчиликлар уларнинг ютукларидан бирмунча устунлиги равшан булиб колди. Нашрчиларнинг диккат эътибори ишлаб чикариш режаларининг реаллигига жалб килинган булиб, бу борада улар рад килиб булмайдиган муваффакиятларга эришган эдилар.

Айни бир вактда перспектив- библиографик ахборотларга янгича ёндошиши лозимлиги тугрисида фикрлар билдирилди. «Китоб магазинларини классификациялаш ва тематик жихатдан жойлаштирилган хар бир китобни алохида аннотация килингандан сунг индекс куйиш нахотки мумкин эмас»,- деб ёзган эди «Совет китоби савдоси» журнали,- айтайлик" журнали, - айтайлик" СТ" индекси мазкур китоб нисбатан тор профилда булиб техник китоблар учун махсуслаштирилган магазинлар (ёки булимлар) учун мулжалланганлигини англатади ва хакозо".

Шунингдек, китоблар турлари буйича буюртмалар тизимини дифференциялаш таклиф килинади "Асосий нашрлар (фундаментал адабиётлар) буйича буютмалар йигиш учун мавзувий режаларни уз урнида колдириш мумкин. Аммо сиёсий брошураларга буюртмалар "Буюртма учун бланкалар" буйича бериилиши лозим" Бу таклифнинг асосий магзи бюллетенлар сиёсий брошуралар тугрисидаги маълумотларни тематик режалардагидек бир, бир ярим йил олдин эмас, балки бир неча ой олдин берилишини таъминлашига каратилган эди. Долзарб нашрларни каттарок аникликлар даражасида буюртма килиш имкониятлари тугиларди.

Бу таклифларни амалда, урганиш перспектив -библиографик ахборотларни такомиллашуви ва яхшиланиши имконини беради. Таклифлар авторлари бунда китоб савдосининг бу хилдаги ахборотларга булган талабларни чукур билимдан келиб чиккан эдилар. Аммо бу таклифларни амалга жорий килишнинг иложи йук эди. Китоб магазинларини классификациялаш шарт-шароитлари ишлаб чикилмаган, шунингдек китобларни тилларга булиниши буйича умумкабул килинган типология хали

мавжуд эмас эди. Бу заилдаги тайёргарликларсиз перспектив - библиографик ахборотни нашр турлари ва магазинлар спецификаси (махсуслашуви) билан боглик холда ташкил килишнинг мутлако иложи йук эди.

Перспектив - библиографик ахборотларни "Адабиётлар чикаришнинг кушма (ёки йигма) режалари" ни узлаштириш оркали ривожлантиришга карор килинди.

Кайси нашриётга таллуклилигидан катъий назар билим ёки ишлаб чикаришнинг битта тармоги буйича китоблар жамланган режага эга булиш перспектив- библиографик ахборотни кексин яхшилашнинг ягона йули булиб туюлди. Бу шароитда айрим нашриётларга мансуб унлаган режалар урнини сезиларли даражада кам сонли, катор нашриётларнинг аник тематикалари ёки бошка принцплар асосида чикарилган китобларнинг кушма (ёки йигма) режаси эгаллади. Бу режаларни талабни урганиш, буюртмаларни ташкил килиш ва справка - библиографик хизмати курсатишга жорий килиш нисбатан кулайрок эди. Мос китобларнинг 1942 йилдан 1982 йилгача рахбари С.Е.Поливановский кушма режаларни икки турда: алохида булимлар буйича ва ассортимент минимуми буйича тузишни таклиф килади. Демак, йирик китоб савдо ташкилотлари китоб савдо безаклари, кутубхона коллекторлари йирик ва махсуслаштирилган дуконлар адабиётларнинг сиёсий, кишлок -хужалик адабий ва хакозо булимлари буйича кушма режалар олишлари шарт. Амалда йилига 2-3 мингдан ортик китоб олмайдиган кичик айланмали магазинлар 5-6 минг ассортимент минимумдан иборат кушма режалар буйича ишлаш лозим.

Бу гоя гоятда узига жалб килувчи булиб чикди, аммо уни амалга ошириш йулида ассортимент минимуми ишлаб чикарилмагани, китоб дуконларини йирик ва майда дуконларга булиш учун чегара критерийлари аникланмаган, кичик китоб дуконларини ахборот билан таъминлашни йулга куйилмаганлиги каби тусиклар пайдо булди. Мамлакатда нашр килинаётган, 5-6 мин атамали бир неча ун минг сонли китобларни кайси курсатма асосида саралаш мумкин? Кискартирилган кушимча режа олган китоб магазини уз

харидорларига бу режага кирмаган китоблар тугрисида кандай маълумот бера олади? Бир хил китоб савдо айланмасига эга булган иккита магазиндан бири шахар худудида кичик, иккинчисини туман марказида йирик деб белгиланишини кандай хисобга олиш мумкин? Бу саволларга жавоб бериши лозим булган назария эса амалиёт талабларидан анча оркада колиб кетган эди.

Нихоят, тармок кушма режалар тузиш билан чекланишга карор килинди. “Кишлок хужалик адабиётлари чикаришнинг 1963 йилга белгиланган кушма режа” улар ичида биринчилардан булди. Бу режа буйича хамма китоб магазинлари кишлок хужалик адабиётлари чоп килинадиган барча марказий нашриётларга уз буютмаларини топширдилар. Бу борадаги барча еамчиликлар матбуотда кайд килиниб борилди ва айнан шу режаларда перспектив - библиографик ахборот ишларини кескин ривожлантириш йули куриниб турарди.

“Биринчидан,- деб ёзади” Совет китоб савдоси”, - улар бирон бир мавзудаги китобларни бир- бирини такрорлаши холларини олдини олишга ёрдам беради. Иккинчидан кушма планларда чоп этилаётган адабиётлдар хажмига мос келувчи китобхонлар гурухини таккослаб булмайдиган даражада яхширок аниклайди. Учунчидан, кушма режа китоб савдоси жамоаси ишини анча енгиллаштириб, уларга манфаатдор китоблар гурухини режалар билан бирмунча самаралирок ва уюшганлирок таништириш , уларни буюртмаларини аниклаш, ахолининг хакикий талабларига мос келувчи буюртмаларни аниклаш имконини беради”.

Собик СССР Вазирлар Кенгаши кошида матбуот кумитасини кушма режаларини тайёрлаш ва чикариш ишини енгиллаштиради.

1965 йилга белгиланган ижтимоий-сиёсий адабиётлар (М.,1964, 581 с. 100000 нусха), бадиий адабиётлар (М.,1964. 352 с. 80.000 нусха), кишлок хужалигига доир адабиётлар (М.,1964. с. 100.000 нусха) кушма режалар, булардан ташкари транспорт ва техниканинг бошка тармокларига оид китоблар чикарилди.

Режа Собик Бутуниттифок Китоб палатаси мутахассислари томонидан, библиографик ёзувлар меъёри катъий сакланган холда, классификациялар буйича тузилди: режалар бир русмли аннотациялар ва ёрдамчи алфавит курсаткичларига эга эди. Библиографик расмийлаштириш даражасига кура улар айрим нашриётлар режаларидан анча устун эди.

Кушма режалар муваффакиятидан кутулган умидлар окланмади. Куп нашриётлар режаларни бир бутун режага ковуштириш тажрибасини йуклиги, бунинг окибатида уларни дуконларга етказиб беришни кечириши, шунингдек бу кушма планларнинг мухим "хужаси" йуклиги аён булади. Аммо асосий, катта купчилик магазинлар шундай хажмли перспектив-библиографик ахборотлар олишдики, бу дуконлар уларни амалда талаб, даражасида куллаш учун укиб- урганиб чикиш

имкониятига хам эга эмас эдилар.

Буюртмалар сифати ёмонлашиб, буюртма айланмаси мураккаблашди. Факатгина бир неча кушма режалари чикарилди, кейинчалик улардан хам бутунлаш воз кечилиб, яна перспектив- библиографик ахборотнинг асаосий звеносига айланган алохида нашриётларнинг темпланига кайтилди. Кейинчалик кушма режалар яна пайдо булди. аммо улар аннотацияга эга булмай, чекланган тиражда 100 нусхадан чикарилиб китоб савдосида эмас, балки нашриётчилик фаолиятида асосан кулланма сифатида фойдаланилади.

Айрим нашриётларда адабиётлар чикариш режаларига кайтиш уларни такомиллаштириш, заруратини келтириб чикаради.

Барча ишлар уч йуналишда олиб борилиши лозимлиги тайинланди.

а).режаларни мундарижага кура такомиллаштириш, яъни кайси китобларни нашр килиш зарурлигини аниклаш, такрорлашни олдини олиш, режалардан , беталаб китобларни, шунингдек замонавий гоявий ишлар, фан ва техника талаблари даражасига жавоб бера олмайдиган адабиётларни чикариб ташлаш.

б). эълон килинган муддатларда чоп этилиши таъминлашга кафолат берувчи реал

режалар яратиш.

в). библиографик безак ва расмийлаштиришни такомиллаштириш.

Нашриётлар, китоб савдочилари, кутубхоначи ва китобхонлар учун дастлабки икки йуналиш айникса мухимдир. Улар бутун китоб ишининг ахволи билан боглик булиб, уларнинг ечимини излаш библиографик чегаралардан узокрокка чикиб боради. Иккала йуналишда хам мукаррар муваффакиятларга эришилган. Бир вактнинг узида режаларни библиографик расмийлаштириш сифатини етарли бахоламаслик холатига сезиларли чек куйилади. 60 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб матбуот асарларини аннотация килиш ва ёзуви мухим яхшиланиб боради, тизимга келтиришдан олдин "Китоб савдо тармогида адабиётлар классификациясининг ягона схемаси" дан фойдаланиш, булар унификациясининг юкори даражаларига эришиш имкониятини яратади, режаларда олдин мавжуд булмаган справочник аппаратлари пайдо булади. Библиографик картотекаларни тузишни енгиллаштириш учун айрим режалар параллел равишда карточка вариантларида чикариш бошланди.

Перспектив- библиографик ахборот билан бойитилган куйидаги бир неча булинмалар киритилиши билан "Буюртма учун бланк" сифатида яхшиланди:

чоп этиш режасидан учирилган китоблар хакида маълумот, режалаштирилган нашрларнинг хажми, нархи, номи билан боглик узгаришлар ва бошкалар.

Бу булинмалар "Китоб савдоси бюллетени"да сакланиб колган.

Нашриётлар томонидан харидорлар учун чикариладиган проспектлари перспектив – библиографик ахборотда хамиша мухим ахамият касб этади, Улар айрим

китобларга булган талабини фаоллаштиришга каратилган.

Перспектив - библиографик ахборотда янги восита - китоб савдочилари томонидан тузилувчи реклама проспекти пайдо булди.

Масалан, Молдавия китоб савдо ташкилоти, куп йиллардан бери республика кишлок хужалик ишлаб чикариш талабларини хисобга олган ва китоблар проспектини чикаради. Кишлок хужалагига оид китоблар чикарувчи нашриётлар режасидан Молдавия шароитида зарур булган китоблар руйхати сараланиб, китоб проспектлари тузилади ва у китоб савдо магазинларига жунатилади.

Нашрдан чикаётган китобларга олдиндан буюртма бериш учун китоб магазинларида тузиладиган буюртмалар картотекаси перспектив библиографик ахборотнинг манбаларидан бири хисобланади.

Шу йусинда замонавий нашриёт китоб савдоси библиографиясида перспек-

тив - библиографик ахбороти катта усишга эга булади.

Режалар библиографик расмийлаштиришни юкори даражада нафакат марказий нашриётларда, балки махаллий нашриётларда хам эришиш лозим. Булардан ташкари перспектив - библиографик ахборотда хар хил русмдаги китоб савдоси ташкилотлари спецификасини, нашрлар турлари хисобини, хар хил категорияларга мансуб китобхонлар талабларини акс эттириш йулларини ишлаб чикиш, перспектив библиографик ахборотни истеъмолчиларга етказиб беришни самарали усулларини излаб топиш лозим. Бир катор тор мутахассисларга мулжалланган нашрлар факат кафолатланган буюртмалар буйича таксимлана бошлангандан сунг, охирги айтиб утилган муаммо гоятда уткир муаммо булиб колди. Адабиётлар чикарилишини ярим йиллик ёки хеч булмаганда чорак йиллик режаларига утиш масалалари мухокама килинар эди. Уларни чикаришнинг аник муддатлари борасидаги саволларга илмий жихатдан асосланган жавоблар хали йук эди. Перспектив - библиографик ахборотда замонавий техникадан фойдаланишга утиш вакти хам етиб келди. Бу нафакат технологик ва ташкилий масалаларни, балки библиографик масалаларни хам ечимини топиш учун зарур эди. Перспектив

аннотацияларни узининг юкори сифати билан хар доим ажралиб тура олмаслигини купинча етарли илмий- услубий ишларнинг мавжуд эмаслиги билан изохлаш мумкин.

**Ассортимент - библиографик ахборот.**

Ассортимент - библиографик ахборотда - китоб савдоси тармокларининг барча булмимларида мавжуд булган нашрлар тугрисидаги маълумотлар - сохасида хам силжишлар руй беради. 50 йилларнинг охири 60 - йилларнинг бошларида китоб дуконлари ва базаларда талабии паст булган нашрлар йигилиб колди. Бу купгина нашрларнинг нархларини пасайтириш ва нозарур китобларни яалпи равишда яроксизлигини расмийлаштиришга олиб келди. Бу холатни юзага келтирилган сабаблардан бири - ассортимент - библиографик ахборотни етарли даражада эмаслиги эди. Натижада ассортимент - библиографик ахборотга кизикиш кучайди.

Узок вакт давом этган танаффусдан сунг кайта берилган берилган буюртмалар устида ишлашни кучайтиришга чакирувчи "Иттифок китоб Марказий улгуржи китоб базаси каталоглари" (МУКБ) чикарила бошланди. Бу каталогни китоб савдоси улгуржи базалари каталоги мазкур базаларга йигилиб колган нашрлар билан таништириши билан янада тулатди. Хар иккала каталог китоб дуконларига таркатилиб, дуконлар уз навбатида китобхонларга улар билан таништирдилар(Маълум булишича бу каталогларга киритилган айрим китоблар

китобхонлар томонидан иштиёк билан харид килинди) олдингидек " буюртма учун бланк"лар МУКБ каталогларига киритилган китоблар хакидаги маълумотларни бериб борар ва бу билан каталоглар ахборотларини тулдириб берарди. Асартимент библиографик ахбороти ва "буюртма учун бланк"лари хажми ошиб борди. 1964 йилда пайдо булган "талаб ва таклиф" бюллетени ассортимент - библиографик ахбороти тизимининг янги мухим звеноси булди. Мазкур бюллененда китоб савдоси ташкилотлари бошка

китоб савдоси ташкилотларига сотиб олиш учун таклиф килинаётган китоблар руйхатини чоп этдилар. Бу мазкур китоб савдоси ташкилоти-да, талаби кам булган адабиётларни буюртмалар айланмасига жалб килиш имконини берди.

Бундан ташкари ярмарка каталоглари куринишидаги ассортимент библиографик ахбороти кулланмалари тузила бошланди. Улар тезлик билан йиллик китоб ярмаркаларининг зарурий элементига айланиб китоб савдоси ташкилотлари вакилларининг бир- бирларига уз ихтиёридаги китобларни сотиш имкониятини берди. Бундай китобларнинг йигилиб колишига хар хил холатлар сабаб булади Ярмарка каталоглари эса айни вактда "талаб ва таклиф" бюллетенларининг жамланмасини узида акс эттира борди.

1975 йилда собик Иттифок китоб каталоглар тузишнинг янги тартибини жорий килди. "Китоб савдоси тармогида мавжуд адабиётлар каталоги" яратилди. У "талаб ва таклиф" бюллетени варакаларида чоп этилиб, унга мамлакатнинг барча улгуржи китоб савдоси ташкилотларида бор булган барча китоблар киритилган эди.

Юкорида курсатилган публикациялардан ташкари МУКБ нинг ассортимент булими томонидан "Марказий улгуржи китоб базаси таклиф этади".номли руйхат чикарилади. Агар мазкур руйхатга киритилган нашрга буюртмалар йигилмаса, бу нашрга алохида варакалар тайёрланади.

Айтиб утилган кулланмалар ассортимент - библиографик ахборотнинг тайёрловчи тизими - улгуржи звенонинг ассортимент библиографик ахбороти сифатида шаклланди, айни пайтда бошка бир ахборот - чакана звенода(китоб дуконларида) ассортимент– библиографик ахборот хам амалда кулланилади.

Биринчи тур ахборотлар китоб махсулотларини китоб савдоси сферасидаги

харакатига таъсир курсатса, иккинчи тур ахборотлари натижаси бу сфера доирасидан ташкарида кузатилади, яъни китоб махсулотлари сотилади.

Улгуржи звенодаги харидини таъминлайди, бунда нашриётларнинг адабиётлар чикариш режалари буйича олдиндан бюртма килинган китоблар

мазкур звенонинг ичидан чикмаган холда харакат килади. Бу ассортимент - библиографик ахбороти тайёрловчи тизимининг асосий вазифаси китоб сотувчилари ишини енгиллаштиришдан иборат. Чакана савдо тармогидаги ассортимент библиографик ахборот кулланмалари (библиографик реклама хизмати) харидорга мурожаат килади: “Мана бу китобга эътибор беринг, у сиз учун фойдали булиши мумкин”. Улгуржи савдодаги ассортимент библиографик ахбороти кулланмалари эса (китоб савдоси библиографик хизмати), китоб савдоси ходимларига марожаат килади: “бизда мана бу китоблар бор. Уларни харидорга тавсия килинг”.

Чакана савдодаги ассоргимент- библиографик ахборот китоб дуконлари реклама- библиографик ишлари, яъни библиографик рекламаси ва библиогра- фияшунослик реклама хизмати натижасидан иборат. Улар дарсликнинг навбатдаги булимларида муфассал куриб чикилади. Шархий тавсифнома сифатида шуларни айтиб утилиши лозимки, китоб дуконларида харидордар учун янги келтирилган китоблар руйхати - “янгиликлар календари”, асортиментни акс эттирувчи библиографик картотекалар, “китоб почта оркали”булими оркали таркатулувчи китоблар руйхати тузилади, библиографик обзорлар утказилади, эълонлар ва обзорлар матбуотда чоп этишга ёки радио оркали эшиттиришга тайёрланади. Булардан ташкари харидорларга китоблар хакидаги маълумотларни етказишни бошка услубларидан хам фойдаланилади. Шахардаги купчилик китоб магазинларида мавжуд ассортиментни акс эттирувчи марказий картотекалар яратилиши туфайли, чакана совдодаги ассортимент библиографик ахборот сифати сезиларли даражада яхшиланади.

Ассортимент- библиографик ахборотида йирик усишлар руй берди, аммо у хали мавжуд замонавий талабларга тула жавоб беришга ожиз. Бир катор ташкилий

ва услубий муаммоларни ечиш зарур эди. Ассортименг - библиографик ахборотларни магазинлар типлари буйича ташкил килиш уларни самарадорлигини оширишни таъминлаш эди. Бу уринда перспектив-

библиографик ахборотда куриб утилган муаммоларга монанд муаммоларни ечиш масаласи уртага чикади. Ассортимент- библиографик ахборотда хам аннотация билан боглик саволлар мухим рол уйнайди. Ассортимент библиографик ахборот кулланмаларида купинча аннотациялар йук булади, берилган такдирда хам улар кириш кисмидаги маълумотлар билан тулдирилиб китоблар аннотацияларига асосланган холда берилади. Аммо бу тарздаги аннотация китобхонлар учун эмас, мутахассислар учун мулжалланган булади. Уз вактида улар узлари олдига куйилган масалани хал кила олмаганлиги, окибатида китобларга буюртмалар бериш сусайиб, китобларни базаларда туриб колиш холлари юз берди. Албатта, аннотацияда китобнинг мазмуни хакида тушунча бериш, асосийси китоб савдоси ходимига укувчи манзилгохини курсатиши лозим. Улгуржи звено ассортимент библиографик ахборотини аннотация килиш услуби хали куп изланишларга мухтож.

Улгуржи ва чакана звенолар асортимент библиографик ахборотнинг узаро таъсир муносабатлари катта кизикиш уйготади. Китоб савдоси ходимлари “китоб савдоси бюллетени”га киритилган кайта буюртмаланган китоблар руйхати улгуржи базалар каталогидан олишади. Харидорлар эса худди шу китоблар хакидаги маълумотларни эълонлар ва реклама-библиографик кулланмалар оркали олишади. Кординация етарли йулга куйилган шароитда китобхонлар китоб хакида маълумот олиб, уни буюртма килиш учун дуконга келган вактда, китоб дукони ходимлари бу буюртмани кабул килишга тайёр буладилар. Натижада дастлаб талабсиз булиб туюлган китобларга асосли кайта берилган буюртмаларни пайдо булиши, Ассортимент -библиографик ахборотни кейинги ривожи унда замонавий хисоблаш техниканинг кулланилиши билан ахборотга нисбатан анча мухимрокдир, чунки бу ерда ахборот хажми сезиларли даражада каттарокдир.

(Китоб савдоси тармоги ассортименти йил давомида чикарилаётган китоблар микдоридан анча ошади) ва унинг манбалари хам куп сонлидир

(пер.биб. ахборот асосан нашриётлар оркали, ассортимент- библиографик ахборот китоб савдоси базалари китоб дуконлари оркали шаклланади). ЭХМ дан шифр индекслар ва шунинингдек китоб тартиб ракамларининг халкаро стандартлари ИСБН оркали фойдаланиш мумкин.

## Нашриётчилик хисоб библиографик ахборот.

Нашриётчилик хисоб библиографик ахбороги ассортимент - библиографик ахбороти ва давлат библиографик ахбороти билан биргаликда ривожланиб келган.

Биринчи каталоглар, Н.В.Здобнов айтиб утганидек, давлат ва нашриётлар библиографик ахборотларининг бирикмаси эди. Улар, шунингдек дуконларидаги китоб захиралари тугрисида хам маълумотлар бериб турардилар. Библиографик ахборотлар турлари дифенциялана борди (булина борди). Аввало давлат библиографик ахборот ажралиб чикди, аммо инкилобдан олдинги шароитда нашриётлар каталоглари уларда чикарилган китобларни санаб утиш билан биргаликда уларни харид килишни хам тавсия киларди. Тугри инкилоб олди йилларидаёк бу каталоглардан фойдаланишдаги нокулайликлар сезилиб турсада,

хаттоки кейинги йилларда ахамият берилмади. Бу уз навбатидаги каталоглари иши самарасини кескин камайиб уларга эътиборсизликни ортишига олиб келди.

Вакти келиб ассортимент - библиографик ахборот ва нашриётчилик хисоббиблиографик ахбороти нашриёт китоб савдоси библиографик ахборотларининг иккита мухим тури булиб, уларга беэътибор бериш мумкин эмаслиги маълум булди. Нашриётлар каталогларидан китоб савдоси ассортиментини ёритилишини талаб килинмай куйилди. Улар маълум бир нашриётнинг чикарадиган китоблари хакида, уларни харид имкониятларидан катъий назар, маълумотлар бериши лозим эди. Бундай маълумотлар нашриётлар тафсифномаси учун фойдали булган холда,

уларнинг ахамиятини кийматидан юкорирок бахолаб бериш максадга мувофик эмас. Натижада, нашриётлар каталоглари сони кискаради. Айрим нашриётлар анъанавий каталоглар урнига уз нашрларининг курсаткич-руйхатларини чикара бошладилар. Натижада каталоглар бепул чикарилган булса, курсаткичлар меъёрий киймат (яъни номинал)

билан чикарилди. Иктисослаштирилган нашриётларнинг бундай курсаткичлари,

нашриёт китоб савдоси библиографиясини эмас балки илмий ёрдамчи библиографик кулланмалари булиб, нафакат китоблар руйхатини, балки нашр ва журналларни давоми булган, жумланмалар (сборниклар) мазмунини хам ёритиб беради. Уларни илмий ва техник кутубхоналар учун фойдали булиб, ихтисослаштирилган дуконларда справка- библиографик хизмати курсатиш мумкин, аммо шуни хам унитмаслик керакки, ихтисослаштирилган нашрларнин китоб лари (Масалан "Машинасозлик","кемасозлик") муносиб мавзуни бир кисми халос, шу туфайли курсаткичларнинг маълумотларини нашриётларининг нисбатан кам кисми кичик тиражларда, асосан хисобот максадларида чикаришади. Агар нашриётларнинг нашриётчилик хисоб библиографик ахбороти мозийсини акс эттирувчи каталоглари оркага сурилиб, улар "Китоб йилномаси", "Китоблар хар йиллиги" каби давлат библиографик органлари томонидан чикарилган булса, демак амалдаги даврда нашриётчилик хисоб библиографик ахбороти сижишга эга буларди.

Нашриётчилик хисоб библиографик ахборотида маълум бир йил давомида марказий нашриётлар томонидан чикарилган китоблар руйхатини курсатувчи " Номма-ном хисобдаги китоблар" ("иттифок китоб" томонидан тайёрланади) ва нашриётлар китоблари руйхати ( алокадор китоб савдоси ташкилотлари томонидан тайёрланди) сезиларли роль уйнай бошлади Бугунги кунда чикарилганига уч йилдан ошиб ханузгача сотилмаган китоблар руйхатини номма-ном аникламаган китоб савдоси ташкилотини - тасаввур этиш кийин.Бу хисоб "Номма-ном хисобдаги китоблар" руйхати асосида олиб борилади. Аммо хар доим хам шунака эмас эди. Урушгача

бундай хисоб юритиларди, урушдан кейин бу хисобга анча йилларгача кайтилмади. 60 йилларни бошида , яъни качонки магазинларда йигилиб колган китоблар хакида аник маълумотлар йуклиги меёридан ортик катта хажмларда китоб захиралари пайдо булиб, окибатда уларнинг яроксизлигини расмийлаштиришнинг оммавий тарзда утказилиши ва нашрлар нархини арзонлаштириш чоралари ута зарур булиб колганда- бу хисобни олиб бориш кайта тикланди. Албатта, 10 томлик “Номма-номли хисобдаги китоблар “ руйхатини тайёрлаш ва чикариш учун катта маблаг сарф булади, аммо бу зарур эди, ва шу вактдан бошлаб китоб савдоси библиографик кулланмаларининг бу тури хисоб нашриётчилик библиографик ахборотида мухим роль эгаллади. Улар мухим ассортимент библиографик ахборотлар тузишда катта ёрдам берилади, “Номма-номли хисобдаги китоблар “ руйхати справка-библиографик хизматини курсатишда хам кулланилади.

Якин мозийга мансуб узига хос библиографик ахборотга букинистларда зарурат катта булади. Уларга утган йиллардаги нашрлар мазмуни батафсил ёритилиб жамланган, хамда янги нархлари курсатиб берилган- букинистик каталоглар мавжуд китоб махсулотлари ва ассортимент библиографик ахборотлар тугрисидаги маълумотларнигина берса, букинист каталог- прейскурантлари утган йилларда чикарилган китоблар руйхатини, уларда дуконда бор ёки йуклигидан катъий назар, уз ичига олади. Букинист каталог- прейскурантлари урушдан олдинги ва сунгра урушдан кейинги дастлабки йилларда пайдо булган эди. Аммо бу тарздаги каталогларни тулик нашрлари 1961 йилда тайёрланди. 1977 йилда биринчи янги икки том чикарилди. Бу йилдан сунг эса букинистик, китобларнинг умум тарихига багишланган каталог - прейскуранти нашр килинди.

Нашриётчилик хисоб библиографик ахборотидаги мухим роль “Иттифок китоб” томонидан тузилган “Китоб савдоси тармокларида яроксизлигини тасдиклаш лозим булган нашрлар руйхати”га таалукли. Бу руйхатларга хар хил сабабларга кура эскирган русумли китоблар (ички ва ташки хаётдаги ходисалар, кайта нашрдан чикарилган янгиланган нашрларни

чикарилганлиги укув режалари ва билим юртлари дастурларидаги узгаришлар) ёки зарур чораларни курилганига карамай китоб дуконларида ва базаларда куп йиллаб туриб колган китоблар киритилади.

Бу маълумотларни берувчи кулланмалар китоб савдоси ташкилотларида хам тузилади. Катор магазинларда сотилган китоблар картотекаси, оммавий нашрлар картотекаси ва хакозо картотекалар хам тузилади. Улар харидорларга хизмат курсатишни яхшилашга ижобий таъсир курсатади. Нашриётчилик хисоб библиографик ахборотнинг кейинги ривожланиши аввало хали амалда булмаган кулланмалар чикариш, уларни узлаштиришда тезкорликка эришиш лозим.

## Халкаро китоб библиографик ахбороти.

1973 йили собик Иттифок Халкаро авторлик комвенциясига кушилди ва мамлакатда авторлик хукуклари буйича собик бутун иттифоки агентлиги тузилди, бу агентлик Собик Иттифокда ва чет эллик авторларнинг уларнинг асарларида Собик Иттифокда ва Иттифок авторлари асарларидан чет элларда фойдаланишганда эга буладиган хукукларни саклашни таъминлаш масалалари билан шугулланади.

1977 йилдан бошлаб бир йилда икки марта утказилиб келган Москва Халкаро китоб кургазма- ярмаркаси (ММКВЯ) иттифок китобларини чет элларда таркатиш, нашриетлар ва китоб савдосида халкаро алокаларни кенгайтиришда мухим ахамиятга эга булиб келган.

“Халкаро китоб” авторлик хукуклари буйича Бутун иттифок агентлиги (ВААП) ММКВЯ нинг фаолиятидаги ютуклар чет эллик истемолчиларга мулжалланган нашриёт китоб савдоси библиографик ахборотига боглик.

Собик “СССР нинг янги китоблари “ бюллетени нашрда булган китоблар хакида чет эл китоб савдоси фирмаларига маълумот берувчи асосий манба булиб келган. У хар хафтада чикарилган ва барча мафаатдор чет эл

фирмалари, нашриётлари ва ташкилотларига бепул жунатилган, “Халкаро китоб” ходимлари уни Собик Иттифок нашриётларидан олинган маълумотлар асосида тузганлар.

Бюллетенда янги кичик хажимли булимларда аллакачон нашрдан чиккан китоблар билан таништирувчи булим хам бор. Бюллетенлар билан биргаликда, алохида нашриётларга багишланган “Совет китоби” каталоглари хам таркатилган. ВААП томонидан беш хил тилда “СССР да китоб ва санъат” шунингдек “Нашриётлар учун маълумот” бюллетенлари чикарилган.

ММКВЯ каталоглари жуда хилма хил: улар жумласига ярмаркага такдим килинган барча китоблар каталоги, айрим нашриётлари китоблари, алохида мавзулардаги китоблар каталоглари киради.

Чет эллик харидорлар учун библиографик ахборотлар тайёрлашдаги асосий кийинчиликлардан бири - чет эл китоб ярмаркаларида кабул килинган библиографик безак ва расмийлаштиришга куйилади - анъанавий талабларни хисобга олишдир. Бу борада нафакат бирор бир мамлакатлар худудида, хаттоки айни бир мамлакат, купинча эса бирор алохида фирма фаолиятида хам мухим туриб колган меъёри йук.

Чет эл харидорларига мулжалланган библиографик ахборотлар сифатида “Халкаро китоб” ва ВААП нинг мунтазам ташвишлантирадиган предметдир:

Бунда тавсия килинаётган китоблар мазмунини ечиши услубияти - аннотациясига айникса ахамият берилади.

**М.М.РАСУЛОВ**
Кутубхонашунослик
кафедраси доценти

# КУТУБХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИКАРИШ - ТЕХНИКА АДАБИЁТЛАРИНИ ТАРГИБ КИЛИШ

**Р Е Ж А :**

**К И Р И Ш :**

- Кутубхоналарда ишлаб чикариш - техника адабиётларининг таргиб этишнинг шакл ва усуллари.

- Ишлаб чикариш - техника адабиётларини оммавий кутубхоналарда таргиб килишнинг хозирги ахволи ва муоммолари.

- Ишлаб- чикариш - техника ходимларини табакаларга ажратиб кутубхона хизматини курсатиш.

- Республика кутубхоналарининг ишлаб чикариш техникага оид китоб фонди уни тулдириш муоммолари.

- Ишлаб чикариш техника адабиётларини таргиб килишда оммавий тадбирларни урни.

ХУЛОСА.

## АДАБИЕТЛАР

1.И.А.Каримов.Узбекистон миллий истиклол, иктисод, сиесат, мафкура Т., "Узбекистон" 1993, 48 бет.

2. И.А.Каримов. Узбекистон- бозор муносабатларига утишнинг узига хос йули. Тошкент, "Узбекистон", 1993. 127 бет.

3. И.А.Каримов. "Узбекистоннинг сиесий - ижтимоий ва иктисодий исткболининг асосий тамойиллари" Т., "Узбекистон" 1995, 9 бет.

4. Э.Юсупов. Истиклол шабадалари. - Тошкент, "Фан" нашриети, 1993, 49 бет.

5. Узбекистон Республикаси: мустакил давлатнинг бунед булиши. Тошкент, "Узбекистон", 1992, 65-66 бетлар.

6. Косимова.О. Есимов.Т. Умумий кутубхонашунослик.- Т., "Укитувчи", 1994-272 бет.

7. Узбекистонда кутубхоначилик иши, Олий ва Урта махсус кутубхоначилик студ. у-н кулланма.- Т., "Укитувчи" 1989. 192 бет.

8. Фрумин.И.М. Кутубхоначилик иши: ташкил этиш ва бошкариш. русча нашр. таж.- Т., "Укитувчи" 1984- 288 бет.

9. Марказлашган кутубхона тизими. Кутубхона ишини ташкил килиш ва уни методикасига оид кулланма. Т., "Укитувчи" 1979, 194 бет.

10. Н.С.Картошев, В.В.Скворцов. Общее библиотековедение. Учебник: В - 2 и.-М., Изд-во Мос. Гос. Университета Культуры. 1996 ц- 1 :- 88 с.

11. Н.С.Картошев, В.В.Скворцов. Общее библиотековедение. Учебник: В - 2 ч. М., Иэд-во Мос. Гос. Университета Культуры. 1996. Ц-2: - 256 с.

Мустакилликка эришганимиздан сунг Республикамизга янги техника ва технологик ускуналар кириб кела бошлади. Бевосита шу техника ишлаб-чикариш дастгохларини хужаликларида жорий этиш, биринчи галда улар хакидаги маълум микдордаги билимларга эга булишни такозо этади.

Шу боис бевосита ишлаб - чикариш техникага оид китобларни китобхонлар орасида таргиб этиш кутубхоналарнинг асосий вазифаларидан бири хисобланади.

Кутубхоналарнинг ишлаб- чикариш техника адабиётларининг таргиб килишдаги ишининг асосий йуналишлари куйидагилардан:

- Бевосита ишлаб- чикаришга ёрдам беришдан:
- Мехнаткашларнинг маълумоти, касби, ишининг характеридан катъий назар уларнинг техник билим доирасини кенгайтиришдан:
- Ёшларни ишчи касбларини урганишга йуллашдан иборат.

Техника адабиёти билан ишлашнинг биринчи йуналиши хозирги замон ишлаб чикаришининг долзарб вазифалари билан кутубхоначиларни мунтазам равишда таништириб бориш зарурлигини уз ичига олади. Шу максадда оммавий кутубхоналар уз регионидаги иктисодий тараккиёти истикболлари ва хозирги ахволини, ишлаб- чикариш эхтиёжларини урганадилар, кутубхона ёрдами зарур булган корхоналарнинг ходимлари билан алока урнатадилар. Уз кутубхоналарига эга булмаган корхоналарда кутубхона шахобчалари ташкил этилади, бундан максад, китобларни хар бир ишловчи ходимга етказишдир. Агар махсус кутубхона шахобчаси ва илмий - техника ахбороти органлари булмаган такдирда, оммавий кутубхоналар ишлаб чикаришга ёрдам бериш сохасидаги ишларнинг асосий кисмини бажаришни уз зиммаларига оладилар.

Техника адабиётини таргиб килишни иккинчи йуналиши: мехнаткашларнинг мустакил равишда политехник илм олишига ёрдам тарикасидаги китобларни таргиб килишдан иборат булиб, у хозирги замон саноат ишлаб чикарилишининг асосларини, техника ва кишлок

хужалигининг илмий табиий асосларини билишни, фан ва техниканинг хозирги вактда ютуклари билан танишишни уз ичига олади.

Мустакил политехник билим олиш муаммонинг иккинчи томони, яьни сиёсий ва иктисодий томони бор. Унинг иктисодий томони хозирги замон ишчисининг саноат ва кишлок хужалик ишлаб чикаришида янада активрок катнашиши максадида фан техника асосларини билишни такозо килади. Бу муаммонинг сиёсий томони шахснинг хар томонлама камолга етишига ёрдам бериши билан богликдир. Кутубхоналарнинг мехнаткашларга мустакил политехник билим олишига ёрдам бериш сохасидаги иши асосан оммабоп техника, кишлок хужалиги ва табиий илмий адабиёт асосида амалга оширилади. Бу иш хозирги замон фан тезника тараккиёти асослари, унинг йуналишлари хакидаги билимларни оммалаштиришдаги аралаш касбларни узлаштиришга ёрдам берадиган билимларни таргиб килишни, техника хаваскорларига ёрдам тарикасидаги адабиётларни таргиб килишни, бундай хаваскорликни рагбатлантиришни, тарихий аспектдаги турли илмий кашфиётларни очиб берадиган адабиётни таргиб килишни уз ичига олади.

Учинчи йуналиш - ёшларни ишчи касбларини урганишга йуллашдан иборат булиб, у икки жихатни: бир томондан, ёшларга жамиятнинг социал иктисодий- тараккиёти, техника тараккиёти конунларини тушунтириб беришни иккинчи томонини хар бир ёш инсон шахсининг йуналишнинг шакиллантиришини уз ичига олади. Бу узок давом этадиган жараён булиб, унинг бориши давомида ёшларни уз - узини англашига, изланишларини осонлаштиришга ёрдам бериши инсоннинг кобилиятлари тула тукист намоён буладиган фаолият доирасини кидириб топишга кумаклашиши зарур.

Кейинги йилларда хозирги замон ишчисининг фаолиятида китоблар ва китоб укишнинг, кутубхоналар ролини урганиш масаласи долзарб масалалардан бири булиб колди.

Бутун хозирги замон ишлаб чикаришнинг юкори даражада ихтисослашганлиги муносабати билан ишчиларга анча конкретлаштирилган материаллар керак булиб колди.

Ишчилар ва мутахассисларнинг китоб укишига ва уларнинг табакаланишага таъсир курсатадиган омиллардан бири китоб укишнинг аник максадга каратилганлигидир. Бу хол касб-корга доир билимларни тулдириб бориш эхтиёжини мехнат фаолиятини узига хос хусусиятини объектив равишда акс эттиради. Бу амалий ходимлар ва тадкикотчи конструктурларнинг китоб укишини солиштирганда яккол намоён булади. Тадкикотчи конструкторлар аралаш касбларга доир ва билимларнинг “Чегара” тармокларига доир адабиётга купрок кизикадилар. Чунки янги - янги илмий муаммолар купинча фанларнинг туташ жойларида вужудга келади. Амалий ходимларга эса бу хусусият унчалик хос эмас, улар одатда адабиётдан олинган янгиликларни жорий этишга интиладилар, яъни нашрларни танлашга анча амалийрок ёндошадилар.

Махсус адабиётни укишга ишлаб -чикариш техника таълими ва инженерлар малакасини ошириш хам катта таъсир курсатади. Бу фикрдан келиб чикадиган хулоса китубхоналар учун жуда мухимдир. Кутубхоначи ишлаб чикариш техника таълими булимлари билан алокада булмасдан, ишчиларни тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш дастурларини билмасдан туриб ишлай олмайди.

Ишчиларнинг ижодий мехнати уларнинг рационализаторлик ва ихтирочилик фаолияти ишлаб - чикариш техника адабиётини укишга табиий равишда ундайди.

Шундай килиб, махсус техника адабиёти укишга ундовчи энг мухим омил мехнатнинг характери ва мазмуни хисобланади. Бундан асосий максад билиб олинган маълумотларни ишлаб -чикаришга жорий килишдир.

Техника адабиётидан фойдаланадиган китобхонларга хизмат курсатишни ихчамлаштиришни мухим шарти дифференциал холда ёндошишдир. Ишчилар ва инженер - техник ходимларга дифференциал холда хизмат курсатишни ташкил этиш учун китобхонларни техника адабиётига кизикишлари ва китоб укиш максадларига караб гурухга ажратилади. Мазкур гурухларни умумий ва махсус эхтиёжларини кондиришда эса

дифференциал холда хизмат курсатишнинг асосий натижаси булиб хисобланади.

Китобхонларнинг дифференциаллаштиришнинг асосий белгиси уларнинг ишлаб чикаришда эгаллаб турган вазифасига караб булиб чикишдир (масалан, корхоналарнинг рахбар ходимлари, бош технологлар, цех бошликлари, булинмаларнинг бошликлари ва корхонанинг бошка рахбарлари).

Ишлаб чикарувчиларнинг бошка гурухларидан фаркли уларок, рахбарлар дифференциал хизматдан албатта фойдаланишлари керак, чунки улар жуда кенг доирадаги масалалар билан шугулланадилар. Булар корхоналар олдида турган ишлаб- чикариш истикболларини белгилаш, техникавий ва техникавий иктисодий муаммолар комплесидир. Кутубхонага келтирилган барча адабиётдан бу масалаларни хал килишда ёрдам берадиган энг долзарб китобларни танлаб олиш керак. Бу вазифа эса "Айланма почта" усули билан анча яхши хал этилади. Бу усулнинг мохияти шундан иборатки, китобхонларга танишиб чикиш учун мунтазам равишда китоблар ва библиографик материаллар солинган папка юбориб турилади. Йилнинг бошида рахбар ходимларни кутубхона олиб турадиган журналлар ва материаллар руйхати билан таништириб, уларни нималар мунтазам кизиктиришини билиб олади. Папкада материалларни мунтазам равишда куриб борадиган шахсларнинг руйхати ва " Айланма почта"ни бир кишидан бошкасига узатиш графиги хам булади.

Кейинги вактда услубий марказлар МКТ (марказлашган кутубхона тизими) даги китобхонларни ахборот билан хизмат курсатишнинг янги формасини рахбарларга дифференциал холда хизмат курсатиш тизимини тавсия этмокдалар. Бундай иш формаси китобхонга мавзу буйича материални урганиб чикишга кетадиган вактини анча кискартириш, факат жуда зарур булган такдирдагина манбага мурожат килиш имконини беради.

Китобхонларнинг иккинчи катта гурухи халк хужалигида ишлаётган мутахассислардир. Республикамиз машиналар, станокларга ортиб бораётган

эхтиёжини кондириш ва ишлаб чикаришни комплекс автоматлаштиришни амалга ошириш учун инженер техник ходимларни катта армияси керак булади. Ана шу китобхонларга биринчи навбатда ихтисоси буйича адабиётлар талаб килинади.

Бу гурух китобхонлари китоблардан ташкари, техниканинг аралаш тармоклари, табиий билимлар буйича журналлар, таржима асарлари, умумтехника адабиётини хам укийдилар. Улар билан ишлашнинг асосий усули кутубхонага келган адабиётлар хакида уларни якка ва жамоа равишда хабардор килиб туришдир.

Инженер техник ходимларни кутубхонага келган адабиётларнинг узигина каноатлантирмайди, улар бундан ташкари жорий реферат ишлари ва библиографик ахборот ишларини урганишдан иборат.

Олий маълумотли инженерларга конкрет характердаги ишлаб чикариш адабиёти билан бир каторда халк хужалигидаги, профиллашган ва аралаш тармоклардаги илмий техник тараккиётининг асосий йуналишлар тугрисидаги жуда куп нашрлар, ишлаб чикаришни бошкариш ва ташкил этиш назарияси ва амалиётига доир адабиётлар керак булади. Амалиётчилар эса ихтисоси ва умумий фанлар буйича укув адабиётидан ташкари, фан - техника тараккиётининг асослари, унинг йуналишлари тугрисидаги китоблар, бошкариш назарияси ва амалиёти, ихтисод ва мехнатни ташкил этишга доир китоблар билан кизикадилар.

Хар иккала гурухни корхоналардаги ишлаб чикариш техникаси ва технологиясидаги илгор тажрибани жорий килиш масалалари, педагогика ва психология, гоявий тарбиявий ишлар назарияси ва амалиёти масалаларига доир китоблар кизиктиради.

Олий укув юртлари ва коллежларини якинда тамомлаб келган инженер техник ходимларга хам алохида эътибор берилиши талаб килинади. Уларга махсус фанлар ва математик хисоб- китобларга, иктисодга, инженерлик фаолияти куникмаларига доир адабиётлар керак булади.

Кутубхоналар мураббийлар, бригадирлар, ёш ишчилар билан катта ишлар олиб борадилар. Бу ходимлар хозирги замон ишлаб чикаришида марказий фигуралардан бири булиб, улар ишлаб чикаришни ташкил этиш билан бевосита шугулланадилар, ишчилар билан тез - тез мулокатда булиб турадилар. Уларнинг кизикишлари ва эхтиёжларини биладилар, тарбиявий ишлар олиб борадилар. Усталар жамоага катта таъсир утказишга кобил булиб, ёшларга касбга доир малакаларни сингдирадилар, мехнатга ижодий ва халол мунасабатда булишни ургатадилар.

Республикамизнинг оммавий кутубхоналари мураббийлар ва бригадирларга дифференциал холда хизмат курсатиш сохасида катта тажриба туплаганлар. Бу кутубхоналар биринчи навбатда техника кутубхонаси ва илмий - техника ахбороти органларига эга булмаган корхоналар (енгил озик - овкат, ёгоч ишлаш саноати корхоналари ва курилиш ташкилотлари) нинг мураббий ва бригадирларини китоблар тугрисидаги якка ва гурухли ахборот билан таъминлайдилар Оммавий кутубхоналар вилоят ва Республика кутубхонаарига таяниб илмий техника кутубхоналари билан маваффаклашган холда иш олиб бориб, бу тоифадаги китобхонларга техника ахборотини тармок ва худудий органлари тизимини билиб олишда ердам берадилар, бирор мавзу юзасидан келиб чиккан талаблар буйича каерга мурожаат килишини маслахат берадилар.

Рационализатор ва ихтирочилар гурухси билан иш олиб бориш кутубхоналарнинг мухим вазифасидир. Кутубхоналар техника ижодкорлигига ишлаб чикарувчиларнинг янги - янги кучларини жалб килишга, новаторлик ва рационализаторлик ишини таргиб килишга ёрдам беришлари керак. Рационализаторлик иши билан банд булган ходимларни уз вактида аниклаш, уларни махсус адабиётни укишга торгишга кутубхоналар ташаббускор булишлари керак.

Республикамизнинг техника, касаба уюшмалари кутубхоналарда тупланган тажриба рационализаторлар ва ихтирочилар билан олиб бориладиган ишларнинг куйидаги ишлари йуналишлари борлигига, бунда:

1. Рационализаторлар биринчи галда ишлаши лозим булган масалаларини акс эттирувчи мавзуни урганиб чикиши зарурлигини:

2. Рационализаторлар ва ихтирочилар бюроси хамда корхона жамоат ташкилотлари (ВОИР, новаторлар кенгаши, жамоатчи конструкторлик бюролари ва х.к.) билан алокада булиши лозим эканлигини курсатади.

Кутубхоналар рационализатор ва ихтирочилар мавзусини кенг таргиб этишлари, китобхонлар конференциялари утказишлари, адабиёт курикларини, рационализатор ва ихтирочилар билан учрашувлар уюштиришлари, бундай ходимларнинг бурчакларини ташкил этишлари лозим.

Кутубхоналарда ишчи китобхонлар гурухсининг китоб укишига хам алохида диккат килиниши керак. Бу гурух китобхонларининг таркиби хам хар хил булади.

Улар билан ишлашда бир катор хусусиятларни хисобга олиш талаб килинади. Масалан, ишчи китобхонларни бирикмаси аввалига касбларига кара, масалан, оммавий касблардаги ишчиларга булиниши, сунгра хар бир тури буйича хам булиши мумкин. (Чунончи токорлар, слесарлар, операторлар ва х.к.). Бу ерда хам ишчи китобхонлар (малака, маълумот, ёш белгиларига караб) гурухларга ажратилади. Социалогик тадкикот маълумотларига караганда китоб укишга малака омили хам мухим таъсир курсатар экан. Ишчининг малакаси канчалик юкори булса, унга касб махоратининг асосий манбаи булган техника китоблари шунчалик купрок керак булади.

Китобхонлар юкори малакали ишчиларга махоратларини оширишда, аралаш касбларни эгаллашда, конкрет ихтисос буйича билимлар олишда ёрдам бериб борадилар. Уларга кенг муаммоларга доир тавсия адабиётлари руйхати тузиб чикадилар.

Ишчиларга бевосита иш жойининг узида хизмат килишнинг истикболли усули бригада абонементидир. Биринчи марта бригада абонементи усулини касаба уюшмаси кутубхоналари ишчи китобхонларига

хизмат курсатишлари учун куллана бошлади. Тез орада бу тажриба оммавий кутубхоналар томонидан куллаб куватланди. Масалан бригада абонементи Самарканд вилоят Каттакургон шахар кутубхоналар ишининг асосий усулларидан бири булиб колди. Шахардаги ун комбинати , шахар газ идораси, нон комбинати гишт заводи ва бошка корхоналардаги бригадалар учун ишчиларнинг талабларини хисобга олган холда микро кутубхоналар барпо килинади. Кутубхона шахобчаларида фаркли уларок, китоб фондининг сакланиш учун бутун жамоа жавобгар булади.

Кутубхоначи кичик жамоа булган бригада билан алока урнатар экан, ишчиларни кизикишлари, талаблари, ишлаб чикариш эхтиёжини урганиб чикади, зарур китоблар танлайди. Бригадир уз жамоасидаги уртоклари билан биргаликда кутубхоначи томонидан касблар буйича адабиётни зур кизикиш билан караб чикади, Техника китобларида, маколаларда тасвирланган нарсалардан кайсиларини амалда кулланиш мумкинлигини мухокама килишга интилади. Кутубхоначи сухбатлар, обзорлар, укишлар ташкил этиш учун тингловчиларни осонлик билан туплай олади. Бундай хизмат курсатиш усули ишчи китобхонлар орасида марказий кутубхона филиалларининг обруйини оширмокда, ишлаб чикариш билан алокани мустакиллашга, мехнаткашларни тугри дам олишни ташкил этишга, китобхонларни маънавий кизикишларини ва хилма-хил талабларини кондиришга окилона ёрдам бермокда.

Фондни ишлаб чикариш адабиети билан тулдириш вактида биринчи навбатда хизмат курсатилаётган худуд корхоналарининг ихтисосини хисобга олиш, ишчиларнинг етакчи гурухларини мулжаллаб иш куриш маъкул булади.

Конкрет ва умумий иктисод мехнатни илмий асосда ташкил килиш (МИТ), сифат буйича адабиёт сотиб олишни кенг йулга куйиш, хозирги замон техникасининг хамма асосий йуналишлари буйича адабиёт сотиб олишлари керак. Кутубхоналарнинг фондларини фан ва техника барча

масалаларига доир вактли нашрлар, газеталар билан тулдириш мухим вазифалардан биридир.

Техника китобларига доир китобхонлар конференциялари кутубхоналарда кенг оммалашган. Техника китобларга багишланган конференциялар илгор тажрибани, янги технологияни кенг ёйиш максадида утказилади: Улар техника сохасидаги янгиликларни жорий этишга ишлаб чикаришни такомиллаштиришга бевосита таъсир курсатади.

Конференция мавзуси техника ахбороти бюроси билан олдиндан келишиб олинади ва корхона рахбарлари томонидан тасдикланади. Конференцияга тайёргарлик куриш техника ахбороти бюроси, рационализаторлар ва ихтирочилар бюроси, инженер техникларнинг фаол иштироки билан уюштирилади. Тайёргарлик даврида махсус ишчи гурухи тузилиши максадга мувафикдир, бу гурухга техника кутубхонаси ва корхона кутубхонаси ходимлари, кутубхона кенгаши аъзолари киради. Гурух тадбирлар утказиш режасини, адабиётни таргиб килиш режасини тузиб чикади, бир катор ташкилий масалаларни хал килади: тингловчилар утказиладиган хонани таъминлайди, рахбар белгилайди.

Конференция мавзуси аник белгиланиб, у корхонанинг кайси табакадаги ходимларга мулжаллаб утказилиши аниклаб чикилгач, кутубхоначи конференцияга багишланган китоблар руйхатини тузиб чикади. Ишчи гурух аъзолари конференцияга тайёргарлик куриш жараёнида китобхонларга маслахатлар берадилар, кушимча адабиётлар билан таништирадилар, нутк ва докладлар режасини тузиб чикишда ёрдам берадилар. Бунда маслахатлар китобхонга: сизнинг нуткингизда китоб ва нашрларнинг ишлаб чикаришга берадиган илмий ва амалий ахамияти нуктаи назаридан таърифлаб берилиши керак, деб уктиради. Китобхон китобларга берилган бахони амалий иш билан боглаши, китобда курсатилган техника янгилигини ишлаб чикишга жорий этиш учун нималар килиш зарурлигини айтиб утиши максадга мувофикдир.

Китобхонлар конференциясини утказишда тайёргарлик куриш даврида кургазмали таргиботнинг энг куп таркалган усуллари - китоб кургазмаси, кутубхона плакати, шунингдек адабиёт таргиботининг огзаки усуллари, библиографик обзорлари, овоз чикариб укишдан (цехлар, лабораториялар ва булимларда) актив равишда фойдаланилади. Ундай тайёргарлик тадбирлари тавсия этиладиган адабиётни чукуррок тушуниб олишга, укиб чикилган асарлар хакида жамоани фикрини туплашга ёрдам беради. Ишчи гурухи адабиёт билан ишлаб чикарувчиларнинг купрок кисмини таништириб чикиш максадида унинг зарур буладиган нусхаларини белгилаб олади.

Шуни айтиб утиш керакки, булажак тадбир хакидаги ахборотни адабиётни таргиб килиш билан бир вактда бошлаш зарур: эълонлар бадиий жихатидан безатилган булиши, корхона кутубхонасида, цехларда, булимларда осиб куйилиши, улар адабиётлар хакида батафсил ахборот бериши лозим. Ишчи гурухи конференциянинг боришини олдиндан пухта уйлаб чикиши, куринадиган масалаларни белгилаб, уларни катнашчилар уртасида таксимлаши лозим. Конференция техника кенгашига айланиб кетмаслиги, мухокама килиниши керак булган китоб ва ундаги масалалар аник ва лунда булиши даркор.

Конференциядан кейин гурух карори лойихасини тайерлайди,карорда мухокама килинган адабиетдаги илгор иш шакилларини жорий этиш,янги техникани узлаштириш хакида конкрет таклифлар баен килинган булади.Конференция карорида авторларга,журналларнинг редакцияларига конкрет таклифлар айтилади.

Республиканинг техника кутубхоналари адабиет таргиботининг китобхонлар сиртки конференцияси усулидан хам фойдаланадилар.

Одатда, китобхонларнинг сиртки конференциясида кенг китобхонлар оммаси учун кизикиш уйготадиган китоблар, журналлар мухокама килинади. Китобхонларнинг сиртки конференциясига тайёргарлик куриш режаси бир мунча узига хос, кулами жихатидан кичикрок булади.

Конференция учун манбалар турли йуллар билан: ишлаб чикариш булимларида, кутубхонада, сухбатлар, баланд овоз билан китоб укиш чогида тупланади. Конференцияга газетада бош макола бериш, кутубхоначининг, корхона рахбарининг чикишини уюштириш йули билан якун ясалади. Бундай сиртки конференциянинг самарадорлиги шундаки, бундай тадбирларни бундан кейин утказиб туришнинг максадга мувофик эканлигини такидлаб курсатилади.

Кутубхоналар тажрибасида техника китоблари декадалари, ойликлари каби усуллари хам кулланилади. Лекин бу тадбирларни асосан йирик шахар ва худуд кутубхоналари утказишлари мумкинлигини айтиб утиш зарур. Кутубхоналар бундай декадалар, ойликлар утказиш вактида курик ва кургазмалар, техниканинг янги тармоклари буйича адабиёт обзорлари, мутахассисларнинг маслахатларини, кутубхона-библиография билимлари асослари юзасидан машгулотлар уюштирадилар.

"Техника китоблари хафталиги" тадбирлар комплекси: мавзулар буйича кечаларни, илммий-назарий конференцияларни, огзаки журналларни, билиографик обзорларни, китоб мухокамаларини, очик курикларни уз ичига олади. Хафталик режаси барча тадбиирларни, уларни утказиш жойи хамда вактини, китобхонлар гурухларини назарда тутади.

Касблар буйича кунлар: "Токарлар куни", "Слесарлар куни", "Фрезерчилар куни"- техника китобларини таргиб килишнинг комплекс усуллари булиб, уларни утказиш шакли аввало режа тузиб чикиш ва уни кутубхона кенгаши мажлисида мухокамма килиб тасдиклашни назарда тутади. Унда библиографик обзоорлар тайерлаш учун адабиет танлашни, тегишли мавзу буйича адабиетнинг очик куригини утказишни, киитобларни мухокама килишни. "Илгор тажрибалар-хаммага" деган мавзули картотекаларни тузиб чикишни уз ичига олади. Касблар буйича кунларни уткказиш вактида якка ва оммавий ишларнинг хамма формалари актив фойдаланилади. Мисол тарикасида касблар буйича кунлардан бирини тайерлаш ва утказиш усулини келтириб утамиз. Бунда куйидаги ишлар:

1) “Токарь нималарни укиши керак?”, “Илгор тажриба-барча токарларга” картотекаларни тузиб чикиш;

2) Токарлик иши буйича адабиет обзори тайерлаш (уни малакали ишчи, муахассис тайерлайди);

3) Техника, иктисод, мехнат унунмдорлигини ошириш, малака оширишга доир китобларнинг очик куригини тайерлаш;

4) Ишлаб чикариш новаторлари билан учрашувлар амалга оширилади.

Техникавий китобларни таргиб килишга доир оммавий тадбирларни, кандай формада булишидан катъий назар, корхонада утказиш максадга мувофик булиб, уларнинг мавзусини жамоа олдида турган ишлаб чикариш вазифалари билан боглик ва килинган иш натижалари, тупланган ва адабиетда тасвирланган барча янги, кимматли тажрибаларни ишлаб чикаришга тенг жорий этишга интилиш зарур.

**С.Х. ДАВЛАТОВ**
Кутубхонашунослик кафедраси
катта укитувчиси, филология
фанлари номзоди.

# ИЛК УРТА АСРДА (У - XI) ШАРК ДАВЛАТЛАРИ КУТУБХОНАЛАРИ

**Р Е Ж А:**

**КИРИШ.**

1. Урта аср кутубхоналари.
2. Шарк мамлакатларида кутубхоначилик иши ва унинг ахволи.

**Хулоса.**

**А Д А Б И Ё Т Л А Р:**

1. И.А.Каримов Узбекитон: миллий истиклол, иктисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, 1993.- 210 б.

2. Узбекистоннинг миллий истиклол мафкураси, Тошкент, Узбекистон.- 1993.- 69 б.

3. Глухов А. Асрлар каридан - (Жахондаги кадимий кутубхоналар хакида очерклар).- Т.: Узбекистон, 1979.- 51 - 55 бетлар.

4. Талалакина О.И. Хорижий мамлакатларда кутубхоначилик иши тарихи.- М., Книга - 1982.- 19-21 бетлар.

5. Талалакина О.И. Иследование культуры Востока о библиотеках Арабского халифата. Библиотекаведение и библиогр. за рубежом, 1976 вып. 56. с. 58-76.

6. Косимова О.Г., Есимов Т. Умумий кутубхонашунослик .- Т.: Укитувчи, 1994.- 231-235 бетлар.

Атлантика Океани киргокларидан то Япон оролларигача булган катта терреториядпн феодализмни шакилланиш жараёни кечар эди. Кулдорлик ривожланган Хитой, Хиндистон, Эрон, Византия мамлакатларида феодализмга утиш, бир неча этапдан иборат булди. Бу даврда Араблар Миср, Сурия, Паластин, Марокаш, Эронни эгаллаб, Европага кирган, Испания ва Партугалияни эгаллашган эди. Араблар хамма ерда ва хеч кандай кийинчиликларсиз галаба козонишар эди, сабаби, улар урушган мамлакатлар таркок ва кучсиз эди. Мусулмон давлатининг чегаралари Осиёдан ва Африкадан утиб Хиндистон чегаралари ва Атлантика Океанигача чузилиб борган эди.

Урта аср маданияти ва санъатининг гуллаб яшнаши уша даврда ривожланган мамлакатларда кутубхоналарнинг ташкил топиши ва уларнинг иш фаолияти, ривож топган хунармандчилик - когоз, буёк, зар каби ажоиб материаллар етказиб берар эди.

Хуснихатчилар юксак махоратга эга булиб, шаркда уларнинг санъати кадрланади. Урта асрларда китоб арабларнинг чинакам асари булиб колди.

Китоб чикариш кенг йулга куйилган ва китобга талаб катта булган. Хусусан Урта аср кутубхоналарининг тараккиёти хакида фикр юритамиз.

## 1. УРТА АСР КУТУБХОНАЛАРИ.

Урта аср кутубхоналарининг асосан ривожи, уша даврда яхши ривожланган мамлакатларда ривож топган хунармадчилик - когоз, буёк зар каби ажоиб материалларнинг ишлаб чикариши, хуснихатчилар юксак махоратга эга булиб, Шаркда уларнинг санъати кадрланарди. Рассом ибн Мугла араб хаттотчилигининг асосчиларидан бири булиб хисобланган. У вазирлиги пайтида сарой жанжалларида айбланарди. Хамора унинг унг кулини кесиб ташлаш хакида фармон беради. Мугла таникли хуснихатчи ва

янги араб алифбосининг асосчиси булишига карамай унга нисбатан шундай рахимсизлик килинади.

Унинг тузган алифбоси 100 йиллар мобайнида кулланиб келинган. Сунгра Мугла каламни кулининг кесик жойига боглаб илгариги яхши ёзишни давом эттиради. Ривоятларга кура рассом чап кули билан хам нихоятда чиройли ёзган. Богдод турли мамлакатларнинг энг яхши аклий ва маънавий кучларини узига тортар эди. Математик ал – Хоразмий, Хоразмда тугилган, астраном олим ал - Фаргонада машхур файласуф Фаробий -Туркистонда бир араб тарихчисининг ёзишига кура, Богдод уз гузаллиги ва азимлиги билан жахондаги барча шахарлардан афзал булган: Хеч ерда бунчалик куп олим кишилар йук. Араблар фаннинг ахамиятини яхши тушунишар эди. Улар кадимий Грек адабиётидан математика астрономия, табабатга оид купгина китобларни саралаб туплашар ва таржима килишарди. Айникса таржимонлик фаолияти халифа Мансур даврида кенг авж олди. Асосий таржимонлардан бири - Грек тилидан араб тилига таржима килувчи ибн - Исхок икки йил Византияда яшаб Грек тили ва адабиётини урганган. У Богдодга курук кайтмади, кимматбахо кулёзмаларни олиб кайтди.

Араб маданияти гуллаган даврда купгина адабиё ва илмий асарлар яратилди. Калин - калин пергамент томлар ва когоздан ясалган бежирим китоблар задогонларнинг коллекцияларида, мадраса ва мактаб, университетларнинг кутубхоналаридан жой олди.

Испан манахи Диего -де- Лондани марказий Америка худудида яшаган халк - майя тарихини ёзишга нима мажбур килганини айтиб куйилган.

Бу фанатик Южатан маданиятини йук килишнинг бош илхомчиси булган, Майя кутубхонасидаги китобларни оммавий куйдириш ташкилотчиси булган.

Диего -де- Ланда уз асарини асосий равишда яратди. Хамма нарса ас котди. Шахсий таасуротлар хам, Майянинг хронокаси хам, у уз китобини 10 йил давомида ёзиб, 1566 йилда тугатади. Китоб дархол кенг таркалади. Олим рохиблар 10 йиллар мабойнида бу китобдан фойдаланиб бир неча нусха

кучиришган, тарихчилар ундан цитата келтиришган. Нихоят 1916 йилда де Ланда китобидан парчалар топилди.

Кулдорлик ривожланган Хитой, Хиндистон, Эрон, Византия мамлакатларида феодализмга утиш даврида кутубхона- кутубхоначилик иши миллий узига хос адабиёт ва санъат такомиллашиб борди.

## 2. ШАРК МАМЛАКАТЛАРИДА КУТУБХОНАЧИЛИК ИШИ ВА УНИНГ АХВОЛИ

Хитойда феодализмнинг барпо булиши, буддизмнинг таркалиши билан боглик. VI асрда Хитойда 50 мингдан ортик буддистларнинг монастрлари мавжуд булган мамлакатда монастир кутубхоналари кенг таркалган. Уларнинг асосий фондларини буддист адабиёти шунингдек тиббиёт, математика фалаккиёт (астрономия) иероглифларни урганиш учун кулланмалар ташкил топган. Кутубхоналар иши уша давр конуниятлари асосида курилган.

Фондларнинг ёзувидан асар авторларининг исми, таржимонлари хакида маълумотларни олиш мумкин. Барча китоблар шифрланган, китоб жавонларига куйилган тартиб номерлари уша китобларнинг шифри хисобланган. Йуколган китоблар хакидаги маълумотлар кул ёзмаларнинг сакланиш даражаси кайд килиб, борилган. Маъсус шахслар йуколган китобларни тиклаш ишлари билан шугулланган.

Кутубхоналар нусха кучириш хисобига бойиб борган. Китобларни сотиб олиш мумкин булган. Хитойда китоб савдоси билан шугулланган энг бой монастир Сянга эди.

Хитойда бой китоб саклаш саройлари мавжуд булиб, уларда асарларни изохлаш кадимги классик асарларни нашрга тайёрлаш, империянинг айрим бир жойларини тузилишини урганиш ишлари амалга оширилган.

Кадимий асарларни туплашга булган асосий кизикиш Суй ва тан имрераторларида юзага келган, император кутубхоналарига келтирилган

классик асарлар ёки уларнинг барчалари учун мукофот тарикасида ипак такдим этилган.

Мутахассислар ёмон сакланган текстларни ёки уларни когозга кучиришган. Хитой кутубхоналари 100 минглаб кулёзма ксилографик нашрларга эга булган.

Хитойда VIII асрдан бошлаб кселографик усулда чоп этиш одат тусига кириб колган. Бу эса китоб нархини тушишига ва кенг таркалишига олиб келди. Кантон ва Ханчжу ва бошка иктисодий маданий марказлар оркали ва бошка кугигина мамлакатлар билан алокалар урнатилди. Хитой китоблари Карея, Японияга олиб борилди.

Хитой билан Япония орасидаги алока VII асрдан жонланди. Японияда IX асргача Япон бутун хати тузулгунча ишлаб чикаришда Хитой тили хукмронлик килган Япония, Хитойга талабалар ва рухонийларни жунатган. Япониядаги монастир кутубхоналари фондини Хитой буддизм адабиёти ташкил этар эди.

Кутубхоналар юкори табакаларга хизмат килар эди. Хитойдан буддизм адабиёти Пагангга урта асрларда кучли Паган давлатининг пойтахтига утди. Паган Иравада сохилларида, бундан минг йилдан куп вакт аввал дунёга келган кадимий шахар. У икки ярим аср давомида кудратли Паган давлатининг пойтахти булиб келган. Аслини олганда, хозирги Бирманинг тарихи Паганнинг пайдо булишидан бошланади.

Паган шохи Нируда бирма еридаги таркок кабилаларини ягона феодал давлатга бирлаштирди. Унинг хокимлик йилларида (1044-1077) Паганнинг юксалиши бошланади. Паган шохи мукаддас китобларни зурлик билан кушнилардан тортиб олишга карор килди. У монларга карши харбий юриш килди, улардан катта улжани кулга туширди, жумладан, будда конунлар мажмуасининг тула туплаш “трипитака”нинг уттизта тула комплектини кулга киритди. Туплам учта катта кисмдан иборат. Сутта - питаки (хадислар саховати) Винна - питаки (урф- одатлар саховати) ва Абдхиджами - питаки (олий догма саховати).

Босиб олинган китоблар учун Анируда шахар марказида, кироллик саройи якинида махсус бино “Питаки-тайк”, яъни мукаддас кутубхона куриш хакида буйрук берди.

Кутубхона уртасида атрофи йулаклар билан уралган кичкина зал мавжуд.

Бинога кириладиган уч эшикли айвоннинг шартли томонига учта дабдабали пеш айвондан киритади.1783 йилда тула тамирланган бизнинг кунларимизда хам сакланиб колган.

Икки хил кадимги бирма хати мавжуд эди. Лапидар хати “Тошга ёзув” манументлар ёзувида ишлатилар эди, “Квадрат” шаклидаги юксак бадиий хат диний будда китобларига ишлатиларди. Китобга материал сифатида хурмо баргларидан ташкари бамбук тахталар, чарм дарахти илдизлари хам ишлатиларди. Француз архиологи Шарль Дюруазель Пром шахрини казиш пайтида 20 та олтин тахтачага ёзилган кулёзма хамда ёзувли олтин пластинкаларни топди. Паган давлати гуллаб яшнаган уша кадимий даврда Бирмаликлар дехкончилик, ирригация, хунармандчилик ва маданиятни тараккий эттиришда катта муваффакиятларга эришдилар.

Шах Тилуин Мон 1093 йилнинг 3 июлида Промда куйган имзосида хабар беришича, жумладан Туйин тогидаги Маракан кулида катта сув омбор барпо этиш ва мазкур кул сохилида тош кутубхона куриш хакида суз юритилади.

Бизда Паган кутубхоналари китобнинг руйхати йук, Бунинг устига устак укувчилар “Формуляри” хам йук, кутубхона фонди хакида хеч булмаганда озгина тасаввурга эга булиш учун биз уша даврдан бизга саждагох ва эхромларнинг ёзувидан бошка деярли хеч нарса етиб келмаган. Колганларнинг хаммаси нобуд булган.

1277 йилда манголлар Паганни талаб, вайрон килишди. 100 йиллардан кейин мамлакат кайта тиклана олди, аммо качонлардир кудратли мамлакатнинг пойтахти булмиш шахар уликлигича колаверди.

Шумернинг купчилик шахарларини сахро кумлари кумган. Геркуланум Везувий куллари остида колди, Майя шахарларини тропик чангалзорлари босиб кетди. Паганнинг икболи баланд экан: лагода ва сарой эхромлари

сакланиб колган. Улар орасида Бирманинг кадимий кутубхонасининг биноси бор.

Тан империяси мустакилликка эришгач Ветнам маданиятини ривожлантиришга киришди. Ветнамдаги энг биринчи кутубхона Дайхын омборхонаси хисобланади. Унинг асосини Хитойдан келтирилган Буддий адабиётлар ташкил этади. Ушбу омборда китоблар нашр килинган ва мамлакатга таркатилган.

1070 йил Ханойда адабиётлар саройи ташкил топди. Дастлаб бу ерда художуйлар маскани, китоб нашр киладиган жой чоп этиш учун ишлатиладиган тахталар сакланадиган омбор булган. Кейинчалик эса юкорида айтиб утилган кутубхона барпо булган. Унинг хоналари мактаб укувчилари ва укитувчилари булган. 1464 йил шох буйруги билан худди шундай кутубхоналар вилоятларда хам ташкил этилди.

Кутубхоналар фондида эндиликда илмий асарлар, тарихий ва поэтик ишлар, фолклор тупламлари хам жой олди. XII асрда мугил боскинчилари Хитой, Паган ва бошка мамлакатлар кутубхоналари ва маданиятини супириб ташлади. Японияда хам кутубхоналар иши узок вактгача тухтаб колди.

## ХУЛОСА.

Илк урта аср (V - XI) кутубхоналарнинг пайдо булиши феодализм даври давлатларининг ташкил топиши билан богликдир. Асосан урта аср даврида Хитой, Хиндистон, Ветнам, эрон, Византия, Япония давлатларида эхрон ва монастрларда китобларнинг чоп этилиши кутубхона ишининг янада жонланишига олиб келинди.

Араблар, Миср, Сурия, Паластин, Марокаш давлатларини эгаллаб, унинг маданияти ва санъатига хамда урф одатларига таалукли булган энг кимматбахо асарларни араб халифалигига олиб келиши билан боглик маълумотлар берилади.

Уша даврда гуллаб яшнаган Паган давлатининг маданияти ва санъати хакида пупгина тарихий маълумотлар берилади.

РАХИМОВА М.А. доцент

# КУТУБХОНА ФОНДИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ.

## Р Е Ж А :

1. Кутубхона фондининг моделини яратиш ва уни ташкил этишнинг кутубхоналар учун тутган ўрни.
2. Фонд моделини ривожлантириш тенденциялари.
3. Фонд моделларининг асосий типлари.
   а) Тасвирий модел.
   б) Тематик типологик модел.
   в) Математик модел ва бошқалар.
   г) Библиографик модел.

## АДАБИЁТЛАР:


1. Столяров Ю.Н. Библиотечный фонд. Учебник. М., "Книга", 1991. 121 с., 143, 170.
2. Кутубхона фондлари Дарслик. Т:, 1986, б.341.
3. Голубова Л.К. Моделирование библиотечного-библиографических процессов. Учеб. пособие. Л., 1986. 108с.
4. Тематико-типологическое планирование фондов ЦБС: Метод.рек. М:, 1982, 102 с.

Модел аслида лотинча "modelius" ва французча "fondus" сўзидан олинган бўлиб, бирон бир нарсанинг ўлчови, наъмунаси сифатида қўлланилади. Кутубхонашунослик фондида бу сўздан фондларни комплектлашда фойдаланиш зарурияти туғилди. Амалиётда практикада кутубхоналарни китоб билан таъмин этиш масалаларида талайгина қийинчиликлар мавжуд бўлиб муҳим специфик вазиятдан келиб чиқди.

Кутубхоналар мамлакатимизда нашрдан чиққан барча керакли адабиётларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқига эга бўлсада, кутубхоналарнинг адабиётига бўлган талабини қондириш етарли даражада деб бўлмайди.

Ҳозирги такомиллаштирилган система шуни кўрсатадики кутубхоналарнинг адабиётга бўлган талабини ўрганиб чиқиш идеологик ва илмий ахборот муассасаларининг фаолиятлари ва вазифаларига боғлиқдир. Моделлаштириш—кутубхона фондини "идеал образдай" муҳим томонларини мукаммал ўрганиш ва шунга эришиш йўлларини аниқлашга қулай шароит яратади.

Кутубхоначилик ишида, кутубхона фонди модели устида иш олиб бориш асосан дастлабки илмий тажриба ишларидан бошланади.

Масалан: Давлат кутубхонасининг "Библиографик модел" бўйича олиб борган иши мисолидан кўриш мумкин бўлади. Айни вақтда яъни ҳозирча хали бу соҳада кенг кўламда тажриба ишлари олиб борилмаган. Моделлаштириш бўйича дастлабки ишлар методик характердаги кўрсатмаларга асосланиб кутубхона фондини моделини тузиш иши амалга оширилмоқда, бу соҳада (низом, қонун) сингари кўрсатмалар тузилиб, улар универсал характерга эга бўлиб, илмий ва махсус кутубхоналар учун қўлланиши мумкин. Бу низом қонунлардан оммавий кутубхоналар, касаба союз, ўсмирлар ва болалар кутубхоналари ўзларининг фондини моделлаштиришда фойдаланишлари мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки асосий методологик кўрсатмаларни ишлаб чиқишда мамлакатимизнинг кутубхонашунос олимлари пед. фан. доктори Ю.Н. Столяров, В.И.Забарова, оммавий кутубхоналарнинг тасвирий (описательний) моделини тузишда мутахассисдан В.И. Акимова, Д.Т. Ишаева ва бошқалар актив иш олиб бормоқда.

Моделлаштириш шу нарсани англатадики у ёки бу мавжуд объектни қайта ташкил этиш шунингдек объектга мос келмаган томонларини ўрганишдан иборатдир. Ҳозирги илмий техника тараққиёти ривожланган бир даврда китоб маданияти муҳокама қилиш хал этиш лозим бўлган масалалардан биридир.

Китоб моделлаштирилмайди, балки инсон учун зарур бўлган профессионал ва умумий билимлар хажмини тўплашдан иборатдир.

Биз фондни моделлаштириш бўйича фикр юритганимизда бизгача аввалги кутубхонашунос олимлар томонидан қилинган ишларга назар ташлаш лозим ва уни мумкин қадар тўлиқ ўрганишга харакат қилмоқ лозим. Гарчи бу ишлар тўлиқ, мукаммал хал этилмаган бўлса ҳам лекин кутубхона фондининг модели масалаларини қисман ёритишга харакат қилганлигига гувоҳи бўламиз.

Кутубхонашауносликда моделнинг тасвирий, библиографик модел формаси ёки уларнинг фақатгина айрим элементлари мавжудлигини кўриш мумкин. X1X асрниг охирида Европа кутубхонашунослари томонидан кутубхоначилик ишларининг кўрсатгич статистикаси ишлаб чиқилди. Кутубхона фондининг муомилада бўлиши (обрш, фонда) китоб бериш. (книга выдача) китоб билан таъмин этилиши (кн обеспеч) ва ўқилиши.

Бу эса кутубхона фондлари бўйича математик моделни жорий қилиш қўллаш имконини яратади.

Кутубхона фондини моделлаштиришда имкон яратган илмий ишлар ичидан Н.А. Рубакиннинг ишлари диқатга сазовордир.

Ўша давр учун кутубхона фондининг библиографик модели сифатида "китоблар орасида" номли кўрсатгични кўриш мумкин.

Биринчидан Рубакин кутубхоналарнинг вазифаси ҳақида тушунча берса иккинчидан, "Дунё китобларни акс эттиришдан уларнинг фонд учун танлаш фондини тўлдиришини системали равишда олиб бориши, шунингдек "китоб ядроси" қандай китоблардан ташкил топган ғояларни илгари сурганини кўрамиз.

Н.А. Рубакин асосий ғояси кутубхона ядроси кутубхонанинг тўғри ишлаши учун зарур бўлган муайян тарзда танлаган "китоблар цикли" фондини моделини яратишга харакат қилади.

Унинг ишида китоблар 3 гуруҳга бўлинган 1) мутахасислар учун; 2) У аҳамиятини тезда йўқотадиган китоблар; 3) кенг китобхонлар оммаси бўлинади. Лекин моделда фонддаги китоблар инсон билимлар системасини акс эттириш мунтазам ўқиш, имконият яратиб бериш лозим бўлган адабиётдан ташкил топиш кераклиги қайд этилади.

Рубакин ўзининг китобида "китоблар орасида" кўрсатгичда китоб бойликларини илмий-фалсафий ва адабий ижтимоий ғоялар тарихи муносабати билан пухта қилиб тузилган библиографик образдан иборат бўлиб, мустақил ўқиш ва умумий кутубхоналарнинг китоб дўконларини системалаштириш ва комплектлаш учун ёрдам берадиган қўлланма сифатида ёки бошқача қилиб айтганимизда библиографик модел сифатида қараш мумкин.

Шунингдек кутубхона фондининг тасвирий моделини "примерный библиотечный каталог"нинг 1-2 қисмлари ишларининг сўз бошидаги ғояларда "многое в малом" деб берилган фикрларда кўриш мумкин.

Тасвирий модел орқали хар бир кутубхонани иш жараёнини комплектлашни исбот қилиб, фонддан кераксиз, сифатсиз адабиётни чиқариб боришни кўрсатади. Кутубхона учун зарур бўлган адабиётларни олиш, йўқ бўлган китоблар миқдорини аниқлаш имконлари ҳақида фикр юритди. Бу фикрлар тасвирий модел билан ишлашда фойдаланиш имконини яратади.

Фонд билан ишлаш учун ядрони ташкил этиш китобхон талабини ўрганиб унинг профессионал

билимларини оширишга ёрдам берадиган кутубхона фонди ядросини ташкил этиш ҳақида иш олиб бориш лозим. 1930 йилларнинг бошларида кутубхона фондининг тематик –типологик структура бўйича моделлаштиришга асос солди ва комплектлашни тематик иловани ишлаб чиқиш ғоясини олдинга сурди.

Тематик план деганда адабиёт турлари ва группалари ни тушунилади ва қайси кутубхоналарда мавжуд бўлган адабиётлар назарда тутилди.

Кутубхонанинг фондидаги адабиётлар китобхон учун унинг конкурент талаби асосида олиб борилиши лозим.

Бизга шу нарса маълумки, тематик–типологик комплектлашни планлаштириш фақатгина техника кутубхона фондларини комплектлашда қўлланилмасдан илмий универсал ва оммавий кутубхоналарнинг ишларида ҳам қўлланилади. Шу жиҳатдан қараганда тематик–типологик планлаштириш айрим кутубхоналар яъни район, ўлка йиғма тематик–типологик план тузишда комплектлашни кардинациялашда асосий қўлланма сифатида қўллаш тавсия этилди. Охирги 10 йилликда турли оммавий кутубхоналар шахар, қишлоқ кутуб–хоналари профел (типовой) модел ташкил қилишга харакат қила бошладилар.

Ниҳоят оммавий кутубхоналар фондининг тузилиши бўйича тематик–типологик планлаштиришнинг модели тайёрланди. Шу билан бир вақтда кутубхона фондининг библиографик модели устида фикр юритила бошланди, маълум конкрет китобларнинг рўйхати ва неча нусхадан кутубхона мавжуд бўлишлиги эътиборга олина бошланди.

Яъни адабиётларнинг нашр типлари ва турлари на–зарда тутилади. Бундай модел намунавий каталог формаси сифатида бўлиш лозимлиги қайд этилди.

Ҳозирги кундан намунавий каталоглар нашр қилин–майди. Шунингдек кутубхона фондининг ядросини ташкил этувчи рўйхати ҳам берилмайди.

Библиографик моделни мавжуд эмаслиги оммавий кутубхоналарнинг ядроси учун шунинг учун ҳам бунинг ўрнига оммавий кутубхоналарнинг мақсад ва вазифасига кўра нашр қилинган китоблар рўйхати билан

чегараланади. Бундай рўйхатлар мамлакатимизнинг йирик кутубхоналари томонидан нашр этилар эди. (Лелин кутубхонаси иттифоқчи республикаларнинг давлат кутубхоналари республика болалар кутубхоналари)

Кутубхоначилик ишлари практикасида библиографик моделдан сўнг математик моделлаштириш яъни фондни математик моделлаштириш элементларидан кенг фойдаланиш ишлари тавсия этилди.

Кутубхона ишларини планлаштиришда ва кутубхона статистикасида кутубхона фондининг хажмини битта китобхонни китоб билан таъмин этилиши китоб бериш хажми фондини айланиши, унинг соҳа структураси ўтилиши ва бошқа параметрларни ҳисоблашда математик ҳисоблаш кенг қўлланилмоқда. Шунингдек бошқа моделлар устида фикр юритиш мумкин. Ҳозирги замон кутубхонашунослари комплектлаш назариясининг умумий масалаларини комплектлаш принципларидан мезонлари, структураси, моделлаштириш масалалари хусусий масалаларини ишлаб чиқармоқдалар.

Бу ишларни олиб бориш учун китоблар билан таъмин этишни йўлга қўйишда комплектлашни прогнозлаштириш нашрлар изчиллик ишлари учун катта аҳамиятга эгадир.

Кутубхона фондларини комплектлаш ва ривожлан – тиришни прогнозлаштириш учун ҳозирги вақтда экстрополяция, эксперт методлари ишлатилмоқда. Булар модел сифатида қараш мумкин. Экстрополяция методи фондларни ўрганишга қулай шароит яратади. Статистик рақамлардан кенг фойдаланган ҳолда кейинги даврдаги қийматни ҳисобга олишга, ўсиш динамикасини, эхтимоллик назарияси асосида келгусида ўзгариши мумкин бўлган гепотезалар олдиндан белгилашга ёрдам беради.

Бунда фондни беш йилга ёки 15 йилга мўлжалланган ривожланиши динамикасини беради.

Бу метод кутубхона фондни моделини тузишга ёрдам беради, лекин экстрополяция бошқа статистик, математик усуллардан ижодий фойдаланишни талаб этади тушунилмасдан қўлланилса катта хатоликларга олиб келади.

Эксперт усули билан фондни ўрганиш баҳолаш орқали бунда етук олимлар юқори малакали мутахасислар билан келажакда фондда қилинадиган ўзгаришлар, фондни характерлаб берадиган параметрлари ҳақида маълумотлар бериш имконини яратади.

Моделлаштириш иши, методи фонднинг келажак тематик соҳасини, типологик тил, миқдор ва бошқа аспирантларни олдиндан курашга шароит яратади. Эхтимоллар назариясига асосланиб конкрет кутубхона фондининг ўсишига ривожланишга доир қарар қабул қилиш учун бир қатор моделлар ишлаб чиқиш мумкин. Кутубхона фондининг турига унинг хажмига кўра математик библиографик тасвирий ва бошқа моделлардан фойдаланилмоқда.

Моделлар фондининг тўлалиги тўлиқлигини билиш мақсадида қилинади, чунки кутубхона фонди аниқ ҳисобга олиб бўлмайдиган бир қатор факторлар тасвири остида ривожланади.

Кутубхона фондининг оптимал хажми формуласи тематик моделига мисол бўлиши мумкин.

Фондни комплектлаштириш тематик—типологик плани структурали моделга мисол бўлади.

Демак кутубхона фондини бошқаришда моделлаштириш методи, кутубхоначилик иши тажрибасида кўпроқ ўрнини эгаллаб кутубхона ишига кўрсатгичларни беришда фондни тўлдириш ишини енгиллаштиришда асосий восита сифатида қўлланилмоқда.

Моделлаштириш устида фикр юритган вақтимизда шуни қайд этиш лозимки, фондларни ўсиш динамикаси ва структураси мазмун ва соҳалар бўйича қайта кўриб чиқиш мумкин ўзгаришлар, йўналишларини аниқлаш ишида тасвирий модел билан ишлаш кутубхоначилик фондига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Модел билан ишлашда маълум қонун—қоидаларга таянган ҳолда иш олиб бориш лозим.

Чунки кутубхона фондининг моделлаштиришнинг методологик умумий қоидалари мавжуддир. Чунки бу модел асосида кутубхоначилик ишида фондни бошқаришнинг конкрет планлари амалга оширилади.

Кутубхона фонди жуда мураккаб денамик система сифатида бўлганлиги учун 4 хил моделдан тасвирий модел алоҳида аҳамият касб этади. Тасвирий моделнинг асосий функцияларини оммавий кутубхоналар мисолида кўриш мумкин.

Оммавий кутубхоналар илмий ахборот муассасалар сифатида ҳисобланиб, омманинг жамиятнинг адабиётга бўлган талабини, яъни бу талаб, ўз устида ишлаш, профессионал билимни ошириш, ишлаб чиқаришнинг ва фаннинг ривожланиши ҳақида, адабиёт ҳақида ахборот бериб ундан фойдаланишни юқори даражада бўлишни таъмин этиш керак.

Умум давлат кутубхона системаларида оммавий кутубхоналар марказий ўрнини эгаллайди. Мамлакатимиздаги кутубхоналарнинг 1 қисмини оммавий кутубхоналар ташкил этса, яъни фонднинг 40 % шу кутубхона фондида тўпланган бойликларни кўриш мумкин.

Бу китоблар аҳолига яқинлаштирилишда, уларнинг ўсишини шакллантиришда, катта таъсир этади.

Шунинг учун оммавий кутубхоналар янада самарали иш олиб бориш асосий вазифа қилиб қўйилмоқда. Ҳозирги кунда оммавий кутубхоналарнинг китоб фондига турли фан соҳасидаги мутахасислар фойдаланилмоқда.

Шунинг учун ҳам уларнинг универсал фонди китобга бўлган талабни қондиришда асосий манба бўлиб қолади.

Бизга маълумки ҳозирги кунда оммавий кутубхоналар шундай ижтимоий функцияларни бажармоқда: яни сиёсий-тарбиявий ахборот воситаси сифатида умумтаълим коммуникатив (алоқа йўли воситаси) гедонистический (удоволствие наслаждений направлений в этике) методик, ишларни илғор тажрибаларни фан ютуғини техника тажрибаларини кенг амалга оширишда катта ишларни бажармоқда.

Оммавий кутубхоналар ичида давлат оммавий кутубхоналар асосий ўринни эгаллайди агарда Й106,5 минг кутубхоналар 3,9 минг бирлаштирилган МКС жами 104,6 млн китобхонни китоб билан таъминлайди, уларнинг

фондида 1,2 млд китоб фонди мавжуд бўлиб, мамлакатимиз китоб фонди 1 қисмини ташкил этади.

Давлат оммавий кутубхоналарнинг фондларини ташкил этиш савияси назарий ўрганилганлиги, тавсияларнинг илмий асосланганлиги асосий методик ишларнинг йўлга қўйилгандаги раҳбарликни амалга оширишдан тадбирлар муассасалар ва бошқа турдаги кутубхоналарнинг фондларига самарали таъсир этиш мумкин. Шунингдек ишчилар синфини оммавий кутубхоналарнинг бир тури бўлган профессионал кутубхоналари 20% ташкил этади. Фонддаги адабиёт билан танишиб тасвирий модел тузиши катта аҳамиятга эга.

Ёш авлодни тарбиялаш масалалари республика мактаб кутубхонаси болалар кутубхонаси ўсмирлар кутубхоналар орқали амалга оширилади. Бу ерда ҳам адабиётнинг сифат жиҳатидан ўрганиш моделига ёрдам беради. Кутубхоналарнинг адабиётга бўлган талабини қондиради. Айниқса мактаб кутубхоналарининг фондини алоҳида қаралмасдан балки бир бири билан алоқада бўлиб таъсир этиш керак (ажратилган ҳолда қаралмайди).

Болалар кутубхона фондини ва мактаб фондини комплектлаганда китобхонининг спецификациясига ҳусусиятларига, уларни қабул қилиш қобилияти, фикрлашга эътибор берилади.

Тасвирий модел фонднинг универсал бўлишига нашрларни тўплашга бир бирини тўлдириш мунтазамлигига кутубхона фонди тузилишининг тип турларининг кенглигини фонднинг янгиланиш юқорилигига, турли хил адабиётлар билан таъмин этилганлиги ҳам катта ёрдам беради.

Тасвирий модел орқали фондларнинг қандай адабиётлардан ташкил топиши кераклиги ҳақида фикр юритилади. Фонднинг асосий қисмлари ҳақида маълумот тўпланади ва шунга кўра турли нашрлар ва китобхонлар учун мўлжалланган философия логика психология ва атеизм ёки бошқа ижтимоий адабиётлардан ташкил топганлиги ҳақида маълумотга эга бўлишади.

Оммавий кутубхоналарда дунё қарашнинг шаклланишга ёрдам берадиган табиий-илмий адабиётлар мавжуд.

Фондда техника ва қишлоқ хўжалик адабиётлари хам асосий ўринни эгаллайди. Китобхонлар учун турлича санъат турлари ҳам керак. Санъат асарлари тарбия масалаларини ечишга ёрдам беради. Шунингдек қардош халқлари ва чет мамлакат ёзувчиларининг асарларидан ташкил топган фонд универсал фонд сифатида қаралади.

Оммавий кутубхона фондининг тузилиш хусусиятлари, соҳалар бўйича ҳар бир бўлимда нашрларни танлаш, бошқа соҳалар билан боғлиқликни аниқлаш, деталлаштириш фонднинг тузилишини тематик томондан тўлиқ бўлишлигини таъмин этади.

Тасвирлаш моделида оммавий кутубхона фондининг типи ва турига қараб қанчалик кенг диапопонда нашрлардан ташкил топганлигига катта эътибор бериш лозим. Шунингдек оммавий кутубхона фондининг йўналишини кўрсатувчи справка нашрлари соҳалари бўйича "катта ва кичик соҳалар энциклопедияси" болалар энциклопедияси, умумий характердаги луғатлар техника справочниклари толковый терминалогический орфографик ва биографик луғатлар, библиографик қўлланмалар, турли қироатхоналарга мўлжалланган нашрлардан ташкил топади. Фондда ишчилар учун ишлаб чиқаришга доир, мутахасислар учун адабиётлар бўлиши, нашрларни мавжудлиги шарт.

Оммавий кутубхона фондида дарслик қўлланмалари дастурлар танлаб олинади. Фондни янгиланиб туриш даражаси юқори даражада бўлиши керак. Янги нашрларни оператив акс эттириб бориши лозим. Ҳар қайси фан соҳасидаги ютуқлар акс эттирилиши керак.

Эскирган адабиётлар, ахборот функциясини йўқотган нашрлар фондидан тез чиқарилиб ташланади. Давлат оммавий кутубхона фондларининг самарали иш олиб боришлари учун мамлакатимизнинг барча территориясидаги региондаги кутубхоналарни фондини китобхон талабига жавоб берадиган даражадаги адабиёт билан таъмин этишни йўлга қўйишни талаб этади.

Оммавий кутубхоналар ўзлари учун зарур бўлган ҳамма илмий ва адабий жиҳатдан аҳамиятга китобларни танлаб олиши керак. Фондни комплектлашда координациялаш планларини тузиш ва комплетлашнинг тематик типологик планидан фойдаланиш лозимдир.

Бу ишлар кутубхона фондининг оммавий кутубхоналар учун белгиланган тасвирий моделлаштиришни ўз ичига олади.

## МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ.

Кутубхоначилик иши тажрибасида тематик моделлаштириш методи кенг қўлланилмоқда.

Бунда кутубхона фондининг асосий парламентлари (характеристикаси) берилмаслиги.

1. Фондни китобхон талабига мувофиқлиги, жавоб бериши ёки бермаслиги.
2. Фондни хажми ва китоб билан таъмин этилганлиги.
3. Соҳа структураси.
4. Тематик – типологик тузилиши.
5. Тиллар структураси.
6. Хронологик (даврлар, йиллар бўйича).
7. Фондни янгиланишни, янги олингач ва келтирилган адабиётларнинг фонддан чиқарилиши.

Кутубхона фондининг китобхон талабига мувофиқ келишини аниқлашда фонднингкўрсаткичларидан яъни: умумий ва хусусий китоб берилиши тематик бўлимлари ёки соҳалар бўйича умумий ва хусусий китоб ўқилиши, китобга бўлган талаб ва бошқалардан фойдаланилади.

Фонднинг мувофиқлиги тўғри келишини аниқлашда соҳа ва тематикалар бўйича комплектлаш бўйича коофищентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Шуни қайд этиш лозимки 1960 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб китоб фондидан фойдаланиш кооэфиценти (ёки фонд билан китоб берилишнинг кооэфиценти деб аташ бошлади.

Китоб беришда кўрикда китобхонга берилган нашрларнинг нусхалари аниқланади. Бу ҳақдаги маълумотлар биринчи манба ҳисоблашувчи китоблар формулалари,

кутубхона ишининг кундалигида ва кутубхона статистикасида берилган бўлади.

Ўқилиши матбуот асарларининг нусхалар сони яъни бир вақт ичида битта китобхон томонидан ўқилган китоб қуйидаги математик формула бўйича ҳисоблаш лозим:

Ч — читаемость

В — книгавыдача

А — количества читателей библиотеки

$$Ч = \frac{В}{А}$$

фонднинг айланиши қуйидаги формула билан ҳисоблаш мумкин.

$$об = \frac{В}{Ф}$$ қайсики

об — китоб айланиши В — китоб берилиши Ф — фонднинг хажми.

Бизга маълумки фондни характерловчи энг мухим кўрсатгич хажми "Ф" дир. Фонднинг хажми фондда бўлган ҳисобга олиш бирликлари миқдори билан ўлчанади, кутубхона хизмат кўрсатадиган реал ёки патенциал китобхонларнинг китоб билан таъминлашни белгилайди.

Кутубхона фондидан фойдаланиш кўрсатгичларида тез — тез қўлланиб турадиган умумий китоб бериш "Б" ўқитилиши "У" айланиши "А" бу кўрсатгичлар бир бири билан алоқадор бўлиб, уларда математик моделлаш яъни кенг ишлатилади.

Ҳар бир кутубхонанинг типига ва турига қараб, норматив кўрсатгичлардан фойдаланилади.

Фонднинг соҳа ёки тематик бўлимларининг муво — фиқлик учун қуйидаги кооэфицентлардан фойдаланилади. Тўлиқ комплектланганлиги қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K\ ук = \frac{фото}{Ф} \quad 100$$

Қайсики K ук — комплектланган кооэфиценти.

Фото — конкрет бўлимнинг фонди хажми.

Ф — умумий китоб берилиши.

Кооэфиценти мувофиқлиги қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш керак:

К исп
Ко= — — — — қайсики
К ук

Ко — коэффицент мувофиқлиги К исм коэффиценти баҳолашни аниқлаш учун "школа оценки" баҳолаш ишлаб чиқариш зарур.

Фонднинг хажми нусхалар сони ҳақида (1981 йил 1 январ ГОСТ 7.20—80 кўрсатилган сони бирлиги ҳақида фонднинг хажми 1984 йил 1 январ ГОСТ да кўрсатилган).

Битта китобхонни китоб билан формула орқали изоҳлаш керак.

Ф
К — — — қайсики
А

Шу формула орқали кутубхона фондининг хажмини ҳисоблаш мумкин. Математик ҳисоблаш моделлардан фойдаланиш шунга олиб келадики фонд хажми ва китоб билан китобхоннинг таъмин этилиши булар бир—бири билан узвий боғлиқликдир.

Китоб билан таъмин этилишнинг оптимал хажмини аниқлашга ёрдам беради. Ҳар бир китоб доимо муомилада бўлиши ҳам бўлмаслиги кўрсатади. Китоб билан оптимал таъмин этилган бўлиши ҳам кутубхонанинг типи ва турига боғлиқдир.

Демак турли хисоблаш моделларидан фойдаланиш фондини оптимал хажмини кутубхона китоблари фойдаланишнинг бошқа ҳам кўрсатгичларини анча тўлиқ аниқлаб олиш имконини беради.

## ТЕМАТИК—ТИПОЛОГИК МОДЕЛ.

Кутубхона фондини моделини ишлашда тематик—типологик моделлаштириш (яни фонднинг профели) барча турдаги типда кутубхоналарнинг иши кенг қўлланилади.

Бунда фонднинг структурали модели яъни нашрларнинг типлари нусхалари тема бўйича оддий қисқартирилиб берилиши керак.

Бу модел орқали фондни кўп йиллар олдин ри-вожлантирилишни унинг йўналишига ва комплектлаш сиёсатини белгилаб беради.

Моделда мамлакат ёки республика кутубхоналари хизмат кўрсатадиган регионнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида рўй бераётган ходисалар воқеалар ҳисобга олинади.

Модел тузиш ёки мураккаб процесс бўлиб, ўз ичига фонднинг ўзгараётган кўп томонларини изчиллик билан кузатиб бориши керак.

М: Кутубхона фондининг ҳамма структураларини (билимларини) профелига мувофиқ комплектлаш бўлса, бунда маълум бир вақт ичида ўзгарадиган темаларни. фанларни назарда тутиш лозим.

Шунингдек моделда маҳаллий темаларнинг акс эт-тирилиши аҳамиятга эгадир. Бунинг учун кутубхоначи мамлакат республика халқни диққат билан кузатиб бориши рўзномаларда эълон қилинишга материалларни пухта ўрганиш матбуот қандай масалаларни ёрити-лаётганлиги. яъни вазифалар қўйилаётганлигини ва китобхоннинг талаб ва таклифлари назарда тутилади.

Шунингдек кутубхона учун қайси темага доир ада-биёт турларини қандай ва қанча нусхада олишни аниқлаш бу ҳам моделни тузишда катта рол ўйнайди.

## БИБЛИОГРАФИК МОДЕЛ

Библиографик моделни ишлаб чиқариш кутубхона фондининг "ядросини" ишлаб чиқариш демакдир.

Назарий кўрсатмалардан фойдаланилган ҳолда ку-тубхона фондининг энг асосий социал функцияларини бажарадиган нашрлар тўпланган бўлади.

"Ядрода" ҳозирги замон маданиятидан инсон баҳ-раманд бўладиган адабиётлардан ташкил топган бўлади.

Қандай китобхон хурузи бўлишидан қатъий назар мазмун бўйича уни талабини қондириш керак.

Библиографик модел тузишда турли хил кутуб-хоналарнинг хилма-хил бўлганлиги учун (илмий кутубхоналар, техника кутубхоналари, оммавий кутубхоналар) нинг типлари ядроси ҳам турлича бўлади.

Шу нарса маълумки техника бўйича 3—4 марта фойдаланилган китоблар 70% қўлланма фонддан чиқарилди. (ёки фойдаланилмади)

Библиографик моделда эксперт баҳолаш методи қўлланилади. Бадиий адабиётлар бўйича тавсия библиографик қўлланмасига рус классик адабиётининг асарлари, СССР қардош халқлари адабиётининг асарларини рус тилидаги таржимаси, ҳозирги замон адабиёти, чет мамлакатлар классик адабиёти бўйича тузилади.

Бу библиографик кўрсаттич қуйидаги ном билан яъни "Список книг на переиздание целивим назначением для массовых библиотек в 1981—1985 деб барча иттифоқдош республикаларининг эксперт баҳолаш методик марказларина юборилади.

Эксперт баҳолашда 3—та формировка тахминан назарда тутилади.

1. 1981—85 йилларда китобни қайта нашр этиш лозим.
2. Китобни 1985 йилдан кейин қайта нашр этиш мумкин.
3. Оммавий кутубхоналарга бу китоб керак эмас.

Эксперт баҳолаш натижалари "рўйхат" асосида республика методик марказларига аниқлаш учун юборилади. Бадиий адабиётлар фонди учун модел сифатида қабул қилиниши тавсия этилади.

Рўйхатда шу нарса аниқланадики чет мамлакатлар бадиий адабиётни рўйхатдан чиқариб туриш, чунки рўйхатни қайта кўриб чиқиш лозим эди.

Анологична шундай рўйхат моделни санъат ва адабиётшунослик бўйича оммавий кутубхонанинг ядроси учун ҳам тайёрланади.

Лекин бошқа фан соҳалари бўйича хам шундай рўйхатлар тузиш мумкин эмаслиги аниқланади. "Рўйхат" тузиш уни тавсия этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланади. 1970 йиллардаги ва ундан аввалги йиллардаги фонд ядросини киритилган соҳа адабиётлари, адабиётларни эскириш ҳақидаги низомга тўғри келмайди. Чунки илмий адабиётлар фондларнинг эскириши билан фонддан чиқарилади.

Кутубхоналарнинг асосий вазифаси мамлакатнинг таянч базаси булиши билан бирга, илмий техника

тараққиётининг ривожланишига таъсир этиши, фонддан актуал ва китобхон талабига жавоб берадиган адабиётларни сонини аниқлашга ёрдам берилиши лозим.

Библиографик қўлланмаларни анализ қилиш нати-жасида китобхоннинг талабини ўрганиш анталогия ва христоматия бошқа нашрларни ўрганиш шуни кўрсатадики, моделлаштириш учун бу метод унчалик қулайликларга эга эмас.

Тажриба кўрсатадики соҳалар бўйича библиографик моделдан фойдаланиш ўзининг негатив томонларини кўрсатади. Бу моделлар шунга олиб келадики мутахасис кутубхоначиларининг фикрлаш ядрога аввалги йилларда нашр этилган, эскирган нашрни фондга киритилиши бизни қониқтирмайди.

Оммавий кутубхона фондларини моделлаштириш ишларини экспремент сифатида иккита янги метод қабул этилди.

1. Соҳа нашрларнинг аннатация планларидаги адабиётларни анализ қилиш яъни охириги 3 йилига (книга торговой библиографии)

2. Оммавий кутубхона фондининг тематик-типологик тузилиш моделидан фойдаланиш (тематик планлаш-тиришдан фойдаланиш).

Бундан ташқари тавсия библиографик қўлланманинг босма системали картотекадан "Анатированний карточек. Комплект для городских библиотек" ГБЛ кутубхонаси томонидан чиқарилади, ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шундай қилиб моделлаштириш учун тез ўсадиган соҳалар яъни: энергетика, радиоэлектроника, қурилиши олинди.

Экспримент натижалари хулосалари тўпламларида мухокама учун нашр этилган.

Кутубхоначилик ишида моделлаштиришга қўйилган талабларни кўриб чиқиш, ўрганиш лозим.

Моделлаштириш кутубхоначилик ишининг реал тад-қиқот сифатида икки ҳолатда фойдаланиш мумкин. Биринчидан келажак системаларини баҳолаш ва анализ этишда фойдаланилади. Иккинчидан мавжуд

системаларни тадқиқот қилиш яъни ҳақиқатдан оғир ва қимматли натурал экспериментлар ўтказишда масалан: фондларни жойлаштиришнинг оптимал вариантини баҳолаш моделда фойдаланилган бўлади.

Шунингдек, кутубхоначилик ишида имитационный (тақлид қилиш) модел ЭВМ дан фойдаланилган ҳолда кутубхона иш процессини ҳохлаган системани адиактив (айнан ўхшаш моделини деталлаштирилган ҳолда олиш мумкин. Имитация модели асосида диокретлларидан статистикадан фойдаланиш ўтади. Моделлаштириш комплектлаш процессида оптимал нусхалар сонини аниқлашда катта ёрдам беради.

ЙОЛДОШЕВ Э.Й. профессор

Тема: КУТУБХОНА ФОНДИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ.

ТЕМАНИНГ РЕЖАСИ:

1. Кутубхона фондини жой-жойига териб қуйиши характеристикаси, аҳамияти ва вазифаси.
2. Кутубхона фондини жойлаштириш классификацияси ва унга қуйиладиган талаблар.
а) мазмунига кура жойлаштириш: системали, мазмуний (тематик), предмет.
б) Формал жойлаштириш: алифбо буйича, санасига, географиясига катта кичиклигига, тилига кура ва хоказо.
3. Кутубхона фондини жойлаштиришни замонавий йуллари.

Кутубхона фонди унинг асосий бойлиги ҳисобланиб, асосан китобхонларни талаби асосида тулдирилиб борилади. Кутубхона фонди орқали китобхонларни китобга булган хилма-хил талаблари қондирилар экан, уни жойлаштириш ҳам асосан китобхонга тулиқ ва яхши хизмат курсатиш ва кутубхоначи оз вақтни сарфлаб китоб топиб бериши керак.

Мазкур қоида қул ёзма китобларни пайдо булишидан то ҳозирги даврга ҳам узининг аҳамияти йуқолмаган. Жой-жойига қуйиш термини Ватанимиз кутубхонашунослигидаги 18-асрда қарор топган дейилади. Балки шундайдир, лекин биз аждодларимиз меросига бир назар ташласак китобларни "жой-жойига" қуйиш қадимдан узининг қонун ва қоидаларига эга булганини гувоҳи буламиз. Қадимги қулёзмаларга қараганда ҳозирги марказий осиё ерларида илмли кишилар жуда куп булиб улар қулда ёзилган китобларни сақлаш ва жой-жойига қуйишда узига хос услубларни ишлаб чиқарганлар.

Айниқса 10—асрларга келиб Урта Осиёда илм-фан ниҳоятда ривожланди, натижада шохларнинг саройларида, мадрасаларда жуда куплаб китоблар сақланади ва улар узига хос усулда классификацияга жойлашган. Айниқса Бухоро, Самарқанд, Урганч ва бошқа шахарларда яъни Ипак йули утган вилоятларда катта-катта кутубхоналар вужудга кела бошлайди.

Уларни ичида Бухоро амирлигининг кутубхонаси ўзининг китоб га бойлиги ва ўзига хос жойлашиши билан машҳур эди.

Улуғ олим Абу Али Ибн Синонинг ёзишича "Бухоро амирлигининг кутубхонасини китоблари алоҳида хоналарда сақланиб, бир хонада арабча ва шеърий китоблар алоҳида сақланиб бошқасида ҳуқукга оид китоблар, учинчисида тиббиётга оид китоблар жойлаштирилган.

Бундан ташқари кутубхонада ушбу китобларни жойлашувини акс эттирувчи каталог (китоблар рўйхати) мавжуд бўлиб, ундан фойдаланган ҳолда китобларни тез ва осон топиш имконияти яратилган. Бу тарихий манба шундан далолат берадики, Шарқда кутубхона ва унинг китобларини жойлаштириш ҳақида қонун ва қоидалар яратилган даврда хали Ғарб ва Русияда бу ҳақда тасаввурга эга хам эмас эдилар.

Айниқса Амир Темур ўзининг узоқ ўлкаларга юриши даврида жуда кўп нодир китобларни Самарқандга жўнатади ва у ерда катта кутубхона барпо этади.

Мазкур кутубхонадаги китоблар асосан фан тармоқлари бўйича жойлаштирилган эди. Масалан: астрономия, хуқуқ, тиббиёт, диний китоблар ва хоказо. Кейинчалик ҳам бу қоидалар Шарқ мамлакатлари кутубхоналарида қўлланилиб ривожлантирилиб келинади.

Умуман кутубхона фондини жой–жойига қўйишга қатор талаблар қўйилади. Кутубхона фонди фойдаланиш учун қулай бўлиши лозим. Бу ҳолда кутубхоначи ёки китобхонни жовондан китоб олиши ва уни жойига қайтариб қўйиши осонлашиши лозим. Бунинг учун кутубхонанинг хилига, олинадиган китоблар, кутубхонани жойига эътибор берилади. Улардан келиб чикиб мазкур кутубхона турига қараб алоҳида жойлаштириш системаси танлаб олинади. Жой–жойига қўйиш ходимлардан шунчалик кам мехнат талаб қилади, бу иш шунчалик осон механизацияланади ва автоматлаштиради.

Китобларни жой–жойига қўйиш фондни ўрганишга ёрдам беришни, текширишни осонлаштиришни, фондни сақлашни барқарор қилиб туриши лозим. Кутубхона

фонди таркибидаги китобларни хилма–хиллиги ва бошқа манбалар уларни ҳам экранларида турлича жойлаш–тиришни талаб қилади. Фондни жойлаштиришга қуйиладиган умумийк талаблар ва жойлаштириш усуллари бир неча хил ва турдаги кутубхоналарга мўлжалланган.

Шунинг учун ҳам алоҳида хилдаги жойлаштиришни ўзига маъқул бўлган томонларини танлаб олиш билан бирга китобхонларга хизмат кўрсатишни идеал вариантини, жойлаштириладган ҳужжатлар турини хусусиятларини ҳисобга олади.

Натижада алоҳида кутубхоналар жойлаштиришни биргина турини танлаб олишдан бошқа турлари билан қўшиб иложи борича китобхонларни китоб танлаб олишини осонлаштиради ва китобларни кўпроқ ўқилишга фондни кўпроқ айланишга имконият яратиб беради.

Фондларни хар хил тартибий қисмлари учун жой–лаштиришни хилма–хил вариантлардан фойдаланиш жуда катта имкониятлар яратади.

Лекин кузатишлар тадқиқотлар ва тажрибалар асо–сида алоҳида турдаги кутубхоналар учун фондларни жойлаштиришни намунавий тузилмаси белгиланган ва у маъқул деб топилган.

Ҳозирги даврда китобларни жой–жойига қўйиш усулларни, китобни қандай белгиларини ҳисобга олишга қараб замонавий классификация уларни икки группага бўлади.

1.группа Мазмунига (системали, темаси, предметига) кўра жойлаштириш.

2. группа формал белгиларига қараб жойлаштириш.




Алифбоси ва номерига қараб жойлаштиришдан бошқалари ўз ҳолича фондларни оқилона жойлаштириш учун етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам фонд учун кўпроқ тўғри келадиган икки ёки ундан ортиқ белгилар бирлиги қўлланилади. Масалан: системали жойлаштириш одатда алифбога биноан жойлаштириш билан бирлашади, натижада системали-алифболи жойлаштириш вужудга келади.

Журналлар ва рўзномаларни жойлаштириш учун эса кўпгина санаси билан уйғунликда алифбога биноан жойлаштирилади, натижада алифбо санасига кўра тартибга солинади. Йирик фондли жумҳурият, вилоят ёки йирик тармоқли кутубхоналарда фақатгина иккита белги билан чегараланиб бўлмайди ва кўпроқ белгилардан фойдаланилади. Масалан: жуда хилма-хил тилларга оид китобларни оладиган кутубхоналар китобларнинг тилига

катта эътибор бериб системали алифболи жойлаштирадилар. Мана шу жойлаштиришда тил белгиси асосий иккинчи ва учинчилари ёрдамчи белгилар бўлиб ҳисобланади. Жойлаштиришни у ёки бу группасини танлаб олиш китобхонларга хизмат кўрсатишни шарт ва шароитдан, олинадиган китобларни мазмуни, соҳаси тематикадан келиб чиқади.

Бундан ташқари очиқ фонд шароитида унинг актив қисмини яъни кўп ўқиладиган ёки китобхонлар кўп талаб қиладиган китобларни яқинроқ ёки яққол кўринадиган жойларга жойлаштиришдан мақсад китобхонлар талабини тез бажариш ва улар вақтини тежашдир. Бунга асосан китобларни системали–алифболи, санавий белгиларини бирлаштириш орқали, болалар кутубхоналарида эса кичик ёшдагилар учун тематик–расмли китобларни ёйма усулда жойлаштириш усули орқали эришилади.

Камроқ сўраладиган китоблар эса китоб фондини ичкарирогига китобхонга мос келадиган, жойни тежай оладиган усулда жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Китобларни мазмунидан келиб чиқиш бу системали, мавзуга ва предметига кўра жойлаштиришнинг характерли белгиси бўлиб бу эса кутубхона китобларини жойлаштиришнинг бошқа усулларидан фарқ қилиб ўзининг анча устунликларига эга. Бу усулларни қўллаганда кутубхоначи китобларни қаерда жойлашганини яхши билади, чунки у китобни мазмуни бўйича излайди.

Ҳозирги даврда марказлашган системанинг барча филиалларида яъни ноҳия, қишлоқ, болалар кутуб–хоналарида жойлаштиришни ушбу тартиби қўл–ланиладики, бу услуб орқали кутубхоначи китобхон талаб қилган китобни жовондан бевосита олиб беради. Агар бу китоб ўз жойида бўлмаса унинг мазмунига яқинроқ китобни ўқувчига тавсия қилиш имкониятига эга бўлади, бундай жойлаштириш тематик талабларини қондиришни осонлаштиради, чунки китобхонни қизиқтирган темасига оид китоблар бир жовонда жойлашган бўлади. Масалан: болалар кутубхоналарида кичик ёшдагилар учун китоблар асосан темаларга ажратиб жойлаштирилади. "Ватанимиз

тарихидан", "Хайвонот дунёси", "Машиналар ҳақида", "Эртаклар" ва хоказо.

Тематик жойлаштиришни узига хослиги шундаки турли соҳа адабиётларини у ёки бу тема доирасида тўплаш имкониятини беради. Бу хилда жойлаштириш системали жойлаштиришдан фаркланади ва аникланади. Тема доирасида фонднинг бўлимлари ва хатто бўлимларига тегишли китобларни алоҳида темага бирлиштириш имкониятини вужудга келтиради.

Тематик усул системали жойлаштириш билан уни тўлдирган ҳолда бир бири билан бирлашади ва китобхонга китоб танлашда анча қулайликлар яратади. Масалан: кутубхонада "Ўзбекистоннинг машхур санъаткорлари" темаси асосида алоҳида ажратилса, унда жумхуриятдаги таниқли ва машхур театр актёрларини, мусиқачилари хофиз ва ашулачилари, кино усталари, цирк артистлари, раққосалари ҳақида китоблар ўз аксини топади. Натижада санъатни севучи, у ҳақдаги китобларни ўқувчи китобхонлар ўз талабини тўликроқ қондириш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари кутубхоначи шу соҳадаги китобларни тўлиқроқ тарғибот қилиш мақсадида жовон ичида кичик кўргазма ташкил қилади ва китобларни китобхон кўзига яққол кўрсатиш воситасидан фойдаланилади. Тематик жойлаштириш кутубхоначи учун жуда қулай ва китоб тарғиботида катта аҳамиятга эга. Кутубхоначи бир қанча темаларга оид жовонлар, қутичалар, кўргазмалар тақдим этиш орқали ҳам ўз китобларини оммалаштиради.

Системали усулда китоблар соҳавий билимлар бўйича жойлаштирилади. Ҳар бир бўлим ва бўлинма ичида китоблар кўпинча авторлари ёки сарлавҳалар алифбоси бўйича яъни системали– алифболи усулда группаланади. Китобларни системали тарзда жойлаштиришга мазкур кутубхонада қўлланиладиган классификация жадвали ёрдам беради. Ҳозирги даврда жумҳуриятда ўнли классификация жадвали асосан йирик илмий кутуб– хоналарда қўлланилаётган бўлса, оммавий кутубхоналар асосан КБК жадвалидан фойдаланмоқда.

Китобларни системали усулда классификация қилинганда унинг каталог индекси каталог карточкасининг юқори чап бурчагида жойлашади жовон (полка) индекси эса пастки чап бурчагида кўрсатилади ва у каталог индексидан катта бўлади.

Китобларни маълум предметлдар бўйича нашрларга бўлган қизиқишларини қондириш мақсадда йирик кутубхоналарда илмий техника, медицина, қишлоқ хўжалиги кутубхоналарида китоблар вақтинчалик предметлари бўйича жойлаштирилади ёки мазкур предмет бўйича ахборот берувчи катта кўргазмалар ташкил этилади. Масалан: Жумҳурият бўйича ахборот берувчи катта кўргазмалар ташкил этилади. Масалан: Жумҳурият медицина кутубхонасида кардиалогларнинг симфозиуми олдидан шу соҳага оид китоблардан ташкил топган кўргазмалар ташкил қилиниб, ахборот билетини нашр этилди. Бундай жойлаштиришни ҳам ўзига хос ютуқлари мавжуд (уни немис кутубхоначиси И.М.Фаранке 1769 йилда таклиф этган) чунки алоҳида соҳа ёки предметга қизиқувчи кишилар бир вақтда ўзларига кераклп маълумотларни тезда олишлари мумкин.

Адабиётларни мазмунига қараб жойлаштириш жуда кўп кутубхоналарда қўлланилади, лекин у барча кутубхоналар учун қулай усул бўлиб ҳисобланмайди ва уни ўзига хос камчиликлари ҳам мавжуд. Улардан бири: 1) мазмуний жойлашатириш китобларни кўп томонлама кўрсата олмайди. Чунки китоб мазмунига кўра бир вақтнинг ўзида бир неча бўлимларига тегишли бўлади, аммо фақат битта бўлимда жойлаштирилади. Бошқа босма асарлар, аудиовизуал материаллар ҳам худди рўзнома ва ойномаларга ўхшаб алоҳида мустақил фондга ажратилади ва улар бошқа системада яъни сонларига қараб ажратилиб жойлаштирилади. Китобга индивидуал фақат унга хос бўлган шифрни беришни иложи йўқ бу эса китоб излашни қийинлаштиради. мазкур жараёнга механизацияни жорий этиш анча қийин бу китобни топишга кутубхоначининг вақти кўп кетади, яъни китоблар олиш билан ўқиган китобларни жовондаги жойи мутассил ўзгариб туради.

2) бундай жойлаштирганда фонд хонани фойдали жойдан тежамсиз фойдаланиш рўй беради. Жовонда ҳар хил шаклдаги китоблар ёнма-ён туради ва токчалар орасини энг баланд китоб бўйи баравар қилиб қолдиришга тўғри келади, ҳар бир жовонда ягни олинадиган китоблар учун қўшимча жой қолдиришга тўғри келади.

Шунга қарамасдан кейин олинадиган китоблар учун жой бўшатиш мақсадида фондни маълум кесимини вақти вақти билан силжитиб туриш лозим бўлади. Бу иш ғоят унумсиз ва кўп мехнат қилищдан ташқари фондни янгидан жойлаштириш кутубхоначи ва кутубхоналарни унга кўникишга мажбур қилади.

4) Йирик кутубхоналарда системали жойлаштиришни китоблар миқдори ғоят катта бўлганлиги туфайли барча фонд учун жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу система асосан очиқ фондли оммавий кутубхоналарда фойдаланилади.

Китобларни формал жиҳатига кўра жойлаштиришнинг характерли хусусияти шундан иборатки бунда мазмун эътиборга олинмйди. Бунда турли мазмундаги китобларни бутун фонд бўйича сочилиб кетишга олиб келади. Оқибатда китобхонлар талабларни қондириш учун каталогдан маълумот олиш лозим бўлади.

Формал жиҳатдан жойлаштириш усулини асосан йирик илмий кутубхоналар қўллайдилар. Оммавий кутубхоналарда эса кўпгина ойнома, рўзнома, аудиовизуал материалларни жойлаштиришда ишлатилади. Шунингдек системали жойлаштириш ёрдамчи усул сифатида фойдаланилади.

Бу турдаги жойлаштиришлар орасида мустақил ҳам ёрдамчи тарзда қўллаш мумкин бўлган алифбога кўра жойлаштириш катта аҳамиятта эга.

Китобларни алифбо бўйича жойлаштиришда мазмунига эътибор бермай аксинча авторнинг фамилияси ёки сарлавҳасини биринчи харфи эътиборга олиниб, шу асосида жойлаштирилади. Бу усулда ҳар бир муаллифни асари бир жойга тўпланади, зарур китобни ўқувчи бирпасда топиш мумкин. Одатда алифбо формаси бошқа усуллар билан бирликда ишлатилади ва у анча яхши

самара беради, лекин бу усул орқали кутубхонани бутун фондини жойлаштириб бўлмайди. Чунки бу усул ўз ҳолиқа анча мураккаб ва кутубхонадаги жойни анча тежашга халақит беради, натижада бу усул системали-номерли жойлаштиришда ёрдамчи усул сифатида кўпроқ ишлатилади.

Жумҳуриятдаги барча оммавий кутубхоналар бадиий адабиётни жойлаштиришда шу усулдан фойдаланадики бу усул бадиий китобларни авторлари бўйича топишда жуда қўл келади.

Китобхонлар кўпинча бадиий асарни номери эмас балки муаллифни эслаб қоладилар ва шу муаллифларни биринчи харфи бўйича китоб излайдилар. Бундан ташқари Ўзбекистон кутубхоналари бадиий адабиётни 3–4 тилда (рус, ўзбек, қозоқ, тожик ва хоказолар) оладилар ва алоҳида тиллар бўйича ажратишдан ташқари уларни муаллифларни автор белгисига қараб жойлшатиришдан ташқари ажратишда муаллифни расми ва фамилиясини ҳам ёзиб қуядиларки, бу китоб танлашни осонлаштиради.

Китобларни алифбо бўйича жойлаштиришда авторлик жадвалидан фойдаланилади, авторлик жадвалидан фойдаланишни алфавит ва системали каталог предметларини ўқиш орқали билиб олган бўлсангиз керак.

Авторлик жадвалини биринчилардан бўлиб Чарлз Эми Юттер [illegible] чиққан. Россияда Л.Б. Хавкина жадвали анча машхур ва у хозирги даврда ҳам ишлатилади. Бу ерда яна бир муаммони ҳам эслатиб ўтиш лозим. Европа ва бошқа мамлакатларда муаллифларни фамилияси исми ва отасининг исмини ёзиш қадимдан қолган. Лекин Шарқ мамлакатларида муаллифлар кўпинча ўзининг тахаллусига эга ёки исми фамилиясини аниқлаш анча мураккаб. Масалан: Александр Дюма Тургенев, И.С.Пушкин, А.С. Шарқда Нозим Хикмат, Аваз Ўтар, Алишер Навоий, Ли Шао, Ким Пен, Хва хок. Шунинг учун ҳам фақат жадвал эмас, бошқа мавжуд жадваллардан ҳам фойдаланиш мумкин. Кейинги йилларда китобларга автор белгисини нашриётлар қўяди. Бу эса кутубхоналар ишни анча енгиллаштиради, аммо авторлик жадвалларидан фойдаланиш зарурлигини бартараф этмайди. Чунки нашр

белгиланган авторлик белгиси конкрет кутубхона қабул қилган белгиси билан мос келмаслиги, фаркланиши мумкин. Бундан ташқари нашриёт икки хонали автор жадвалидан фойдаланса йирик кутубхоналар учун уч хонали жадвалдан фойдаланилади. Санавий жойлаштиришни 1885 йили Америка кутубхоначиси У.С. Биско таклиф қилган.

Бу усулда китоблар нашр йили бўйича тўғри санавий тартибда жойлаштирилади. Мазкур усулда барча янги китоблар ўтган йили нашрдан чиққанларидан ажратилиб битта жойга қўйилади. Санавий жойлаштириш учун шифр бўлиб кўпинча китоб нашр қилинган йили ҳисобланади. Илмий ахборот муассасалари айрим нашр турларини (рефератлар, ахборот карталари, бюллетенлар) кўп миқдорда нашрнинг йили ва олинишини тартиб номери тарзида шифрга эга бўлади: 1991—5656. Санавий усули одатда жойлаштиришнинг бошқа турлари билан биргаликда қўлланилади. Кўп талаб қилинадиган хужжатлар вақтли нашрлар учун санавий алифболи усулда жойлаштириш маъқулдир. Шифр мазкур материални нашр этилган йили ва автор белгисидан иборат бўлади. Масалан: Муштум журналини 1999 йилда нашр этилган сонлари учун шифр қуйидагича бўлади:

1999
———
М-46

Санавий белгиси катта кичиклик белгиси билан қўшилганда санавий шакли жойлаштириш аксинча архив характеридаги китоблари (депозитар кутубхоналар) учун ғоят тегишлидир. А.Навоий номли Ўзбекистон жумҳурияти кутубхонаси депозитар системани мувофиқлаштирувчи марказ бўлиб кутубхона ижтимоий—сиёсий, филалогия, маданият, санъат ва физкультура адабиётларини юқоридаги услубда жойлаштирилган. Депозитарий миллий адабиётлардан 3—5 нусха қолганларидан 1—2 нусха китоб олади.

Бу усулда жойлаштиришда китоблар шифри йил белгиси мазкур йил ва формал доирасидаги тартиби номеридан ҳосил бўлади: Масалан: 1991—719 К.

Санавий – системали жойлаштириш асосан диссертацияларни жойлаштиришда қўлланиб кутубхоналарга келган йилини билдирадиган икки рақам соҳани индексини ва олинганлик тартиб номерини билдиради.

Масалан: 91 – 78

Да – – – –

166

Китоблар географиясига кўра жойлаштирилганда улар нашр қилинган мамлакат, шахар, област ёки китобда ёритилган жой алифбо тартибида жойлаштирилади. Бу тартиб одатда фондни айрим қисмларини жойлаштириш учун қўлланилади.

Агар китоб шифрига жойнинг белгиси ва келтирилган нашрнинг тартиб номери ёки автор белгиси киритилган бўлса, у холда география – номери ва география – алифболи жойлаштириш бўлади.

Хиндистон (ГН) Миср (ГА)

– – – – – – – – – – – – – – – – – –

3676 Э 48 .

Универсал оммавий ва илмий кутубхоналарнинг ўлкашунослик (мамлакатшунослик) фонди хам географик жойлаштириш усули ёрдамида тўпланади. Бундай бўлинишни иккинчи погонасида мазмуни ҳисобга олинади ва географик – системали жойлаштириш хосил бўлади.

Қирғизистон (ГС)

– – – – – – – – – – – –

68 С

Бундан ташқари оммавий кутубхоналарда географияга кўра хорижий мамлакатлар ва бошқа халқлар бадиий адабиётлари фондларида ёрдамчи усул сифатида қўлланилади.

Китоблар тилига кўра жойлаштиришда улар нашр қилинган тили бўйича ажратилади хар бир тилга оид группа доирасида эса системали – алифбо бўйича ёки бошқа тартибда жойлаштирилади,

Масалан 86

Хинд – – –

С 16

Бизнинг кўп миллатли мамлакатимизда ҳар бир халқ маданиятини ривожлантирмоқда ва китоблар орқали бошқа мамлакатлар билан узвий алоқа боғламоқда. Натижада йирик кутубхоналарда миллий ва хорижий тиллардаги адабиётлар ҳам кўпаймоқда ва алоҳида фондлар ташкил топмоқда. Марказлашган системали кутубхоналар бадиий адабиёт (ҳар хил тилдаги) ҳам шу усулда жойлаштирилмоқда.

Кутубхона фондини катта кичиклигига кўра жой–лаштиришни анча қадимий бўлиб Француз Р.Де Фурвинал томонидан XII асрда таклиф қилинган. Бунда китоб жойлашадиган жой ниҳоятда тежалади. Бундай жойлаштиришда китобларни формасига яъни катта–кичиклигига қараб бир неча группага бўлинади. Ҳар бир группа доирасида эса автор белгилари тартиб номери ёки бошқа белгиларга қараб жойлаштирилади.

Одатда 3–та асосий группа мавжуд 20 см гача 20–26 см гача ва 26 см дан баланд фонднинг хажми 300 мингдан ортиқ бўлганда бу усул ўзини оқлайди.

Форматнинг шартли белгиси кўпинча китобнинг ин–дивидуал номери билан биргаликда қўлланилади. Бундай форматли ва инвентар номери бўйича жойлаштириш шифри СПГЛ (форматни харфи индекси) ҳамда китобни инвентар номеридан иборат бўлади. Масалан: Э 496386. Энг кўп тарқалган нуқта катталигидаги китоб учун СИГЛ кўпинча соддалаштирилади бу ўз ўзидан аниқ шу форматни шартли белгиси бўлиб хизмат қилади. Мазкур тартиб китобнинг доимий ўрни таъминлаш имкониятини беради.

Номерга кўра жойлаштириш А.Н.Олдин томонидан таклиф қилинган бўлиб китобларни кутубхоналарга келтирилгандаги тартибида жойлаштиришни назарда тугади. Ҳар бир китоб ўзининг номерига эга бўлади ва уларни жойлаштириш осон бўлади. Номерга кўра жойлаштириш уни механизациялаш ва автомат–лаштиришни осонлаштиради. Агар бу усулни катта–кичиклигига кўра жойлаштириш билан қўшилса фондхонани фойдали майдонидан тулиқ фойдаланиш мумкин. Бу усулни авзаллиги шундаки у кутубхоначидан

малакали мехнатни талаб қилмайди. Номерга кўра жойлаштириши бир неча кўринишларга эга у махсус номерли, инвентар номерли ёки маконли бўлиши мумкин.

Махсус номер билан жойлаштирилганда инвентар номеридан қатъий назар китобларга алоҳида номер берилади. Бу усул системали номерли каталогига кўра географиясига кўра (геогр – номери) жойлаштиришларга ёрдамчи усул бўлиб хизмат қилади.

Инвентар номерига кўра жойлаштириши китобларни инвентар номери ортиб борадиган тартибда қатъий жойлаштиришни назарда тутади.

Бундай жойлаштириш фондини тез текширишга ёрдам беради, фойдаланаётган адабиётларни депозитарга топшириш имкониятини беради. Жойлашишни бу тури алоҳида ихтисослашган фондларни (грампластинкалари хисоботлар ва хоказолар) жойлаштиришда қўлланилмоқда. (крепостной) жойлаштирилганда (В.И.Сабольщиков 1858 йилда таклиф этган) китобга зал, шифр ва китобнинг шифрдаги ўрнини билдирилган алохида шифр берилади. Масалан: 18.3.3. Натижада китоблар ўзининг доимий ўрнига эга бўлади, жой тежалади, профессорлар учун алоҳида заллар ташкил этиш ва у ерда китобларни жойлаштириш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган усуллардан ташқари ку – тубхоналарда бошқача жойлаштиришлар ҳам мавжуд. Лекин ҳамма жойлаштириш усули биринчидан кутубхона фондидан фойдаланишни осонлаштириши иккинчидан китобхонга хизмат кўрсатишни яхшилаши лозим ва учинчидан каталог ва фонд ўртасидаги узвий боғлиқликни ифодалашизарур. Ҳар бир кутубхона китобларни топишни осонлаштириш мақсадида фондни жойлаштиришни режа схемасига эга бўлади. Ҳар бир жовонни ён томонида унда жойлашган билимлар соҳа китобларни номи ёки рўйхати ёзилган бўлади.

Китобларни жойлаштиришни ҳозирда қўлланилаётган усуллари бирданига пайдо бўлгани йўқ улар асрлар давомида такомиллашиб келади. 18 – асрда Европада системали жойлаштиришни ягона усул деб келадилар.

Бу усул Америкада ҳам муваффақиятли қўлланила бошлади. Бу усул асосан очиқ фондли кутубхоналарга жуда маъқул. Лекин хар бир кутубхона ўзининг биноси китобларининг сони ва турига ҳолига қараб фондни жойлаштириш лозим. Фондни қандай жойлаштириш хусусида жуда катта бахслар бўлиб ўтган. Масалан: Ю.В.Григорев системали жойлаштиришни ёқлаб чиққан бўлса, В.М.Рохин формасига кўра жойлаштиришни маъқул деб ҳисоблайди.

Мазкур кутубхонашунослар фондини жойлашти-ришда юқорида айтилган олимларни ҳисобга олиб ҳар хил усулларни аралаштириб қўллаш мумкинлигини эътироф этадилар.

Лекин 1940 йилдан бошлаб бизнинг мамлакатда сис-темали жойлаштириш ғолиб чиқди ва ҳозирда ҳам очиқ фондли кутубхоналарда шу усул қўлланилмоқда.

Лекин кейинчалик кутубхоналар иши, мактаб ни ўсиши, Китобхонга китоб бериш сонининг ўсиши, депозитар тармоқларини вужудга келиши хилма-хил жойлаштириш муаммосини хал қилишга мажбур этади. Кўп мамлакатларда формал жойлаштиришга ўтилади. Чунончи китобхонлар фонд ни хамма қисмига эмас айрим қисмларни кўпроқ талаб қиладилар, шунинг учун ҳам бундай актив фондларни алоҳида ажратишга тўғри келади. Бунда формат усули айниқса хажмли-номерли жойлаштириш анча ишончли деб топилади.

1954 йилдан бизнинг мамлакатимиздан, республика, ўлка, вилоят кутубхоналари формал-инвентар номерига қараб жойлаштиришга ўтдилар. Пассив-яъни кам ўқиладиган фондлар санавий жойлаштириш усулида жойлаштирилади.

Бизнинг мамлакатимиз тажрибаси хорижий дав-латларни тажрибаси шуни кўрсатадики китобларни турли типда жойлаштиришнинг моҳияти, аҳамияти ва қўллаш соҳасига бўлган қарашлар тобора ўзгариб такомиллашиб бормоқда.

Техникани ривожланиши микрофильмларни кўпа-йиши кутубхонада ЭХМ ларни қўлланишни яна бошқа жойлаштириш усулларини ўйлашга топишга ундамоқда.

Хулоса қилиб шуларни айтиш мумкинки хилма–хил тарихий даврларда китобларни жойлаштиришни турли усуллари кашф қилинди ва улар даврлар ўзгариши билан ўзининг ижобий ва салбий томонларини кўрсатди. Лекин қайси давр бўлишидан қатъий назар фондни жойлаштиришда энг аввало кутубхонани майдонига, биноларни жойлашувига, китобхонга қулай бўлишга, китобларни тез айланишга ва уларни сақлашга эътибор берилган ва бундан кейин асосий меъёр шундай бўлиб қолади.

АДАБИЁТЛАР:


1. Григорев Ю.В. Теоритические основы формирование библиотечных фондов– М: МГИК 1973 –С.88.
2. Лохвицкая С.Л. Тараченко Г.В. Формирование библиотечных фондов: Учеб пособия–Л:Л ГИК. 1989–С.62
3. К вопросу о методах размешения фондов крупных библиотек–Труды ГПНТБ СССР, 1977 вып 10.С.71–67?
4. Кутубхона фондлари: Маданият институтларининг кутубхоначилик факультети педагогика иснтитутлари ва университетларининг кутубхоначилик факультетлари учун дарслик/ Ю.Н. Столяров ва Е.П. Арефиева тахрири остида –Т: Ўқитувчи 1986 Б.344.
5. Столяров Ю.Н. Теория формирования библиотечного фонда: Сов, библиотековедение 1981 №6 – С 14–20.
6. Терешин В.И. Полнота библиотечного фонда: Теоритический аспектРеализации // Научн., техн, б–ки СССР–1982 №6 –С.3.8.
7. Ўзбекистон кутубхоналарининг ресурсларининг ва улардан фойдаланиш Т: 1989–Б 51.
8. Исломов Э., Йўлдошев Э. мактаб–лицей кутубхонаси ишини ташкил қилиш Т: Ўқитувчи 1997 Б 123
9. Марказлашган кутубхона системасини ишини ташкил қилиш –Т: Ўқитувчи 1989 б, 205.
10. Библиотечные фонды Т.: "Фан", 1985, 51 с.
11. Кутубхона фондлари, услубий қўлланма, Т.:, 1988, 45 б.

Босма табоғи 8,5. Буюртма №275. Адади 200.

ФТДК, ДИТАФ босмахонасида чоп этилган.
Тошкент, Олмазор, 171-уй.